6.	Инновацион	Ўқув жараёнида инновацион ёндашувлар ва технологиялардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, юқори технологик ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқадорлиги ва ҳ.к.
7.	Халқаро	Халқаро таълим бозори конъюнктураси, халқаро интеграция даражаси, иқтисодий, илмий ва маданий алмашинув даражаси, халқаро рейтинглардаги ўрни ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда ОТМларнинг асосий мақсади янги билимларни яратиш ва жорий этиш, жамиятнинг инновацион ривожланишини юқори малакали

кадрлар билан таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, таълим ва илмий салоҳиятни ривожлантириш асосида миллий ва халқаро рақобатбардошликни ошириш алоҳида аҳмиятга эга.

ОТМларни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дунё миқёсидаги тадқиқот ва таълим фаолиятини ривожлантириш;
- танланган илмий тадқиқот йўналишлари бўйича халқаро даражадаги етакчиликни қўлга киритиш;
- таълим ва илмий фаолият натижалари сифатида талабаларнинг ноёб билимларга эга бўлишлари;
- мамлакат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун илмий, ўқув ва технологик базани шакллантириш;
- вазифаларни амалга оширишда таълим муассасасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасаси фаолиятининг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда миллий иқтисодиёт, таълим хизматлари мижозлари ва умуман жамият эҳтиёжларини атрофлича акс эттириш унинг рақобатбардошлигини белгилайди ва кейингисини шаклланиш воситаси бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг функциялари[10]

[10] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса қиладиган бўлсак ОТМларда рақобатбардошликни шакллантириш механизми бозор иштирокчиларининг ўзаро муносабатида намоён бўлади, олий таълим муассасаларининг мақсадлари, вазифалари, функциялари, усуллари ва воситаларида амалий жиҳатдан реализация қилинади, тузатиш киритишни реализация қилиш мақсадида тескари алоқаларни ўрнатиш ва рақобатбардошлик даражасини баҳолаш назарда тутилади.

Олий таълим тизимида давлат ва хусусий ОТМларнинг ривожланиб бориши таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни шакллантиришнинг бир қатор хусусиятларини шакллантириш имконини беради.

Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигининг шаклланишининг рақобатбардошлигини баҳолаш учун муайян услубий ёндашувларни жорий этишда ўз ифодасини топади ва бунда ушбу соҳа ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

Ш.А. Кулдашев - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада таълим хизматларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг аҳамияти ҳамда олий таълим тизимида рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: таълим хизматлари, таълим хизматлари бозори, олий таълим тизими, рақобатбардошлик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются специфика и особенности образовательных услуг, важность повышения конкурентоспособности высших учебных заведений и формирования конкурентной среды в системе высшего образования.

Ключивые слова: образовательные услуги, рынок образовательных услуг, система высшего образования, конкурентоспособность.

Abstract: This article examines the specifics and characteristics of educational services, the importance of increasing the competitiveness of higher education institutions and the formation of a competitive environment in the higher education system.

Keywords: education services, education services market, higher education system, competitiveness.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инновациялар ва фан сиғими юқори тармоқларни ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуксиз таълим тизимини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди ва ОТМларининг бош вазифаси сифатида талабаларга инновацион, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни еча оладиган олий таълим беришга қаратилди.

Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқлари ҳамда тизимларида ислоҳотлар амалга оширилаётган, хусусан, олий таълим тизимида кескин ўзгаришлар кечаётган ҳозирги даврда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, фан, таълим, ишлаб чиқаришни интеграциялаши ҳамда ОТМларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мунтазам ошириб бориш масаласи бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олий аълим тизимида талабаларнинг билимини юқори даражага кўтарувчи энг муҳим ресурс – илмий-педагогик кадрлар ҳисобланади. Илмий-педагогик кадрларнинг малакаси, касбий ва педагогик маҳорати, компетенцияси, илм-фанни ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаси каби бир қатор омиллар келгусида ОТМ битирувчиларининг билим ва мутахассислик даражасини ошириш имконини беради. Шунинг учун ОТМ раҳбарияти илмий-педагогик кадрларнинг ролини ошириш, мотивация бериш ва самарали бошқариш усулларини жорий этиши керак. Ушбу ҳолат олий ўқув юртларининг деярли барча фаолият кўринишлари ва турлари билан узвий боғлиқдир. Олий таълим тизимида ўқув жараёнлари сифатини бошқариш механизмларини такомиллаштириш рақобатбардошликка эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республикамизда фаолиятни амалга ошираётган ОТМлари сони 2016-2022 йилларда 154 тага кўпайиб, бу кўрсаткич мазкур йиллар оралиғида 2,2 мартага ошган. Таҳлил қилинаётган йилларда ОТМларида ўиётган талабалар сони ОТМлар сонига мувофиқ равишда 2016/2017 ўқув йилида 268,3 мингтадан 2021/2022 ўқув йилида 808,0 мингтага кўпайган.

1-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари сони (ўқув йили бошига, бирлик)[11]

Кўрсаткичлар	Йиллар						2016-2022 й.й.да ўсиш, %
	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020	2020/2021	2021/2022	
Олий таълим муассасалари сони, бирлик	70	72	98	119	127	154	2,2 марта
Шу жумладан хорижий олий талим ташкилотлари филиаллари	7	7	9	18	20	25	3,8 марта
Уларда талабалар, минг киши	268,3	297,7	360,2	441,0	571,5	808,0	3,0 марта
Шу жумладан бўлимларда	267,9	287,5	313,0	360,1	441,9	553,4	2,1

[11] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

ўқийдиганлар, минг киши: кундузги бўлимда							марта
кечки	-	-	1,2	7,3	11,5	26,6	-
сиртқи бўлимда	0,4	10,2	46,0	73,6	118,1	228,0	570 марта
10000 аҳолига тўғри келалиган талабалар сони, бирликда	84	93	110	130	165	231	2,7 марта
Қабул қилинган талабалар сони, минг киши	61,2	85,7	114,5	138,1	174,9	235,8	3,8 марта
Шу жумладан бўлимларга: кундузги бўлимга	61,1	76,7	86,2	111,6	132,7	166,7	2,7 марта
кечки	-	-	-	3,2	6,0	9,0	-
сиртқи бўлимга	0,1	9,0	28,3	23,3	36,2	60,1	600 марта
Бакалавриатга қабул қилинган талабалар сони, минг киши	57,7	80,8	108,7	128,7	165,0	220,2	3,8 марта
Шу жумладан: кундузги	57,6	71,8	80,4	102,5	123,0	151,6	2,6
кечки	0,0	0,0	0,0	3,1	5,8	8,7	-
сиртқи	0,1	9,0	28,3	23,1	36,2	59,9	599 марта
Битирган мутахассислар сони, минг киши	64,1	67,4	70,3	70,8	83,9	103,6	161,6
10000 аҳолига нисбатан битирган мутахассислар	20	21	21,5	21	24	29,6	148,0

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамиятни қайта қуриш ва келгусида барқарор ривожлантириш имконини берувчи олий таълим тизимини яратишни зарурат этмоқда. Республикамиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси сифатида таълимнинг кутилаётган давомийлиги муддати мустақилликнинг дастлабки йилларида 13,7 йилни ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич 2020 йилга келиб 21 йилга узайтирилди.

Бизнинг фикримизча, таълим хизматларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим хизматларини пул кўринишидаги қийматини бевосита ўлчашнинг имконини мавжуд эмаслиги, кўп ҳолларда ушбу кўринишдаги хизматларни яратишга харажатларни аниқлашнинг имкони йўқ.

2. Таълим хизматларини ишлаб чиқарувчи субъектлар олдига қўйган мақсадларининг кенг кўламлилиги ва уларни юқори даражада кенгайишиб бориши. Кўпчилик таълим муассасалари олдида потенциал истеъмолчи талабини қондириш учун улар томонидан бажарилиши керак бўлган кўп миқдордаги вазифалар қўйилади ва ҳар доим ҳам улар қонунчиликда аниқ кўрсатилмайди. Жаҳонда таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар уларга қўйилаётган талаблар ва вазифаларни доимий ўсишига олиб келмоқда.

3. Таълим маънавий қадриятларни яратади ҳамда таълим хизматларини кўрсатишнинг комплекс тавсифга эгалиги таълимни олаётганларнинг шахси сифатида намоён бўлиши, тарбияланиши ва ижтимоий ривожланишига қодирлигини пайдо қилади.

4. Таълим хизматларини бериш жараёнида ўқитувчилар ва тингловчилар бир бири билан ўзаро муносабатда бўлишади. Бунда таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида мутахассиснинг билими ва фаол бўлишига талаб ошади ҳамда мижозни шахси тубдан ўзгаради.

5. Таълим хизматларини кўрсатиш ва унинг натижалари учун жамият ва давлат назорати амалга оширилади. Бу таълим соҳасида қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш бўйича ислоҳотлар доирасида юзага келадиган масъулиятни оширади.

6. Таълим хизматларининг натижаларини аниқлаш ва бир вақтда баҳолаш имконинг мавжуд эмаслиги. Бунда таълим хизматларини кўрсатиш самарали натижа сифатида узоқ вақтдан кейин содир бўлиши мумкин ҳамда уни билвосита кўрсаткичлар ассоида баҳолаш мумкин.

7. Таълим хизматлари бозорида олди-сотди жараёнини мураккаблиги.

8. Таълим хизматларини кўрсатишнинг узоқ муддат давом этиши. Таълим хизматларини кўрсатиш давомли узоқ даврни ўзида ифода этади.

Шундай қилиб, таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигининг шаклланиши унинг рақобатбардошлигини баҳолаш учун муайян услубий ёндашувларни жорий этишда ўз ифодасини топади ва бунда ушбу соҳа ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади. Юқоридаги кўрсаткичларни умумлаштирсак, ОТМлари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш учун авваламбор ОТМнинг рақобатбардошлигига эришиш лозим. Модомики, рақобатдош ОТМ ривожланиб, кенгайиб бораётган мутахассислар меҳнат бозорига касбий ва замонавий билимларни чуқур эгаллаган, юқори интеллектуал салоҳиятли рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имкониятига эга бўлади.

А.Т. Мирсодиқов - Фарғона давлат университети таянч докторанти

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА ЛОГИСТИКАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда қурилиш соҳасида микро даражадаги бошқарув тизимини комплекс такомиллаштириш масалалари назарий маълумотлар асосида ўрганилган. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг моддий, истеъмол ва иқтисодий оқимларининг ҳаракатини, инвестиция лойиҳасининг турли иштирокчиларини мувофиқлаштиришнинг хусусиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятлари асосланган.

Калит сўзлар: Саноат, қурилиш соҳаси, логистика, капитал қурилиш, қурилиш мажмуалари, логистика занжирлари, бошқарув интеграцияси.

Аннотация В статье рассмотрены вопросы комплексного совершенствования системы микроуровневого управления в строительной отрасли нашей страны на основе теоретических данных. В сфере строительства базируется ряд специфических особенностей производства, определяющих движение материальных, потребительских и экономических потоков, характер координации участников инвестиционного проекта.

Ключевые слова: Промышленность, строительная отрасль, логистика, капитальное строительство, строительные комплексы, логистические цепи, интеграция управления.

Annotation The article deals with the issues of complex improvement of the multilevel management system in the construction industry of our country on the basis of theoretical data. In the field of construction, a number of specific features of production are based, determining the movement of material, consumer and economic flows, the nature of coordination of various participants in the investment project

Keywords: Industry, construction industry, logistics, capital construction, construction complexes, logistics chains, management integration.

Иқтисодиёт тармоқлари таркибида қурилиш соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. У иқтисодиётнинг репродуктив жиҳати ва уй-жой қурилиши билан боғлиқ асосий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Айниқса, сўнгги йилларда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Бироқ, соҳанинг ривожланиши жараёнида қурилиш мажмуаларининг барча иштирокчилари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг маълум бир тарқалиши юз берди.

Капитал қурилиш жараёнини бошқаришда логистик занжирларни шакллантиришга ёндашувларнинг мавжуд иқтисодий ва ташкилий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда жорий этиш соҳа ривожланишининг ҳозирги босқичида катта аҳамиятга эга. Бу қурилиш ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги материаллар ва қурилиш технологияларини қўллаш, қурилиш мажмуаси корхоналари ўртасида горизонтал иқтисодий алоқалар даражасини кенгайтириш, қурилишда иқтисодий оқимларнинг интенсивлигини ошириш ва соҳа фаолияти билан боғлиқ тармоқларнинг зарурий даражадаги интеграцияси билан боғлиқдир. Бундай шароитда моддий, ахборот ва молиявий оқимларни логистик жиҳатдан мувофиқлаштириш, қурилаётган объектларга қурилиш, харид қилиш, ташиш, етказиб бериш ва ишлаб чиқариш-технологик конфигурацияларини тайёрлаш вақтида ҳамда жараён юз бераётган маконда келишилган фаолиятни таъминлашнинг аҳамияти объектив равишда ортиб

бормоқда. Қурилиш хизматлари бозорида қурилиш корхонасининг рақобатбардошлиги асосан капитал қурилишни логистик бошқариш тизимининг мавжудлиги ва самарадорлиги, барча инвестиция ва қурилиш цикллари, яъни буюртмани истеъмолчига етказиб беришдан бошлаб қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва самарадорлиги каби миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан белгиланади[1].

Мамлакатимизда қурилиш соҳасида микро даражадаги бошқарув тизимини комплекс такомиллаштириш муаммолари тадқиқот ишларида етарли даражада ёритилмаган. Қурилиш соҳаси корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш муаммосининг аҳамияти, тенденцияларнинг ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, уни илмий адабиётларда таҳлил этиш учун ёндашувлар мавжуд. Бироқ, иқтисодий конъюнктуранинг ноаниқлиги шароитида логистик занжир асосида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг илмий асосланган ва тасдиқланган усуллари мавжуд эмас.

Қурилиш – бу бозор ўзгаришлари даврида энг катта ўзгаришларга дуч келадиган иқтисодиётнинг соҳаларидан биридир, бу эса, бутун ишлаб чиқариш занжирини лойиҳа босқичидан қурилиш объектларини ишлаб чиқаришга қадар тижоратлаштириш билан боғлиқ. Қурилиш комплекси доираси ҳар доим кенгаяди, шунинг учун у инвестиция ва қурилиш комплексига айланади.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида “лойиҳани бошқариш” (лойиҳа бошқаруви) концепцияси доирасида ягона инвестиция-қурилиш айланиши, тезкор дизайн ва қурилиш (Lean design, Lean construction), таъминот занжири бошқаруви (Supply Chain Management) шаклланиши шароитида қурилишни бошқаришнинг замонавий усуллари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳани амалга ошириш тизими, дизайн, қурилиш ва етказиб бериш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлигига йўналтирилган муҳандислик тамойилларига мос келадиган, қурилишнинг иқтисодий оқимларини логистик мувофиқлаштириш ва қурилиш фирмаси, субпудратчилар, қурилиш саноати корхоналари ва инвестиция-қурилиш жараёнининг бошқа иштирокчилари иштирокида логистика тизимини шакллантириш зарур[3].

Тадқиқотда қурилиш соҳасининг иқтисодий оқимлари характеристикаси берилди, қурилиш ишлаб чиқариши логистик занжирида ишлаб чиқариш ва технологик конфигурацион органларнинг роли ва аҳамияти аниқланди, логистика асосий мақсад ва вазифалари, логистика тизимларини шакллантириш хусусиятлари, логистика функциялари, қурилиш ишлаб чиқариш операциялари ва харажатлари таркиби аниқланди, харид логистикаси соҳасида логистика йўналишларини шакллантиришнинг мумкин бўлган йўллари кўриб чиқилди.

Етказиб берувчилар, савдо воситачилар, сотиб олиш корхоналари ва қурилиш компаниялари ўртасида технологияларни бирлаштириш асосида иқтисодий оқимларнинг интенсивлиги ортиб бормоқда. Улар қуйидагиларда акс этади:

- доимий қурилиш муддати камайтириш учун бир вақтнинг ўзида қаратилган қурилиш ишлаб чиқариш, рационализаторлик бозор эҳтиёж

ташаббуси, кўчмас мулк ҳаёт цикли ошириш ва қурилиш ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

- янги серияли уйларни лойиҳалаш ва янги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ истеъмолчиларнинг талабларини ўзгартириш;

- қурилишни саноатлаштириш даражасини ўзгартириш, асосий қурилиш технологияларини бирлаштириш;

- қурилишнинг моддий-техник таъминоти иштирокчилари хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллиги уларни горизонтал ва конгломерат интеграциясининг логистика салоҳиятидан янада кўпроқ фойдаланишга ундайди[4].

Қурилиш соҳасида логистика ёндашувидан муваффақиятли фойдаланиш қуйидаги омиллар гуруҳига таснифланади:

1. Ташкилий омиллар. Пудратчилар, ишлаб чиқариш босқичлари, қурилиш объектлари ва бошқалар ўртасида қурилишда ресурсларни тақсимлашни мувофиқлаштириш кўлами тегишли ташкилий бошқарув тузилмаларини яратишни назарда тутади. Ягона бошқарув (бошқарув тизими) мавжудлиги иқтисодий оқимларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг умумий стандартларини яратади, бошқарув тартиб-таомилларининг ахборот бирлашувини шакллантиради.

2. Технологик омиллар. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш қувватларининг доимий ва тўлиқ юкланишини, қурилиш жараёнлари вақтида бирлашишни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш операцияларининг бирлигини таъминлашни талаб қилади.

3. Иқтисодий омиллар. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг барча иштирокчилари фаолияти молиявий-иқтисодий натижаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг якуний иқтисодий натижаларига таъсири логистика тизимини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш логистика тизимининг умумий вазифаси қурилиш майдончасига қурилиш материалларини етказиб беришнинг тўлиқлиги, ўз вақтида ва тежамкорлигини таъминлашдан иборат.



1-расм. Қурилиш соҳаси логистика тизими модели

Қурилиш соҳаси логистика занжири корхоналар фаолиятига нисбатан қўлланилади, яхлит логистика тизимининг шаклланишига олиб келади, натижада интеграцион таъсирларнинг шаклланишини таъминлайди:

- материалларни бошқариш ва назорат қилиш функцияларини интеграциялаш (бошқарув интеграцияси);
- қурилиш компанияси ва ҳамкорларининг технологик жараёнларини интеграциялаш (технологик интеграция);
- моддий ва ахборот оқимларини интеграциялаш;
- компаниянинг бизнес мақсадлари учун оқилона ташкилий тузилмани (ташкилий интеграция) шакллантиришни ўз ичига олган яхлит логистика тизими сифатида шаклланиш.

Хулоса сифатида кўрсатиб ўтиш мумкинки, ҳар қандай тизимнинг бошқарилиши учун энг муҳим шарт унинг барқарорлиги бўлиб, унда маълум бир алгоритм билан ишлайдиган тизимнинг мувозанатга яқин бўлган шароитларда ишлаш мақсадига эришишни тушуниш мумкин. Етарли барқарорлик шароитлари таркибий тузилиш ва функцияларнинг симметрия даражаси билан белгиланади, бу эса, қурилиш фаолиятининг ҳақиқий кўрсаткичларини режалаштирилган қийматдан ва вақтдан четга чиқишни назорат қилиш имконини беради.

Ж.А.Ҳайдаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

ИННОВАЦИЯЛАР – ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф бугунги кун талабларидан келиб чиқиб нновациялар – хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ривожлантиришнинг концептуал йўналиши эканлигини ёритиб берган

Калит сўзлар: иқтисодиёт, хизмат, хизмат кўрсатиш, инфратузилма, концепция, корхона, маҳсулот, товар, фан, техника, технология.

Аннотация: В данной статье автор исходя из требований сегодняшнего дня освещает инноваций и они являются концептуальном направлением развития инфраструктуры в сфере услуг.

Ключевые слова: экономика, сервис, услуга, инфраструктура, концепция, предприятие, продукт, товар, наука, техника, технология.

Annotation: In this article, the author emphasizes based on today's requirements that innovation is a conceptual direction of infrastructure development in the field of services.

Key words: economy, service, service delivery, infrastructure, concept, enterprise, product, goods, science, technique, technology.

Янги Ўзбекистон янгича дунёқараш шу билан биргаликда замонавий шароитларда инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг шу билан биргаликда мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омилларидан биридир.

2021 йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг муҳим драйверига айлантириш ва 2023 йилга қаддар хизматлар ҳажмини икки баробарга ошириш белгиланди. Шу ўринда хизмат кўрсатиш соҳасининг инфратузилмасини замон талабларига етказиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Шундай экан, айнан хизмат кўсратиш соҳасининг инфратузилмаси нима деган савол ўз ечимини кутади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг инфратузилмаси – бевосита ва билвосита хизмат кўрсатиш корхоналари ва истеъмолчиларга (қайта ишлаш корхоналарига, аҳолига) етказиб беришгача бўлган жараёнларда шарт-шароитларни таъминловчи хизматлар мажмуидан иборат.

Фикримизча, инфратузилмани, бир томондан, иқтисодий имкониятни ифодаловчи, яъни бозор муносабатлари учун шарт-шароитларни таъминлаб берувчи тизим сифатида ўргансак, иккинчи томондан, бозор субъектлари ўртасида товар-пул муносабатларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий муносабатлар сифатида алоҳида ўрганиш лозим.

Умуман, инфратузилма мажмуи, бу – иқтисодиётнинг махсус тармоғи ва иқтисодий фаолиятнинг махсус кўриниши бўлиб, ижтимоий-хусусий ҳамкорлик асосида ва давлат кўмагида амалга оширилади ҳамда глобал, миллий-ҳудудий ва корхона миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва технологик

ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш ва яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини хизмат турларининг характерига кўра, моддий таъминот, молиявий таъминот, ахборот таъминоти ва реклама, ихтисослашган хизмат, ташиш ва сақлаш ҳамда инновацион таъминот хизматлари каби турларга ажратиш мақсадга мувофиқ . Хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмани ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттиради, шу билан бирга, келажакда хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини инновацион ривожлантириш деганда, хизматлар соҳасида, техник, технологик ва ташкилий инновацияларни яратиш ва ўзлаштириш натижасида хизматлар соҳаси ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимига айтилади.

Инновация фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга маҳсулотларни (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни тежайди ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара беришини таъминлайди.

Инновацион инфратузилма ташкилий-иқтисодий институтлар мажмуаси бўлиб, иқтисодий самарадорлик принциплари асосида бевосита инновацион жараёнларни амалга ошириш учун шароитлар билан таъминлайди.

Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳаси кўпгина мамлакатларда иқтисодиётини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муҳим соҳага айланди. Хизмар соҳасининг асосий афзаллиги даромадларни кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратишда катта самара беради. Кўпгина минтақалар ва мамлакатлар учун бу энг муҳим аҳамият касб этади. Хизмар соҳасини ривожлантиришда бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси инновациялардир. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инновацияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Хусусан, инновациялар билан боғлиқ жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун устувор аҳамият касб этади.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида инновацияларнинг иқтисодий тараққиётда тутган ўрни тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиш учун ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 90 фоизга янги билим ва технологиялар ҳисобидан шаклланаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Инновация – бу инсон жамиятининг қонуни, жамият ривожланишининг доимий кучи, унинг маҳсули ва умуман тараққиётнинг асосий омили. “Инновация” атамаси янги иқтисодий категория сифатида XX асрнинг биринчи ўн йиллигида австриялик ва америкалик олим Й.Шумпетер томонидан илмий асослаб берилган ва у ишлаб чиққан бир қанча “янги

комбинациялар” иқтисодиётнинг ўша даврда кўтарилишидан далолат беради. Инновация тушунчаси остида у янги истеъмол маҳсулотларининг янги турларини, янги ишлаб чиқаришни, янги бозорларни ташкил қилиш шаклларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш учун ўзгартириш киритишни назарда тутган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацияларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, бозор иқтисодиётида инновация рақобат воситаси сифатида эътироф этила бошланди, чунки инновация таннархни туширишга, фойдани оширишга, янги эҳтиёжларни яратишга, пул оқимининг кўпайишига, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчининг имиджини оширишга, янги ички ва ташқи бозорларни ташкил этишга ва уларни бевосита забт этишга ёрдам беради. Инновациялар хизмат кўрсатиш соҳасига корхона даромадларини оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган жараён ёки маҳсулот сифатида намоён бўлиши мумкин. Бундай жараён ёки маҳсулот (хизмат) бевосита хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам тааллуқлидир. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлганлиги учун ҳам, ушбу соҳа томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг инновацион шакли ва механизмларини талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, бугунги кунда рақобат кучли бўлган шароитда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини, жумладан, хизматлар соҳасини ҳам, инновацияларсиз ривожлантириб бўлмайди. Бироқ, кўпгина корхоналар амалда инновацияларни қўллашга тайёр эмас. Чунки, инновациялар юқори даражада риск билан боғлиқ. Айниқса, агар инновацияни корхонанинг маълум хизмат тури ёки маълум бир ишлаб чиқарадиган маҳсулотига нисбатан эмас, балки корхонанинг бутун фаолиятига нисбатан қўллаш керак бўлса, шундай ҳолатларда корхона раҳбари инновацияларни қўллашни ва риск билан тўқнашишни хохламайди.

Мухтасар айтганда хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида рискни батамом йўқота олмайди, лекин яхши малакага эга бўлган, тажрибали раҳбар риск даражасини пасайтириш имконини топади. Шунинг учун ривожланиш истагида бўлган ҳар қандай корхона, жумладан, хизмат кўрсатиш корхоналари инновацияларни қабул қилиши ва ўз фаолиятида жорий қилиши керак. Биз олиб бораётган тадқиқотимизда ҳам, айнан, хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш – хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришнинг концептуал йўналиши сифатидаги омил эканлигини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

Б.О.Дусматов Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD
Н.М.Бурхонова Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ОМИЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб бориши ёритилган.

Калит сўзлар: Рақобат, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, саноат корхоналари, менежмент, инновация, инновацион бошқарув, инновацион фаолият.

Аннотация: В этой статье международная экономическая конкуренция является важнейшим фактором технического развития, и ее влияние будет продолжать процесс постоянного обновления технологий производства и управления, будут обновляться виды производимой продукции и будет отражаться повышение качества

Ключевые слова: Конкуренция, конкурентоспособность продукции, промышленные предприятия, менеджмент, инновации, инновационный менеджмент, инновационная деятельность.

Annotation: In this article, international economic competition is the most important factor of technical development, and its influence will continue the process of constant updating of production and management technologies, types of products will be updated and quality improvement will be reflected

Keywords: Competition, product competitiveness, industrial enterprises, management, innovation, innovation management, innovation activity.

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур. Рақобатбардошлик деганда одатда товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатбардошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмай, макроиқтисодий тавсифга эга ҳисобланади.

Тарихан мамлакатларнинг рақобатбардошлиги концепцияси миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб берувчи қиёсий афзалликлари назариясига асосланган.

Қиёсий афзалликлар мамлакатга табиатдан берилган бўлиб, улар абадий эмас ва такрор ишлаб чиқарилмайди. Ушбу рақобат афзалликлари фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ишлаб

чиқариш даражасида глобаллашуви ва товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичларда инновацияларга асосланади.

Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга:

- қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим шароитларининг

мавжудлиги;

- бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгалиги;

- бой маданий-тарихий меросга эгалиги туризмни ривожлантириш имконини беради;

- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;

- Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан афзалликларини таҳлил қиладиган бўлсак,

қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги;

- инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;

-аҳоли ўртача яшаш ёшининг узунлиги;

- меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги;

- мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қиёсий афзалликларга эга бўлиш билан бирга республика миллий иқтисодиётининг рақобат афзалликларини ҳам ривожлантириш зарур. Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан: мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги ва мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги[12].

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, инновацион юқори технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатига кўра чексиздир. Мамлакатнинг қиёсий ва рақобат афзалликларини аниқ фарқлаш лозим. Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат афзалликларининг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шарти дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашуви чуқурлашиб, очиқлик даражаси ортиб жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш

[12] Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Ғуломов таҳрири остида. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. 26б.

ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув жараёнига кам даражада жалб этилганлиги ва асосан ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиқлиги халқаро иқтисодий рақобатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима сабабдан баъзи мамлакатлар рақобатбардошлиги жиҳатидан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган?

Рақобатбардошлик тушунчасига иқтисодий адабиётда фирмаларнинг мавжуд шароитда рақобатчиларига нисбатан баҳо ва баҳосиз тавсифига кўра товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятларидир дея таъриф берилади.

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портер фикрича, мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатбардошлиги таъминлаб беради. Шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатбардошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатбар-дошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқлигини таъкидлайди[13]

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ушбу муҳит доирасидаги миллий компанияларнинг самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатбардошлик рейтингини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткичлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида хизмат қилади: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47

[13] Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.

мамлакатига рақобатбардошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади: миллий иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси; иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси; сиёсий тизимнинг барқарорлиги; молия тизими; инфратузилма; бошқарувнинг самарадорлиги; фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси; меҳнат ресурсларининг тавсифи.

Мамлакатлар рақобатбардошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатбардошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Мамлакатнинг енгил саноат корхоналарини рақобатбардошлигини баҳолаш кўп сонли маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, умумлаштириш асосида рақобатбардошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутади. Кейин барча омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий омил ажратилади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш негизида миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур

Н.М.Бурхонова Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТДОШЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ, ОМИЛЛАРИ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масалалари ёритилган

Калит сўзлар: Рақобат, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, саноат корхоналари, менежмент, инновация, инновацион бошқарув, инновацион фаолият.

Аннотация: В данной статье была посвящена экономике реформации в условиях, связанных с восстановлением условий в соответствии с задачами решения этой проблемы, конкурентоспособной экономикой, обеспечивающей

Ключевые слова: Конкуренция, конкурентоспособность продукции, промышленные предприятия, менеджмент, инновации, инновационный менеджмент, инновационная деятельность.

Annotation: This article was devoted to the economics of the reformation in conditions associated with the restoration of conditions in accordance with the tasks of solving this problem, a competitive economy that provides

Keywords: Competition, product competitiveness, industrial enterprises, management, innovation, innovation management, innovation activity.

Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

-мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги;

-мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;

-мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;

-миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;

-мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатдошликнинг охирги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатдошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;
2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати[14].

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади:

- ресурслар (мамлактда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги,ҳажми ва сифати);
- ташқи рақобат;
- талаб;
- тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар

[14] Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари:назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси:Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006,14-б.

кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган.Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М. Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши таминлангангагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари "миллий ромб"ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

Қуйида "миллий ромб" ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.



1.1.1-расм. Мамлактнинг рақобат жиҳатдан усунлигини ташкил этувчи унсурлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби).

3. Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш,

янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради.Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари коньюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилганшарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланган ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

II ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

З.С.Артиков – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD
Р.М.Раббанакулов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МИ-220 гуруҳ магистри

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА САВДО СОҲАСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада аҳолининг фаровонлиги давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи асосий мезон эканлиги, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ҳақида тўлиқ тушунчалар, савдо соҳасининг аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни, савдо соҳасининг вазифалари, Аҳоли фаровонлигининг юқори бўлиши учун зарур бўлган талаблар акс эттирилган ҳамда илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: савдо, савдо хизмати, фаровонлик, ҳаёт даражаси, ҳаёт сифати, ишлаб чиқариш, дўкон, савдо шаҳобчаси.

Аннотация: В данной статье описаны основные критерии эффективности социально-экономической политики государства, комплексное понимание благосостояния, уровня жизни и качества жизни, роль торговли в повышении благосостояния населения, задачи торговли, требования высокого благосостояния, а также рекомендации, имеющие научное и практическое значение.

Ключевые слова: sales, sales service, welfare, standard of living, quality of life, manufacturing, shop, retail outlet.

Annotation: This article describes the main criteria for the effectiveness of socio-economic policy of the state, a comprehensive understanding of the welfare, living standards and quality of life, the role of trade in improving the welfare of the population, the tasks of trade, the requirements for high welfare as well as recommendations of scientific and practical significance.

Key words: продажи, обслуживание продаж, благосостояние, уровень жизни, качество жизни, производство, магазин, торговая точка.

Аҳоли фаровонлигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Мустақилликнинг сўнги йилларида Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди. Мамлакатимизда 2017-2019 йиллар давомида олдинги ислоҳотларни давом эттириш ва уларни янгилаш натижасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришилгани аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бу албатта жуда кўп ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал қилинганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда аҳолининг фаровонлик даражасига таъсир қиладиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳам анча ошди. Олдинги йилларда иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 20-25 фоизга ошган бўлса, ҳозирги кунда 1,5 – 2,0 баробарга оширилмоқда.

Аҳолининг фаровонлиги давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи асосий мезон бўлиб, унинг ошиб бориши ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этади. Шу боис барча соҳалар сингари савдо соҳасини ҳам ривожлантириш ва ушбу соҳани жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш масаласига ҳам тегишли тарзда эътибор қаратишни тақозо қилади. Бу эса мазкур соҳанинг мазмунан бутунлай янгиланганлигидан, шаклан туб ўзгаришларни содир этганлигидан билиш мумкин.

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати инсон ҳаёти ва фаолиятининг қандайдир бир томони ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур”[15], деб таъкидлади. Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданий-маиший буюмлар билан таъминланганлик ва бошқа кўплаб кўрсаткичларни уйғун ҳолда ўрганиш лозим. Аҳоли ҳаёт даражаси “ҳаёт сифати” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг боғлиқлиги турли илмий адабиётларда хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан етарли даражада ёритиб берилган.

Ҳаёт сифати – шахснинг, фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятдаги турмуш шароитлари ва табиат муҳити билан биргаликдаги муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлари мажмуидир.

Бугунги кунда аҳоли фаровонлигини оширишда савдо хизматларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Савдо хизмати савдо корхоналарида асосан истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизмат тури бўлиб у савдо хизматини янада самарали фаолият олиб боришида ва у орқали юқори натижаларга эришишида хизмат қилади.

Савдо корхоналарида кўрсатилаётган савдо хизматининг сифати ва даражаси савдо корхоналарининг рақобат курашида ғолиб чиқишлари учун асосий восита ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ҳозирги замонавий рақобат кураши кескинлашиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарида кўрсатилаётган савдо хизматига алоҳида аҳамият беришмоқда.

Савдо хизмати – бу малакали сотувчилар томонидан харидорларга уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган товарларни сотиб олгунига қадар ва сотиб олганидан кейинги даврда кўрсатиладиган юқори даражадаги иқтисодий фаолият натижасидир.

Бугунги кунда савдо хизмати савдо корхоналари фаолиятини самарали олиб бориш, фойдасини ошириш ва рақобат курашида устун бўлишларида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу жараённи амалга ошириш орқали аҳолининг турли-туман ва кенг ассортиментдаги истеъмол товарларига бўлган

[15] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

талаблари қондирилиб уларнинг харид вақтлари тежалмоқда. Бунинг натижасида эса, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб бормоқда. Бироқ бу масалада ҳали жуда кўп ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, ушбу тушунчанинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги оқибатида бу тушунча таърифининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги бунга яққол мисолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, савдо соҳаси кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичларида муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. У ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Шу тариқа кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради (1-расм).



1-расм. Савдо соҳасининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни[16]

Ушбу расмдан ҳам кўриниб турибдики, савдо соҳаси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самарадорликни ошириш учун ҳам мустаҳкам замин бўлиб ҳисобланади. Чунки бу орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз истеъмолчиларини топади ва мос равишда истеъмолчилар ўзларига зарур бўлган товар ва маҳсулотларини савдо корхоналаридан харид қилиб олади. Шунинг учун бугунги кунда савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ўта муҳим масалалар сирасига кириб бомоқда. Чунки аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматларининг ўрни беқиёс. Шу туфайли савдо хизматларининг турларига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади.

Савдо соҳаси ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодий самарадорликни ошириш билан бирга аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга ҳам хизмат қиладиган муҳим соҳалардан биридир. Чунки савдо соҳаси мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш билан бирга аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқ ижтимоий самарадорликнинг ошишига ҳам хизмат қилади. Буларни инобатга олиб тадқиқот жараёнида бир қанча илмий-амалий аҳамиятга молик тавсияларни ишлаб чиқдик. Булар жумласига:

1. Савдо корхоналарини ҳозиргидек, тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга эришиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида савдо шахобчаларининг етишмаслиги туфайли, улар оддий уй-рўзғор анжомлари ва бошқа кундалик нарсаларни ҳам харид қилиш учун узоқ туман марказларига ёки йирик шаҳарларга боришига тўғри келмоқда. Бу эса уларнинг оилавий бюджетига салбий таъсир қилиш билан бирга асосий фаолиятининг барқарорлигига ҳам таъсир қилади.

[16] Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

2. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда электрон савдо тизимини кенг жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки кундалик маҳсулотларнинг кўпи харидорнинг алоҳида танловини талаб қилмайди. Шу туфайли бундай товарларга интернет орқали бюртмалар қабул қилиб, харидорнинг иш жойига ёки уйига етказиб бериш ҳам аҳолининг мушкулини анча енгиллаштирган бўлар эди. Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, ўйлаймизки аҳолининг фаровонлиги айнан савдо соҳасини такомиллаштириш эвазига анча ошади.

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун тегишли вазифалар белгиланиб олинади. Савдо соҳасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– савдо соҳасининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бериш;

– савдо соҳасидаги асосий йўналишларни, савдонинг турларини ўрганиш;

– савдо соҳасини савдо шаҳобчалари бўйича ўрганиш;

– савдо соҳасини мамлакатимизнинг ҳудудлари бўйича ўрганиш;

– савдо соҳасининг истиқболли йўналишларига баҳо бериш ва унда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини ҳал қилиш кабилар.

Шуни эътироф этиш керакки, мазкур соҳанинг вазифалари юқорида кайд қилинганлар билан белгиланмайди. Уни хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Аммо мазкур масала иқтисодий адабиётларда кам ёритилган.

Аҳоли фаровонлигининг оширилиши уларнинг ҳаёт учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматлар билан етарли даражада таъминланганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда барча иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий тадбирлар пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Айнан ушбу неъматларни етказиб беришда асосий юк савдо соҳасига тўғри келади.

Аҳолининг фаровонлиги юқори бўлиш учун унга қуйидагилар зарур бўлади:

1. Яшаш учун моддий имкониятнинг етарлилиги.

2. Дўконларда етарли даражада талабга мос озиқ-овқат товарларининг мавжудлиги.

3. Харидор хоҳлаган пайтда ўзига зарур ва маъқул бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларини ҳам харид қилиш имкониятининг яратилганлиги.

4. Дам олиш учун маданий муассасалар ва товарларнинг ҳам етарлилиги.

5. Барча хизматлардан зарур ҳолда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

6. Яшаган жойида тинчлик ва хавфсизликнинг тўлиқ таъминланганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, уларни етказиб беришда савдо соҳасининг ўрни катта. Демак аҳоли фаровонлигининг ошишида ушбу соҳанинг ўрни беқиёс эканлигини англаш мумкин. Чунки аҳоли фаровонлиги билан савдо соҳасининг ўртасида диалектик боғлиқлик бор. Аҳоли фаровонлиги ошиб борган сайин савдо соҳаси ривожланиб боради ва мос равишда савдонинг такомиллашуви

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

Пировардида булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини савдодан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Савдо аҳоли учун зарур бўлса, аҳолининг мавжудлиги ва унинг фаровонлиги савдо соҳасининг ривожланиши учун зарурдир.

Б.Ш.Хусанов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проф.в.б.

Ш.Бегимкулов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ – 120 гурух магистранти

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий хизматлар билан боғлиқ бюджет харажатларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш қўйилмаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган бўлиб, бу бўйича хулоса ва таклифлар бериб ўтилагн.

Калит сўзлар: ижтимоий хизматлар, бюджет харажатлари, таълим муассасалари самарадорлигини бахолаш.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется реализации инвестиций по совершенствованию механизма реализации расходов бюджета, связанных с социальными услугами, а также приводятся выводы и рекомендации.

Ключевые слова: социальные услуги, расходы бюджета, оценка эффективности образовательных учреждений.

Annotation: This article focuses on the implementation of investments to improve the mechanism for implementing budget expenditures related to social services, as well as conclusions and recommendations.

Key words: social services, budget expenditures, evaluation of the effectiveness of educational institutions.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд. Улар ўзларининг иқтисодий мазмуни, функционаллиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари ёки идоравий бўлиниши, ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича, ҳудудий туркумланиши, маълум мақсадлари ва юридик нуқтаиназардан ёки давлат бошқаруви даражасига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилиши мумкин. Жумладан, таълим тизимида қўшимча хизматларни кўрсатиш орқали даромад келтирувчи фаолиятларга урғу берилган бўлса, тиббий хизматларни таъминланишида тиббий суғурта амалиётининг ривожлантирилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, бюджет харажатлари ижросини таъминлашда ғазначиликнинг жорий этилиши, натижада ижро билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қисқаришига эришиш мумкинлиги, мамлакатимизда ғазначилик тўғрисидаги қонунчилик қабул қилинишидан бир йил олдин, бу тизимга ўтишдан тўрт йил олдин айтиб

ўтилади. Шу билан бирга, хусусий пенсия фондларини ташкил қилишнинг ҳам афзаллик жиҳатлари кўрсатиб ўтилади.

Ижтимоий хизматлар билан боғлиқ бюджет харажатларининг капитал харажатлари таркибида «Тараққиёт бюджети» шакллантирилиши мумкин. Давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга йўналтирилган бюджет харажатлари, бошқа бюджетлар ва иқтисодиёт алоҳида тармоқларига дотация, субсидия ва субвенция шаклида кўрсатиладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бюджет харажатларининг туркумланишига мувофиқ капитал харажатларнинг таркибига киритилмаган бошқа харажатлар бюджетнинг жорий харажатлари дейилади. Аниқроқ равишда бюджетнинг жорий харажатлари таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- давлат истеъмоли харажатлари (иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, миллий хўжаликнинг давлат дармоқларини сақлаш, фуқаролик ва ҳарбий характердаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш, давлат муассасаларининг жорий харажатлари);
- ҳокимиятнинг қуйи органлари, давлат корхоналари ва хусусий корхоналарга жорий субсидиялар;
- трансферт тўловлари;
- давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш;

Ижтимоий хизматлар билан боғлиқ бюджет харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характерига эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат. Бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти унинг турли-туман кўринишлари (турлари) орқали намоён бўлади. Харажатларнинг ҳар бир тури эса ўзининг миқдорий ва сифат характеристикасига эга. Бунда уларнинг сифат характеристикаси воқеликнинг иқтисодий табиатини ифодалаб, бюджет харажатларининг мўлжалланганлигини, миқдорий характеристика эса уларнинг ўлчамини (миқдорини, ҳажмини) аниқлашга имкон беради. Бюджет харажатлари чиқимларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади: давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси; бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан боғланганлиги; иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси; бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к. Бу омилларнинг қўшилиши ижтимоийиқтисодий

тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳар қандай давлат бюджет харажатларининг у ёки бу тизимини вужудга келтиради.

Бу харажатлар оддий бюджетда ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс этган чиқимларга, асосан, мос келади.

Кейинги йилларда давлат капитал қуйилмаларининг ҳажми кескин ошмоқда. Хусусий фирмаларга, айниқса, тараққиёт минтақаларига берилаётган субсидиялар миқдори купаймоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида унинг айрим тармоқларида давлат кафолати остида давлат субсидиялари ёки имтиёзли банк кредитлари кўринишида танланма ёрдам кўрсатилаяпти. Бюджетдан катта миқдордаги маблағлар иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига тақдим этилаяпти. Бу тармоқ устувор равишда қўллаб-қувватланиши лозим бўлган тармоқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига бериладиган субсидиялар икки кўринишда тақдим этилмоқда: 1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига кафолатланган баҳоларни қўллаб-қувватлаш;

2) ишлаб чиқариш мақсадлари – қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғитлар сотиб олиш ва омборхоналар қуриш – учун.

Миллий маҳсулотларни экспорт қилувчи фирмалар фаолиятига бюджетдан ёрдамнинг кўрсатилиши ҳам жаҳон бозорларидаги шиддатли рақобат шароитида уларнинг аҳволини анча енгиллаштиради. Бюджет харажатлари орқали иқтисодиётга давлатнинг аралашуви иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатларда ўсишини рағбатлантирибгина қолмасдан, балки унинг циклик тебранишини ҳам юмшатади (секинлаштиради). Бюджетнинг ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши кераклиги билан боғлиқдир. Бюджет маблағлари ҳисобидан Қуролли Кучларнинг барча турлари молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғлангандир. Бундай ўзаро боғлиқлик харажатларнинг миқдорий жиҳатдан даромадларга мувофиқ келиши ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши орқали ифодаланади. Бир томондан, аксарият ҳолларда, бюджет харажатларининг ҳажми бюджет даромадларининг ҳажми билан чекланади. Ўз навбатида, бюджет даромадларининг ҳажми эса давлатнинг иқтисодий имкониятлари билан аниқланади. Шунинг учун ҳам бу ерда бюджет харажатларининг шундай ҳажмини ва миллий хўжаликда пул фондларини шакллантиришда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шундай муддатларини ўрнатиш керакки, улар минимал харажатлар қилиб максимал самарага эриши орқали давлат олдидаги ижтимоийиқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминласин. Бошқа томондан эса, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир қилиш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва миллий хўжаликдаги пропорцияларни оптималлаштириш орқали бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари даражасининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Бюджетнинг барча харажатлари юқоридаги бешта гуруҳдан қайси бирига киришидан қатъий-назар улар ўзларининг маълум конкрет мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича ҳам бир неча қисмларга бўлинади. Бу қисмлар бюджет харажатларининг конкрет турларидан таркиб топади. Капитал қуйилмалар, дотациялар, субвенциялар, субсидиялар, бюджет ссудалари, иш ҳақи, овқатланиш харажатлари, капитал ва жорий ремонт, канцелярия ва хўжалик харажатларини бюджет харажатларининг конкрет турлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бюджет харажатларининг маълум конкрет мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича туркумланиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан самарали ва таъсирчан молиявий назоратни амалга оширишнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Иқтисодий нуқтаи-назардан туркумларга ажратилиши билан бир қаторда бюджетнинг харажатларини ташкилий жиҳатдан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунинг асосида бюджет харажатларини юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар, ассоциациялар, бирлашмалар, концернлар, компаниялар ва ҳ.к.) ва ҳудудий белгилари ётиши мумкин. Бюджет харажатларининг юқори ташкилотлар бўйича гуруҳланиши бюджет маблағларини конкрет олувчиларни кўрсатади ва улар тармоқ ичида пул фондларини шакллантиришда масъул бўлиб, ажратилган бюджет ассигнованияларидан ўз вақтида, самарали ва қонуний фойдаланиш устидан жавобгардирлар.

Ж.М.Қурбонов - Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти профессори
Р.Ж.Курбанова – Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти, PhD
Д.У.Ҳакимов - Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти 2 курс талабаси

SAVDO KORXONALARINING INNOVASION FAOLIYATI UCHUN IQTISODIY DIAGNOSTIKA

Annotasiya: Maqolada iqtisodiy diagnostika ko’rsatkichlarini hisoblash, hisoblash natijalarini maksimal ruxsat yetilgan qiymatlar bilan solishtirish va shu orqali muammoli vaziyatlar alomatlarini aniqlash, bunday holatlarning sabablarini tahlil qilish orqali amalga oshirish mumkinkigi ko’rsatilib o’tilgan.

Kalit so’zlar: diagnostika, tizimlashtirish, iqtisodiy va statistik tadqiqotlar

Аннотация: В статье показано, что расчет показателей экономической диагностики может быть осуществлен путем сопоставления результатов расчета с максимально допустимыми значениями и выявления тем самым симптомов проблемных ситуаций, анализа причин возникновения таких ситуаций.

Ключевые слова: диагностика, систематизация, экономико-статистическое исследование

Annotation: The article shows that the calculation of indicators of economic diagnostics can be carried out by comparing the calculation results with the maximum allowable values and thereby identifying the symptoms of problematic situations, analyzing the causes of such situations.

Keywords: diagnostics, systematization, economic and statistical research

Tibbiyotda diagnoz qo’yilgandek, korxonaning innovasion faoliyati iqtisodiy diagnostika mezonlar, ularning sifat baholash va miqdoriy ma’lumotlaridan

foydalanilgan holda diagnostikani tez belgilab berish lozim. Diagnostikani amalga oshirish mohiyatan innovasion faoliyat holatini puxta o'rganishni talab etadi. Buni iqtisodiy diagnostika ko'rsatkichlarini hisoblash, hisoblash natijalarini maksimal ruxsat yetilgan qiymatlar bilan solishtirish va shu orqali muammoli vaziyatlar alomatlarini aniqlash, bunday holatlarning sabablarini tahlil qilish orqali amalga oshirish mumkin. Tashxisning yakuniy bosqichi korxonaning innovasion faoliyati kelajakda muammoli vaziyatlardan chiqish uchun tavsiyalar bo'ladi.

Amaliyotda tadqiqotlarning eng muhim yo'nalishlaridan biri diagnostika bo'lib, u korxonada mavjud bo'lgan holatlarni tahlil qilib kelajakda sohani rivojlantirishga yordam beradi.

Savdo korxonalarining diagnostikasi - imkon beruvchi axborot-tahlil vositalari majmuasidan foydalanib, mintaqada savdo holatini o'rganish usulidan iboratdir:

- savdo korxonalaridagi vaziyat va muammolarni aniqlash va tizimlashtirish;
- savdo korxonalaridagi vaziyat va muammolarni miqdoriy va sifatli baholashni amalga oshirish;
- tashxislangan sharoitning ichki va tashqi sabablarini aniqlash.

Boshqacha qilib aytganda, savdo korxonalarining diagnostikasi korxonaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish holati va darajasini, jamiyatdagi hududlari orasidagi o'rnini, savdo jarayonidagi muammoli vaziyatlarni butun yoki uning iqtisodiyotining muayyan sohalarida aniqlash imkoniyatini beradi. Savdo korxonalarining diagnostikasi korxonaning axborot pasportini yaratish, uning iqtisodiy, ijtimoiy va yekologik salohiyatini va ushbu salohiyatdan foydalanish samaradorligini baholash imkonini beradi hamda hududiy bozorlarning holati, ularning imkoniyatlari va muvozanati haqida atroflicha ma'lumot olish imkonini beradi.

Savdo korxonalarining diagnostikasi uchta asosiy shakl bilan ifodalanadi:

1) iqtisodiy va statistik tadqiqotlar, shu jumladan retrospektiv usullar bilan amalga oshiriladigan analitik diagnostika;

2) maxsus ekspert va sosiologik so'rovlar o'tkazishga asoslangan ekspert diagnostikasi;

3) matematik modellashtirish usullari yordamida model diagnostikasi.

Savdo korxonalari diagnostikaning vaqt parametrlariga qarab quyidagi turlarini ajratish mumkin:

- monitoring, korxonadagi vaziyat parametrlari va ulardagi muammolar o'zgarishining doimiy monitoringi rejimida;
- davriy, amalga oshiriladi, masalan, har yili rejimida muayyan ko'rsatkichlar bo'yicha korxonalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish reytingini tuzilgan;
- bir martalik, alohida o'rganish yoki kampaniyasi bir qismi sifatida amalga oshiriladi

Tadqiqotning vazifalariga qarab, savdo korxonalarida davlatning tashxisi va jarayonning tashxisi farqlanadi. Davlatning tashxislashda savdo korxonasining ma'lum vaqtdagi holati baholanadi. Jarayonning diagnostikasida esa rivojlanish dinamikasini aniqlash, muammoli vaziyatlar genetikasini aniqlash va korxonaning rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarni baholash bilan bog'liq bo'ladi. Savdo

korxonalari diagnostikaning bu turlaridan har biri uchun tegishli statistik baza, tadqiqot usullari va natijalarni taqdim yetish shakllaridan foydalaniladi.

Savdo korxonalarining diagnostikasi uchun ko'rsatkichlar (ko'rsatkichlar) tizimini aniqlashda quyidagi uslubiy tamoyillarga rioya qilish kerak:

- ma'lumotlarning to'liqligini saqlagan holda ko'rsatkichlar sonini optimallashtirish;
- yakuniy ijtimoiy ahamiyatli natijalar ko'rsatkichlaridan foydalanish;
- korxonaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ko'rib chiqilgan sohasi xususiyatlari bo'yicha ko'rsatkichlarning yetarliligi va obyektivligi;
- ko'rsatkichlarning aniqligi: o'lchash yoki hisoblash xatolari natijalarning buzilgan ko'rinishiga olib kelmasligi kerak;
- ishonchlilik: manba ma'lumotlarini yig'ish va qayta ishlash usullari olingan ma'lumotlarning to'g'riligini tekshirish imkonini berishi kerak;
- aniq talqin: indikatorning ta'rifi barcha qiziqish guruhlari vakillarining o'lchangan xarakteristika mohiyatini bir xil tushunishlarini ta'minlashi kerak;
- iqtisodiy samaradorlik: ko'rsatkichlarni baholash va hisoblash uchun ma'lumot mavjud ma'lumotlarni yig'ish dasturlari bo'yicha iloji boricha asoslangan yeng kam xarajat bilan olinishi kerak;
- taqqoslanuvchanlik: ko'rsatkichlarni tanlash alohida davrlar uchun va milliy darajada baholash uchun ishlatiladigan ko'rsatkichlar bilan doimiy ma'lumotlarni to'plash va taqqoslashning zarurligiga asoslangan bo'lishi kerak.

ELXOLDING ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi 1988 yilda tashkil etilgan. 30 yildan ortiq vaqt mobaynida kompaniya turli sohalarda mahsulotlarni ishlab chiqish, loyihalash va ishlab chiqarish bilan shug'ullanadi.

Savdo korxonasining ma'lumotlarni tahlil qilingan vaqtda olingan ko'rsatkichlar tahlilidan shuni xulosa qilish mumkinki, ushbu korxonaning faoliyatida savdo jarayonlarining kamayishini kuzatishimiz mumkin. Hamda innovasion siyosatini boshqarish har doim ham farovonlik garovi bo'lmasligi ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Mahsulot sotishdan tushgan daromadning yillik kamayishi (to'lov uchun), daromad hajmi bo'yicha ishlab chiqarish umumiy qiymati ortiqchaligini, korxona quvvati to'liq foydalanilmayotganligini, debitorlik nisbatan to'lanadigan kompaniya hisob taxminan ikki barobar ortiqchaligini tahlil jarayonida aniq bo'ldi. Korxonaning innovasion faoliyatini amalga oshirishdagi muammolarni aniqlash va bartaraf etish maqsadida o'zimizning iqtisodiy diagnostikasini o'tkazishni, ya'ni holatini har tomonlama o'rganishni va korxonaning innovasion faoliyatini tashhislashni taklif qilamiz.

2 - jadval

ELXOLDING ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi 2018 yildan 2020 yilgacha bo'lgan davrdagi iqtisodiy ko'rsatkichlari

Ko'rsatkichlar nomi	2018	2019	2020
Tovarlar, ishlar va xizmatlarni sotishdan olingan daromad,so'm	88535.3	86221.5	59879
Balans foydasi (zarari),so'm	-12724.96	-26557.5	-2005
Kredit qarzlar,so'm	105996.8	96891	139592

Debitorlik qarzlari,so'm	76122.2	54644	49538
Korxona quvvatidan foydalanish,%	46,5	46	45
O'rtacha ishchilar soni,kishi	4350	3513	3026

3 -jadval

ELXOLDING ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi korxonaning innovasion faoliyati

№	Ko'rsatkichlar nomi	Ko'rsatkichlar mazmuni	Izoh
1.	Innovasion faoliyatda boshqaruv daraja strukturasining soni (IF)	2	1-daraja: texnik direktor, ishlab chiqarish direktori. 2-daraja: loyihalash ishlari bo'yicha texnik direktor o'rinbosari (Bosh dizayner), ishlab chiqarishga tayyorgarlik bo'yicha texnik direktor o'rinbosari, sifat menejmenti va sertifikatlashtirish bo'limi boshlig'i.
2	IF boshqaruvining har bir darajasida tadqiqot va ishlab chiqarish bo'linmalari soni (TIB)	1chi darajada - 7 2chi darajada-3	IF da boshqaruvning TIBsining 1chi darajasida: bosh texnolog bo'limi, bosh metallurg bo'limi, bosh payvandchi bo'limi, texnik nazorat bo'limi, ishlab chiqarish va jo'natish bo'limi, tajriba sexi, model sexi. IF da boshqaruvning TIBsining 2chi darajasida: bosh dizayn ofis, bosh mexanik ofisi, ishlab chiqarish guruhi.
3	Korxona tarkibiy bo'linmalarining umumiy soni	46	
4	IF boshqaruv bo'linmasidagi bo'linmalar soni	1	Sifatni boshqarish va sertifikatlashtirish bo'limi.
5	TIB umumiy miqdori	10	1-IF boshqaruv darajada – 7 TIB 2-IF boshqaruv darajada – 3 TIB
6	Korxona TIBga ixtisoslashgan ishlar ko'lami (masalan, bosh konstruktorlik byurosi)	504660 c|k	2019 yil natijalari
7	TIB tomonidan amalga oshirilgan umumiy miqdori	590575 c|k	2019 yil natijalari
8	IF korxona tomonidan boshqaruv xodimlari soni	15 kishi	Texnik direktor, Bosh dizayner, ishlab chiqarishga tayyorgarlik bo'yicha texnik direktor muovini, sifatni boshqarish va sertifikatlashtirish bo'limi boshlig'i, ishlab chiqarish direktori, TIB boshlig'i (10 kishi).
9	Korxona xodimlarining o'rtacha soni	3026 kishi	2019 yil natijalari
10	Amalga oshirilgan innovasiyalar hajmi (innovasion mahsulotlar jo'natildi)	103978 ming so'm	2019 yil uchun statistika ma'lumotlaridan

11	Innovasion ishlab chiqarishning umumiy qiymati	64365 ming so’m	2019 yil natijalari
12	Korxona IF dagi boshqaruv qarorlarining umumiy soni	18	Davlatning umumiy loyihasining tematik rejasiga muvofiq.
13	Korxona IFda amalga oshirilmagan yechimlar soni	9	Davlatning umumiy loyihasining tematik rejasiga muvofiq.

ELXOLDING ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi innovasion faoliyatining iqtisodiy diagnostikasining olingan natijalari korxona innovasion faoliyatining quyidagi mumkin bo’lgan tashxislari mavjudligini taxmin qilish imkonini beradi:

D_1-innovasion faoliyatning kuchsiz tashkil etish va boshqarish;

D_2- innovasion faoliyatning pastligi:

D_3- innovasiya salohiyatining yo’qligi yoki undan to’liq bo’lmagan, samarasiz foydalanish (D_{31}-inson resurslari salohiyati, D_{32}-ilmiy-texnik salohiyat);

D_4 - innovasiya faoliyati yoki uning yo’qligi uchun moliyaviy yordamning kamligi;

D_5 -innovasiya faoliyati funksiyalarining kamligi va uning past natijalari;

D_6 -innovasion faoliyatning normal holati.

Aniq tashxis qo’yish ehtimoli innovasion faoliyatning holati belgilari to’g’risidagi ma’lumotlar asosida aniqlanadi

4 -jadval

Aniq tashxis qo’yish ehtimoli innovasion faoliyatning holati belgilari

	Innovasiya faoliyatining ehtimoliy tashxislari D_i	D_i diagnozning mavjud bo’lishi mumkin bo’lgan belgilari, K_{ei}	Innovasion faoliyatning iqtisodiy diagnostikasi ko’rsatkichlarining umumiy soni, K_{po} (doimo bir xil)	D_i diagnozning mavjud bo’lishi ehtimoli , %, $P(D_i)$
1	D_1	4	59	6,8
2	D_2	3	59	5,1
3	D_{31}	6	59	10.2
4	D_{32}	4	59	6,8
5	D_4	6	59	10,2
6	D_5	6	59	10,2
7	Aniq tashxis qo’yish ehtimoli innovasion faoliyatning holati belgilari P(D) % da	29-innovasion faoliyatning anormal holati belgilari umumiy soni	59	P(D)=49%
8	D_6	-	-	$P(D_6)$=51%

Diagnostik matrisa qurish bilan Bayes usuli yordamida hisoblashlar ma’lum bir belgilar majmui namoyon bo’lishi bilan aniq tashxis qo’yish ehtimolini aniqlashga imkon berdi. Bu holda, EL XOLDING ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi innovasion faoliyati quyidagicha tashxis mumkin: kam moliyaviy qo’llab-quvvatlash.Tegishli belgilar to’plamini amalga oshirishda uning yuzaga kelish ehtimoli yeng yuqori (48,25 %).

5-jadval

Diagnostik matrisa

Di	P(Ki/Di)	R(K_2/D|)	R(Kz_1/Di)	R(Kz_2/Di)	R(K_4/Di)	R(K_5/Di)	R (Di)	P(Di/K_1, K_2 K_{z1}, K_{32} K_4, K_5)
D_1	0,14	0,05	0,05	0,05	0,05	0,01	0,068	0,053 (5,3 %)
D_2	0,05	0,10	0,01	0,01	0,05	0,05	0,051	0,0062 (0,62 %)
D_{31}	0,05	0,01	0,21	0,10	0,05	0,05	0,102	0,2412 (24,12%)
D_{32}	0,05	0,01	0,10	0,14	0,05	0,05	0,068	0,0965 (9,65%)
D_4	0,05	0,05	0,05	0,05	0,21	0,05	0,102	0,4825 (48,25 %)
D_5	0,01	0,05	0,05	0,05	0,05	0,21	0,102	0,1206 (12,06%)
D_6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,507

Innovasiya faoliyatini yetarli darajada moliyalashtirish muammosini hal etishning bir necha usullari mavjud:

- korxona qoshida innovasiyalarni qo’llab quvvatlovchi konsorsiumni tashkil etish;
- ilmiy darajadagi kishilarni jalb etish va ilmiy tadqiqot institutlari bilan hamkorlik qilish;
- innovasion loyihani amalga oshirish uchun zarur miqdorda qimmatli qog’ozlarni chiqarish (bu holda aksiyalarning potensial xaridorlari venchur investorlar sifatida harakat qiladilar);
- moliyaviy lizingni qo’llash imkoniyatidan foydalanish;
- lisenziya shartnomalarida savdo qilish, ya’ni intellektual mulk huquqlarini vaqtinchalik belgilash;
- byudjetni moliyalashtirish imkoniyatlaridan, shu jumladan ixtisoslashgan fondlar mablag’laridan foydalanish;

innovasion faoliyatga moliyaviy resurslarga bo’lgan ehtiyojni hisoblash va uni moliyalashtirish rejasini tuzish.

Г.М.Шадиева Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проф.**,** и.ф.д
Ш.О.Кувандиков Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.**,** и.ф.д

НАРПАЙ ТУМАНИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация: мақолада оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолашнинг “маҳаллабай” ёндошуви тадқиқ этилган. Унда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши Нарпай тумани МФЙлари мисолида таҳлил этилган. Шу асосда МФЙлар фаолияти “яшил”, “сариқ” ва “қизил” ранглар бўйича тоифаланган ва таснифланган. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни дастур доирасида қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг маҳаллалар тизимидаги ролини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: ҳудуд, ҳудудлар ривожланиши, “маҳаллабай”, “секторбай”, оилавий тадбиркорлик, МФЙлар тоифаси, МФЙлар таснифи, баҳолаш, методология.

Аннотация: В статье исследуется «махаллинский» подход к оценке развития семейного предпринимательства. Анализируется развитие семейного предпринимательства на примере СГМ Нарпайского района. Исходя из этого, деятельность СГМ была разделена на категории «зеленый», «желтый», «красный». Также были предложены научные и практические рекомендации для поддержки семейных предпринимателей в рамках программы и повышения их роли в системе СГМ.

Ключевые слова: регион, развитие территорий, «махаллабай», «секторбай», семейный предпринимательства, категория СГМ, классификация СГМ, оценка, методология.

Abstract. The article examines the “mahalla” approach to assessing the development of family entrepreneurship. The development of family entrepreneurship is analyzed on the example of the Citizens' Gathering of the Mahalla (CGM) of the Narpay region. Based on this, the activities of the CGM were divided into categories "green", "yellow", "red". Scientific and practical recommendations were also offered to support family entrepreneurs in the framework of the program and to enhance their role in the CGM system.

Key words: region, development of regions, "mahallabay", "sektorbay", family entrepreneurship, category of CGM, classification of CGM, assessment, methodology.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида[17] вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаси қўйилган эди. Ушбу концепцияда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702 – сон Қарори қабул қилинди. Мазкур хужжатда “...ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда”[18] деб кўрсатиб

[17] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947-сон.

[18] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида. 2020 йил 1 май, ПҚ-4702 – сон.

ўтилган. Бундан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини маҳаллабай иш услубида баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишни ўз олдимизга вазифа этиб белгилаб олдик.

Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг фундаментал масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, А.В.Чаянов [3], Г.Беккер [4], Дж.М.Кейнс[5], И.Шумпетер[6], А.Смит[7] Календжян С. О. и Волков Д. А. (2011). [8] (ва бошқалар) каби олимлар тадқиқотларида илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодчи олимлардан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан М.К. Пардаев [9], А.Ўлмасов[10], Ҳ.П.Абулқосимов[11], А.А.Қулматов[12], С.С.Ғуломов [13], Т.Мамадвалиев [14] У.Д. Ахмедов[15], Б.Беркинов[16], Р.Х.Ҳусанов[17], О.М. Пардаева[18], Ш.О.Қувондиқов[19] кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ўзини ўзи банд қилиш ҳолати мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларни олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса мазкур мавзунинг яна бир бор долзарб масалаларга бағишланганлигидан далолатдир.

Оилавий тадбиркорлик бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни ўрганиш, маълумотларни тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди

Маҳалла — Ўзбекистонда маъмурий ҳудудий бирлик, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули.[19] Маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқароларнинг халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириши, давлат ва жамият ишларида тўғридан тўғри иштирок этиши воситаларидан бири. Асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустакил фаолият олиб боришини таъминлашдир[20].

Самарқанд вилояти Нарпай туманида оилавий тадбиркорликни ривожланишининг 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, жами рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар - 224 та, шундан фаолият кўрсатаётганлари – 218 та, фаолият кўрсатмаётганлари - 6 та, фаолият кўрсатмаётганларнинг рўйхатдан ўтганлардаги улуши – 2,7 %ни ташкил этади. 2020 йил январ-декабр ойида ташкил этилганлари - 112 та, тугатилганлари - 6 та (1-жадвал).

1 – жадвал

Нарпай туманида оилавий тадбиркорлик субъектлари сони

(2021 йил 1 январ ҳолатига)

Ҳудуд номи	Рўйхатдан ўтган	ОКларнинг фаоллик ҳолати	Нофаолларнинг	2020 й январ-октябр	2020 й январ-октябр

[19] https://qomus.info/?s=%D0%9C%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B0+%D1%84%D1%83%D2%9B%D0%B0%D1%80%D0%BE%D0%BB%D0%B0%D1%80+%D0%B9%D0%B8%D2%93%D0%B8%D0%BD%D0%B8&submit=

[20] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105 - модда); «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1999 й. 14 апрел).

	ОК сони			рўйхатдан ўтганлар даги улуши, %	ойида ташкил этилган	ойида тугат илган
		Фаол	Нофаол			
Нарпай тумани	224	218	6	2,7	112	6
Самарқанд вилояти	**7145**	**6756**	**389**	**5,4**	**2677**	**117**

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Туманнинг вилоятдаги жами фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналардаги улуши 3,2 %ни, ҳар 100 та оилага тўғри келадиган сони 0,5 бирликни ташкил этади. Уларнинг сони бўйича вилоят ўртача кўрсаткичи (422 та)дан анча паст. Бошқача айтганда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича вилоятда 8 - ўринни эгалайди (3-жадвал). Нарпай туманида 2021 йил учун режалаштирилган 1746 та иш ўрнидан 91 фоизи тадбиркорлик хисобига яратиш назарда тутилган.

Нарпай туманида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сонининг иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимланиши қуйидагича: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги - 14 та, саноатда – 55 та, қурилиш – 4 та, савдо – 109 та, ташиш ва сақлаш – 1 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 24 та, ахборот ва алоқа – 1 та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 1та ва бошка сохаларда – 9 тани ташкил этади. Шунингдек, фаолият кўрсатмаётган оилавий корхоналарнинг рўйхатдан ўтганларидаги улуши 2,7 %ни, шундан энг юқори кўрсаткич ташиш ва сақлаш соҳасига - 50% ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасига - 11,1 % тўғри келади

Нарпай туман бўйича оилавий тадбиркорликнинг ривожланишининг маҳаллалар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатдики уларнинг сони 57 та МФЙлар бўйича нотекис тақсимланган. Жумладан, 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра, 1-сектордаги энг юқори даражада ривожланган: “Саловат”(462 та), “Сарбозор” (421 та) ва 4-сектор: “Тоткент” (198 та) МФЙларига тўғри келиб, жами тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларнинг 39,3%ини қамраб олади. Ўрта даражада ривожланган 1-сектордаги МФЙларга: "Дустлик" (232 та), "Ипак йули" (94 та), 4-сектор бўйича: “Ислом шоир" (84), “Ноғарахона" (98 та) МФЙларига тўғри келиб, уларнинг улуши 18,5 %ни ташкил этган. Энг кам ривожланган МФЙлар тумандаги барча МФЙларининг 87,8%ини, тадбиркор оилаларнинг 42,2%ини қамраб олади.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини “секторбай” ва “маҳаллабай” ёндашувида баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари ҳамда тоифасини аниқлаш (4-жадвал) методикасида ҳар бир МФЙ (сектор)лар оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига кўра “яшил”, “сариқ” ва “қизил” ҳудудлар бўйича тоифаланди. Бунда, оилавий тадбиркорликнинг маҳаладаги оилаларни қамраб олиш даражаси асосий мезон этиб белгиланди. Унга кўра, юқори (20,0 ва ундан юқори) - “яшил”, ўрта (10,0-19,0 фоиз) - “сариқ” ва паст (0,0 дан - 9,0 фоизгача) - “қизил” тоифадаги МФЙ (сектор)га тоифаланди.

Агар оилавий тадбиркорликнинг туман иқтисодиёти учун берадиган самарасини Парето усули (80/20) бўйича ҳисобласак, 20 % оилавий тадбиркорлик ривожланган МФЙлар туман (шаҳар)га уларнинг барчаси ҳисобига эришиш мумкин бўлган иқтисодий самаранинг 80 %ни таъминлаб бериши мумкин. Шунга асосланиб, 2020 йил учун Нарпай туманининг 57 та МФЙлари бўйича оилавий тадбиркорликни ривожланиш ҳолати таснифланди. Бунда, МФЙларнинг эгалаган рейтинг баллари асосида уларни “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифалар бўйича таснифи ишлаб чиқилди

2020 йилда Нарпай туманида оилавий тадбиркорликнинг секторбай ва маҳаллабай ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида 2021 йил учун туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида оилавий тадбиркорлик йўналиши ҳам белгиланди ва бу борадаги муҳим вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди (Дастур). Дастур таркиби қуйидаги йўналиш ва чора-тадбирларни қамраб олади:

1. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш. Бу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизларни томорқадан унумли фойдаланишга, уй шароитида ҳунармандчилик ва касаначилик меҳнатига ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш (“қизил” ҳудуддаги 50 та МФЙларда);
- “Ургут” эркин иқтисодий зонаси билан ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларини йўлга қўйиш асосида тумандаги чегарадош МФЙлардаги бўш биноларда 10 та тикишхоналари ташкил этиш;
- Туман ҳудуди бўйлаб ўтган М-37 асосий магистрал йўлидаги хонадонларда савдо ва умумий овқатланишга ихтисослашган оилавий корхоналарни ташкил этиш;

2. Ёшлар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида қуйидаги чора - тадбирлар белгиланди:

- Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини яратиш, иш ўринлари сони ва сифатини ошришда замонавий ёндашув услубларини жорйи этиш;
- Тадбиркорлик фаолиятига қизиқиши бор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Туман МФЙлари қошида “Бизнес клуб”лар фаолиятини йўлга қўйиш;
- МФЙларида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни “Устоз-шогирд” анъаналари бўйича ҳунарманд, ҳайкалтарош ва тадбиркорларга биркитиш орқали улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.

Ж.М.Қурбонов - Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти профессори
Р.Ж.Курбанова – Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти, PhD
Д.У.Ҳакимов - Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти 2 курс талабаси

SAVDO FAOLIYATIDA INNOVASION JARAYONLARNING IQTISODIY TASHKILIY O'ZGARISHLARNI AMALGA OSHIRISH

Annotasiya: Maqolada chakana savdoda innovasion jarayonlarni yaxshilash uchun barcha innovasion bloklarning munosabatlarini batafsil ko'rsatadigan blok sxemasini taklif etilgan.

Kalit so'zlar: chakana savdo, blok sxema, savdo texnik uskunalar

Аннотация: В статье предложена блок-схема, детализирующая взаимосвязь всех инновационных блоков для улучшения инновационных процессов в розничной торговле.

Ключевые слова: розничная торговля, блок-схема, торговое оборудование

Annotation: The article proposes a flowchart detailing the relationship of all innovation blocks to improve innovation processes in retail.

Keywords: retail trade, block diagram, commercial equipment

Savdo texnik uskunalar joriy holatini umumiy baholash xulosa va savdo uchun ichki zamonaviy asbob-uskunalar ishlab chiqarishni ko'paytirish, uning texnik darajasini va ishlab chiqarish sifatini yaxshilash, va uning ish jarayonida uskunalar yaxshiroq foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratishga qaratilgan chora-tadbirlar bir qator yehtiyoj olib keladi. Shu munosabat bilan savdo korxonalarining texnik jihozlanishi ko'rsatkichlari va mehnat unumdorligi o'rtasidagi munosabatlarni ko'rib chiqish zarurati tug'iladi. Shu maqsadda so'nggi yillarda chakana va umumiy ovqatlanish korxonalari uchun savdo aylanmasi o'sishining umumiy ko'rsatkichlari, savdo xodimlari va texnik uskunalar soni tahlil etiladiqilamiz.Shuning uchun, chakana savdoda innovasion jarayonlarni yaxshilash uchun biz ushbu sohadagi barcha innovasion bloklarning munosabatlarini batafsil ko'rsatadigan blok sxemasini taklif qilamiz (1-rasmga qarang).Shu bilan birga, umumiy ovqatlanish korxonalarining texnik jihozlash darajasi zamonaviy talablarga javob bermaydi. Ular hali avtomatik rejimda ishlaydigan issiqlik birliklarini keng o'zlashtirmagan.



1-rasm. Chakana savdoda innovasion jarayonlarning taklif etilgan blok diagrammasi

Innovasion jarayonlar ulgurji savdoda yana ham yaqqol namoyon bo'ladi, chunki uning faoliyati ko'p jihatdan yangi texnologiyani joriy etishga bog'liq. Ulgurji savdoning umumiy savdo jarayonidagi o'rni va tovar ta'minoti tizimi kelajakda savdoni rivojlantirishning eng muhim shartidir. Unda savdo-sotiqning ishlab chiqarishga ta'sirini mustahkamlash, talabni prognozlashni o'rganish, tovar taklifini oqilona tizimini amalga oshirish, tovar qabul qilish, saqlash, assortimentni shakllantirish kabi muhim vazifalarni hal yetish kabilar. bog'liq.

Tabiiyki, moddiy-texnik bazaning rivojlanishi ulgurji savdoning bu vazifasini ma'lum darajada uddalashga yordam berdi. Biroq ulgurji tashkilotlarning ombor inshootlari hali talablarga to'liq javob bermaydi. Omborlar parchalanishi, ayniqsa nooziq-ovqat mahsulotlari uchun, inventarizasiyadan olib keladi, tovarlar harakati yo'nalishlarga sonining ortishi, va shunday qilib, aylanmasining bir pastlab, keskin zamonaviy ko'tarish va transport uskunalari, mexanizasiyalash joriy yetish, va hokazo foydalanish imkoniyatlarini toraytiradi.

Biroq, so'nggi yillarda ulgurji savdoda yangi asbob-uskunalarning joriy yetilishi bir muncha tez kunlarda inventarizasiya darajasining aylanmaga tushishiga ko'maklashdi.

Ulgurji savdoda innovasion jarayonlarni yaxshilash uchun quyidagi oqimlarni taklif yetamiz.

Shunday qilib, savdoda innovasion jarayonlarni takomillashtirish uning alohida kichik tizimlarida: chakana savdo, umumiy ovqatlanish va ulgurji savdoda izchil

amalga oshirilishi kerak, degan xulosaga kelish mumkin. Biroq, bu jarayon butun nuqtai nazaridan amalga oshirilishi lozim



2-rasm. Umumiy ovqatlanish innovasion jarayonlar taklif blok diagrammasi

Shuningdek, savdoda ilmiy va texnologik taraqqiyotning rivojlanish istiqbollari haqida ham aytib o'tish lozim. Avvalo, savdo texnik qayta uskunalar amalga oshirish uchun, ichki tijorat muhandislik rivojlantirish, yanada to'liq zamonaviy savdo-texnologik va sovutish uskunalari va mehnat mexanizasiyalash vositalari savdo yehtiyojlarini qondirish yo'nalishi bo'yicha uning hal qiluvchi qayta qurish muhim ahamiyatga ega.(3-rasm).

Shu munosabat bilan savdo-sotiq yehtiyojlariga ilmiy tadqiqotlar olib borish, savdoda texnologik taraqqiyotni jadallashtirishga yordam beradigan zamonaviy mashinalar va mexanizmlarni yaratish muhimdir

Istiqbolli yo'nalish-savdo va texnologik uskunalarning ilg'or turlarini ishlab chiqish va joriy yetish. Yangi turdagi uskunalar va ko'plab mavjudlari o'rtasidagi asosiy farq ularning ramkasiz dizayni, sovutgich mashinalarining progressiv turlarining to'liq to'plami bo'lib, ularning vazni va yelektr yenergiyasini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin



3-rasm. Ulgurji savdoda innovasion jarayonlarning taklif etilgan blok diagrammasi

1-jadval

Texnologik o'zgarishlar bo'yicha oziq-ovqat savdo sanoatining optimal ishlashi va rivojlanishi mezonlarini aniqlash (mln so'm)

Mezonlari	Formula	Hisoblar	
		2018	2019
Tarmoqning salohiyatli imkoniyatlari	$S_i = \sum_{i=1}^{n} N_i(t)$	7235.5	9016.9
Tarmoqning jismoniy imkoniyatlari	$S_2 = \sum_{i=1}^{n} N_i(t) \cdot \mu_1(t)$	7235,5·0,8=5788,4	9016,9·0,83=7484,0
Tarmoqning iqtisodiy imkoniyatlari	$S_3 = \sum_{i=1}^{n} N_i(t)\mu_1(t) \cdot \iota_1(t)$	5788,4·0,9=5209,6	7484,0·0,9=6735,6
Mukammallik koyeffisiyenti	$S_0 = \frac{S_2}{S_1}$	5788,4:7235,5=0,8	7484,0: 9016,9=0,83
Boshqaruv sifat koeffisiyenti	$S_{bs} = \frac{S_3}{S_1}$	5209,6: 7235,5=0,72	6735,6: 9016,9=0,75

Sovutgich uskunalarining yangi turlari yaratilgan tamoyillar ularni qadoqlash uskunalaridan foydalangan holda tovar harakatining progressiv texnologiyasiga kiritish imkonini beradi. Sovutish uskunalari bilan bir qatorda, kelajakda sifatli savdo va texnologik uskunalar ishlab chiqarishni ko'paytirish kerak.Bir vaqtning o'zida mavjud flotni modernizasiya qilish va yangilashni amalga oshirish. Ushbu bo'lim oxirida texnologik o'zgarishlar ostida savdo sanoatining (oziq-ovqat mahsulotlari uchun) faoliyat ko'rsatishi va rivojlanishi mezonlarini aniqlash zarur. (1 jadval).

Sanoatning potensial imkoniyatlari, sanoatning fizik imkoniyatlari, sanoatning iqtisodiy imkoniyatlari va ular asosida boshqaruvning mukammallik va sifat koyeffisiyentlarini hisoblashdan iborat.Misol tariqasida nooziq-ovqat chakana savdosini olamiz, chunki uning texnik jihozlanish darajasi miqdoriy jihatdan taqqoslanadi. Biz tomondan olingan natijalar 16-jadvalda guruhlangan.

Hisob-kitoblarimizga ko'ra, so'nggi yillarda savdo sanoatining mukammallik koeffisiyenti (nooziq-ovqat mahsulotlari) 0,8 dan 0,83 ga, boshqaruv sifati koeffisiyenti yesa mos ravishda 0,72 dan 0,75 ga oshgan.

Shu bois savdo sanoatini texnologik o'zgarishlar bilan rivojlantirish istiqbollari bo'yicha olingan natijalar rag'batlantirilib, kelgusida yanada takomillashtiriladi.

З.С.Артиков – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD
К.А.Рахимқулова – СамИСИ МИ-220 гуруҳ магистри

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАҚАРОРЛИГИ: ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ.

Аннотация: Ушбу мақолада корхонанинг иқтисодий барқарорлиги муаммолари, иқтисодий мувозанат, корхонанинг иқтисодий ривожланиши барқарор бўлиши учун яратилиши лозим бўлган асосий шарт-шароитлар, иқтисодий барқарорликнинг таркибий элементлари каби масалалар ёритилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, иқтисодий барқарорлик, иқтисодиё мувозанат, узоқ муддатли барқарорлик, қисқа муддатли барқарорлик, ички барқарорлик, ташқи барқарорлик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются такие вопросы, как проблемы экономической устойчивости предприятия, экономической сбалансированности, основные условия, которые необходимо создать для устойчивого экономического развития предприятия, составляющие экономической устойчивости, а также вырабатываются предложения и рекомендации.

Ключевые слова: стабильность, экономическая стабильность, экономическая сбалансированность, долгосрочная стабильность, краткосрочная стабильность, внутренняя стабильность, внешняя стабильность.

Annotation: This article addresses issues such as the problems of economic stability of the enterprise, economic balance, the basic conditions that must be created for the sustainable development of the enterprise, the components of economic stability, and develops proposals and recommendations.

Key words: stability, economic stability, economic balance, long-term stability, short-term stability, internal stability, external stability.

Кейинги пайтларда мамлакатнинг ҳам, унинг минтақаларининг ҳам барқарор иқтисодий ривожланишига саноат, корхона ва ташкилотлар каби

таркибий элементларнинг иқтисодий барқарорлиги билангина эришиш мумкинлиги тобора аён бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Янги Ўзбекистон тараққиёт сратегиясида ҳар бир ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида беш йиллик дастурлар ишлаб чиқилди. Бунда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги мавжуд муаммо ва имкониятлар ўрганилиб, “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди. Уларга мувофиқ, аниқ режа ва лойиҳалар шакллантирилади”[21] деб, бежизга таъкидлаб ўтмади. Шундан келиб чиқиб, ҳудудлардаги ҳар бир алоҳида корхонанинг иқтисодий барқарорлиги мамлакатнинг бутун иқтисодий тизимига нафақат ўз салоҳиятини сақлаб қолиш, балки унинг сифат жиҳатидан ўсишини таъминлаш ва янги рақобатбардош маҳсулотлар билан халқаро бозорларга чиқиш имконини беради.

Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги муаммоси, айниқса, кичик бизнесда долзарбдир. Йирик саноат корхоналари, корпорациялар, молиявий-саноат гуруҳлари учун маҳсулотлар, ишлар, хизматларни диверсификация қилиш, бозор муносабатларини кенгайтириш, доимий ишлаб чиқариш тузилмасини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш фондлари, корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзгариши ва бошқалар каби ташқи муҳитнинг муҳим ўзгаришларига мослашиш усулларидан ҳақиқатан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Кичик бизнеснинг бундай кенг доирадаги мослашиш имкониятлари мавжуд эмас, ҳатто ташқи муҳит параметрларидан бирининг озгина ўзгариши улар учун жуда муҳим бўлиши мумкин.

Иқтисодий барқарорлик иқтисодий фаолиятнинг ўзи каби мураккаб тушунчадир. Шунга кўра, бизнес жараёнларининг турли даражаларида уни таърифлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Корхона (ташкилот), тармоқ ёки миллий иқтисодиётни иқтисодий барқарорлигини аниқлаш мумкин. Чунки иқтисодий жараёнлар бир хил қонуниятларга мувофиқ давом этади ва уларнинг турли даражалари умумий ривожланиш тенденциялари бир-биридан фарқланмайди.

Иқтисодий объектнинг барқарорлиги алоҳида, умумий ва хусусий мувозанатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Иқтисодий объектнинг барқарор операциялари беқарорлари сонидан ошиб кетганда у юқори барқарор ҳолатда бўлади. Корхонанинг иқтисодий ҳолати (банкротлик ёқасида турган) ўта беқарордан нисбатан барқароргача ўзгариши мумкин.

Барқарорлик бузилган тақдирда, жараённинг йўналиши муҳим аҳамиятга ега: беқарорликнинг кучайиши ёки унинг заифлашиши. Хўжалик юритувчи субъектлар даражасида конфликт ҳам прогрессив ривожланиш манбаи бўлиши мумкин, гарчи талаб ва таклиф асосида қайта ишлаб чиқарилган рақобат муҳити доимий равишда мувозанатни бузса, баъзиларининг иқтисодий барқарорлигига путур етказади, шу билан бирга бошқа субъектларнинг барқарорлигини оширади.

[21] Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – 163-бет

Процесс функционирования экономики становится все более динамичным. Это объясняется характером воздействия на организацию и функционирование промышленных предприятия трех основных групп факторов: технико-технологических, социально-экономических и региональных. В процессе функционирования промышленных предприятий концентрирует в себе все эти факторы. Вместе с тем каждая из перечисленных групп факторов обладает различной динамикой и разнообразием воздействия на производство: постоянным появлением в структуре этих факторов новых элементов – знаний, видов продукции, потребителей, систем стимулирования, вновь осваиваемых регионов и т.д.

В то же время современное производство должно соответствовать повышенным требованиям к своей деятельности, что обусловлено рядом причин:

-необходимостью высокой гибкости производства, позволяющей быстро менять ассортимент изделий. Это обусловлено тем, что жизненный цикл продукции стал короче а разнообразие изделий и объем выпуска разовых партий- больше;

-сложной технологией производства, требующей совершенно новых форм контроля, организации и разделения труда;

-серьезной конкуренцией на рынке товаров, в корне изменившей отношение к качеству продукции, потребовавшей организовать послепродажное обслуживание и дополнительные фирменные услуги;

-резким изменением структуры издержек производства;

- необходимостью учета неопределенности внешней среды.

В рыночной экономике уравнены права производителей и потребителей инноваций. Они сами находят свое место на рынке. При этом их мотивации исходят из финансового выигрыша и максимизации потребительского эффекта. Иными словами, связь между производителем и потребителем осуществляется через реальные, определенные рынком финансовые и ценовые критерии. Нужно учитывать, что потребитель имеет выбор между новшествами. Именно потребитель выбирает наиболее предпочтительные свойства. Качество новой продукции определяется как степень соответствия требованиям потребителей.

Показатели качества (технико-экономические, эксплуатационные и другие параметры), определяемые техническими условиями (ТУ), контролируются производителями.

[23] Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982.,346 с.

Технический уровень продукции контролируется на следующих стадиях жизненного цикла:

- разработки;
- производства;
- эксплуатации.

Оценка технического уровня проводится производителями и потребителями. Производители могут ориентироваться на лучшие отечественные и мировые аналоги, на требования международных и национальных стандартов, результаты предварительных и приемочных испытаний опытных образцов. Повышение технического уровня продукции означает воплощение в ней новых, не реализованных ранее научно-технических знаний и должно обеспечить положительный эффект от эксплуатации новых изделий.

В каждом техническом новшестве воплощены имеющиеся на конкретный момент научно-технические знания. Безусловно, научно-технические знания не поддаются непосредственному количественному измерению, поэтому оценка технических новшеств может быть только относительная, на основе сравнения машин и оборудования, предназначенных для реализации аналогичных производственных функций. Иными словами, технический уровень оцениваемого изделия выявляется путем сравнения с лучшим, в смысле технических возможностей, мировым уровнем.

Различают технический и технико-экономический уровни. Под техническим уровнем понимают степень воплощения в новой продукции накопленных знаний о наиболее полном и точном выполнении производственных целей в соответствии с функциональным назначением. Под технико-экономическим уровнем понимают степень воплощения в продукции научно-технических знаний о наиболее полном и точном выполнении производственной цели самым эффективным способом.

Таким образом, инновационная деятельность промышленных предприятий, как наиболее перспективный вид изменений, который вносит наибольший вклад в рост конкурентоспособности предприятия, может служить базисным фактором его устойчивого развития. Уровень развития и динамизм инновационной сферы - науки, новых технологий, наукоемких отраслей и предприятий, активно внедряющих нововведения обеспечивают основу экономического роста.

М.А.Абдувохидов Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг диверсификатциялаш ва замонавий саноат тармоқларини модернизациялаш жараёни, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланиши билан боғликдир, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили келтирилиб, иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинадиган ушбу вазифалари ёритилган.

Калит сўзлар: Рақобат, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, саноат корхоналари, менежмент, инновация, инновацион бошқарув, инновацион фаолият.

Аннотация: В данной статье рассматривается процесс диверсификации национальной экономики и модернизации современных производств, развитие материальной базы хозяйственной деятельности ее субъектов, так как эффективное использование материальных ресурсов является необходимым условием и ключевым фактором любого экономического роста.

Ключевые слова: Конкуренция, конкурентоспособность продукции, промышленные предприятия, менеджмент, инновации, инновационный менеджмент, инновационная деятельность.

Annotation: This article discusses the process of diversification of the national economy and the modernization of modern industries, the development of the material base of economic activity of its constituent entities, as the efficient use of material resources is a necessary condition and key factor of any economic growth.

Keywords: Competition, product competitiveness, industrial enterprises, management, innovation, innovation management, innovation activity.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамияти демократиялаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатлари мамлакатимиз учун махсус стратегик режа асосида ривожланиб бормоқда. Ишлаб чиқариш қурилиш учун мўлжалланаётган жами инвеститсияларнинг қарийиб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструксия ва модернизатсия қилиш учун йўналтиришга тўғри келади. Иқтисодиётни диверсификатциялаш ва замонавий саноат тармоқларини модернизациялаш жараёни, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланиши билан боғликдир, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинадиган ушбу вазифаларнинг
амалга оширилишида саноат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бугуни бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Ҳар бир мамлакатнинг саноат қуввати фан-техника тараққиёти ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик саноат корхоналар белгилаб беради. Йирик корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта бўлишдан ташқари, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш,

юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда дўстона, шерикчилик алоқаларини (жумладан, хорижий корхона ва фирмалар билан) ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуд. Шу сабабли йирик ва кичик корхоналарнинг оптималлиги жамоатчилик ишлаб чиқариши талабалари ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва хўжалик амалиётининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳасида ҳал қилишнинг йўллари ўхшаш бўлмаслиги ёки бир хил тавсифга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир алоҳида юзага келган иқтисодий ҳолатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос ҳолда ҳаракат қилиш зарур. Мамлакатимизда кўплаб йирик ва кичик ишлаб чиқариш саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини оғир саноатдан, енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Корхоналарнинг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишлашса, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Ҳозирги кунда бевосита хорижий инвеститсияларга бўлган талаб таклифга нисбатан юқоридир. Бизга маълумки, бевосита хорижий инвеститсияларни иқтисодиётга жалб қилиш, ишлаб чиқаришни замонавий, илғор ускуна, технология билан қуроллантириш “ноу-хоу” ва малакали ишчи кучига эга бўлиш, иш тажрибасини ўрганиш, шунингдек, маҳаллий бозорни камёб сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига яқинлаштириш имкониятларини беради.

Охирги йиллар ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар хорижий инвеститцияларни рўйхатдан ўтказишни енгиллаштиришга қаратилмоқда. Саноат корхоналарини техник қайта қуроллантириш алоҳида чиқариш турларини замонаввий талабларга асосан янги техник ва технологияларни киритиш, ишла чиқариш жараёнларини механизатсиялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарниянгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқаришни тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида этакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил излоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификатция қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланиши таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизатсия қилиш ва техник янгилаш жараёнларинитезлаштириш ҳисобидан оширилиши мумкин.

Саноат корхоналарини барпо этиш, реконструксия ва модернизация қилиш учун йўналтирилган. Иқтисодиётни диверсификатсиялаш ва замонавий саноат тармоқларини модернизациялаш жараёни, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятларини моддий базасининг ривожланиши билан боғлиқдир, чунки моддий ресурслардан самарал фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинадиган ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида саноат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бугуни бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар. Ҳар бир мамлакат саноатининг ишлаб чиқариш қуввати фан-техника тараққиёти ҳамда иқтисодиётни модернизатциялаштириш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик саноат корхоналар белгилаб беради. Йирик саноат корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта бўлишидан ташқари, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда дўстона, шерикчилик алоқаларини жумладан, хорижий саноат корхоналар билан ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуддир.

Хулоса қилиб айтгада йирик ва кичик саноат корхоналарнинг оптималлиги жамоатчилик ишлаб чиқариш талаблари ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва хўжалик амалиётининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

G.M. Shadieva – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проф.в.б.,и.ф.д.,
Salimov A.F - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

OILAVIY TADBIRKORLIKNING AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISHDAGI ROLI.

Annotatsiya: maqolada oilaviy tadbirkorlik uning mazmun mohiyati ,oilaviy tadbirkorlikni tashkil etishning huquqiy asoslari, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirib, oila farovonligini oshirishning i yo‘nalishlari bo‘yicha ma’lumotlar yoritilgan. Bundan tashqari innovatsion iqtisodiyot sharoitda respublikamizda oilaviy tadbirkorlik rivojlanishi bo‘yicha takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: oilaviy tadbirkorlik; kichik biznes, oilaviy korxona oila xo‘jaligi; aholi bandligi,farovonligini, soliqlar; “oilaviy tadbirkorlik asoslari”; kasanachilik; oilaviy xo‘jalikklasteri, har bir oila-tadbirkor,oila xo‘jaligi biznesi.

Аннотация: В статье раскрывается сущность семейного бизнеса, его содержание, правовые основы организации семейного бизнеса, развития семейного бизнеса и повышения благосостояния семьи. Кроме того, приведены предложения по развитию семейного бизнеса в стране в условиях инновационной экономики:

Ключевые слова: семейный бизнес; малый бизнес, семейная ферма; занятость, социальное обеспечение, налоги; «Основы семейного бизнеса»; надомная работа; семейный фермерский кластер, каждый семейный предприниматель, семейный фермерский бизнес.

Annotation: the article provides information on the essence of family entrepreneurship ,the legal basis of the organization of family entrepreneurship, the development of family entrepreneurship, the directions of improving family well-being. In addition, there are proposals for

the development of family business in the country in an innovative economy.

Keywords: family business; small business, family farm; employment, welfare, taxes; "Fundamentals of family business"; home-based work; family farm cluster, each family entrepreneur, family farm business.

Raqamli iqtisodiyot sharoitda mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta’minlashda uy xo‘jaliklarida tadbirkorlik faoliyati, xususan, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish muhim rol o‘ynaydi.

So‘nggi yillarda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish maqsadida har bir oila uchun barqaror sharoitlar va barqaror daromad manbaini yaratish uchun bir qator tadbirlar amalga oshirilmoqda, masalan, aholining moddiy ahvolini tubdan yaxshilash, turmush darajasi va unda sezilarli ijobiy o‘zgarishlarni ta’minlash, tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va amalga oshirishda tizimli amaliy yordam ko‘rsatish kabilardir.

Oila xo‘jaligi muammosi F. Kene, A.Smit, J.Sey, A.Marshal, Dj.M.Keyns, Y.SHumpeter, M.Veber, D.Gelbreyt, F.Xeyk, A.CHaynov kabi iqtisodchi va faylasuflar asarlarida o‘z ifodasini topgan. Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan A.Ulmasov, S.S.G‘ulomov, R.X.Husanov, T.Mamadvaliev, YO.A.Abdullaev, M.Q.Pardaev, M.M.Muxammedov, G‘.H.Qudratov, U.X.Xudayberdiev, A.Vaxabov, X.Axmedjanov, Z.N.Qurbanov, I.Xasanov, SH.O.Quvondiqov, O.Pardaeva kabilar ilmiy-tadqiqot olib bormoqdalar. Ammo rejali iqtisodiyotga asoslangan ma’muriy-buyruqbozlik sharoitida oila xo‘jaligi asosan iqtisodiyotda iste’molchi sub’ekt sifatida qaraldi. Innovatsion iqtisodiyot sharoitida oila xo‘jaligi mikroiqtisodiyotning sub’ekti sifatida yirik ilmiy tadqiqotlar ob’ekti bo‘lishi lozim. Ammo bu muammoni tadqiq qilish bir tomondan o‘ta mas’uliyatli va ikkinchidan hayotiy zaruratga aylanganligi va ularning nazariy va amaliy echimining etarli arajada hal qilinmaganligi mazkur masalaning ayrim nazariy va metodologik jihatlarini tadqiq qilishni taqozo qilmoqda.

Oila xo‘jaligi tadbirkorligi deb oilaviy mulkka asoslangan, oila a’zolari ishtirok etadigan va ma’lum darajada oilaga daromad (foyda) va ijtimoiy naf keltirilishini ko‘zlab qilinadigan erkin tanlangan faoliyatga aytiladi.

Ushbu ta’rifda oila xo‘jaligida tadbirkorlik bo‘lishi uchun unda mulk, faoliyat, maqsad va shug‘ullanadigan faoliyati o‘z ixtiyori va imkoniyatidan kelib chiqqan holda erkin tanlangan bo‘lishi lozimligi aniq ifoda etilgan. SHunday qilib, oila xo‘jaligi iqtisodi va unda tadbirkorlikni takomillashtirish to‘g‘risidagi nazariy xulosalarni kengaytirish mumkin.

“Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida”gi Qonunning 1-moddasiga muvofiq oilaviy tadbirkorlik oila a’zolari tomonidan tavakkal qilib va o‘z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foyda) olish maqsadida amalga oshiriladigan tashabbuskorlik faoliyat bo‘lib, o‘z ishtirokchilarining ixtiyoriyligiga asoslanadi. Oilaviy tadbirkorlik yuridik shaxs tashkil etgan yoki tashkil etmagan holda amalga oshirilishi mumkin. Yuridik shaxs tashkil etgan holda amalga oshiriladigan oilaviy tadbirkorlikning tashkiliy-huquqiy shakli oilaviy korxonadir.Yuridik shaxs tashkil etmagan holda oilaviy tadbirkorlik qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi

Ushbu keltirilgan nazariy dalillar quyidagicha xulosa qilishga asos bo‘ladi.

Birinchidan, oila xo‘jaligi bozor munosabatlariga asoslangan erkin iqtisodiyot sharoitida mikroiqtisodiyotning sub’ektiga aylandi.

Ikkinchidan, oila xo‘jaligi uchun xo‘jalik yurituvchi sub’ekt sifatida o‘z mulkiga, ishlab chiqarish vositalariga, ish kuchiga va faoliyat natijasida oladigan daromadiga (foydasiga) egalik qilish huquqi paydo bo‘ldi. SHuningdek, oilaviy tadbirkorlik asosida ijtimoiy naf ham keltirilishi mumkin. Masalan, tadbirkor o‘qituvchi yoki tadbirkor shifokorni olaylik. Ular o‘z kasblarini malaka oshirish va tajriba orttirish bilan uzluksiz rivojlantirib, takomillashtirib boradilar. Bular kasbiy mahoratini oshirishdan ko‘ra insonlarga ko‘proq nafi tegishini o‘ylab ish ko‘radilar. Bunday faoliyat jamiyat a’zolari tomonidan moddiy va ma’naviy jihatdan rag‘batlantirilib borilaveradi.

Uchinchidan, oila tadbirkorligi ham o‘ziga xos tadbirkorlik bo‘lib oila mulki va oila a’zolarining ish kuchiga tayanadi.

Nihoyat, oila farovonligini oshirishning muhim konseptual yo‘nalishlari endilikda endilikda faqat mehnat haqini ko‘paytirish yo‘li bo‘lib qolmasdan, balki oila a’zolarining tadbirkorlikni rivojlantirish, mulkini ishlatish va xo‘jalik yuritishning samaradorligini oshirish evaziga o‘z daromadlarini (foydasini) ko‘paytirish kabilardan iborat bo‘lib qolmoqda. Tadqiqotlar ko‘rsatdiki, oila xo‘jaligi tadbirkorligining qaror topishi, mamlakatimizda juda ko‘p ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qiladi. Eng avvalo, u bozor munosabatlarining asosiy harakatlantiruvchi kuchi bo‘lgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlar sinfini barpo qiladi, mamlakatimizning bozorini iste’mol tovarlari va turli xizmatlar bilan boyitish imkoniyatini yaratadi, shuningdek hozirgi kunda muhim bo‘lgan muammoni, ya’ni, yangi ish o‘rinlarini yaratish evaziga, ishsizlikni bartaraf qilish muammosini hal qiladi. Ammo, oila xo‘jaligi tadbirkorligi o‘z-o‘zidan rivojlanib ketavermaydi. Uni hozirgi zamon darajasida rivojlantirish, yuksak saviyada raqobatbardosh mahsulotlar (ishlar, xizmatlar) ishlab chiqarish holatiga keltirishga erishish lozim. Buning uchun ushbu muammoning nazariy va amaliy masalalarini tadqiq qilib, ularni takomillashtirish bo‘yicha tegishli tavsiyalar ishlab chiqishni taqozo qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlariga ko‘ra respublikamizda tashkiliy-huquqiy shakli bo‘yicha faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar soni bo‘yicha 3- o‘rinni oilaviy korxonalar egallagan bo‘lib, ular 2021-yil 1- avgust holatiga ko‘ra jami tadbirkorlik subektlarining 10,9 foiz ulushini tashkil etgan.Oilaviy korxonalarning soni 1- avgust holatiga ko‘ra yillar kesimida quyidagi holatda aks etganligini ko‘rishimiz mumkin:

2017- yilda – 11 036 ta,2018- yilda – 13 911 ta,2019- yilda – 22 635 ta,2020- yilda – 36 902 ta, 2021- yilda – 49 919 ta SHuni e’tirof etish joizki, oilaviy korxonalar faoliyati «Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida»gi qonun bilan tartibga solinadi.

Unda «oilaviy korxona - uning ishtirokchilari tomonidan tovarlar ishlab chiqarish va realizatsiya qilish uchun ixtiyoriy asosda, ishtirokchilarning ulushli yoki umumiy mol-mulk, shuningdek ishtirokchilardan har birining mol-mulki negizida tashkil etiladigan kichik tadbirkorlik sub’ekti» ekani ko‘rsatilgan.

Raqamli iqtisodiyot munosabatlarining shakllanishi oila xo‘jaligi tadbirkoridan nafaqat tadbirkorlik bo‘yicha, balki iqtisodiy ishlarni yuritish bo‘yicha ham o‘ta bilimdonlikni, ziyraklikni talab qiladi. Tadbirkorning iqtisodiy bilimi keng qamrovli

bo‘lishi oila xo‘jaligi daromadiga yana ko‘proq daromad keltiradi, eng muhimi, mulkini yanada ko‘paytiradi. Undan ham muhimi, mulkning hajmi mulkni ishlatish orqali oshadi. Bu esa, oila xo‘jaligining, butun aholining, davlatning ham boyishi, iqtisodiy qudratining mustahkamlanishi uchun asos bo‘ladi.

Innovatsion iqtisodiyot sharoitda respublikamizda oilaviy tadbirkorlik rivojlanishi bo‘yicha quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

1. oilaviy tadbirkorlik faoliyatini boshlagan tadbirkorlarga ularni faoliyatini ishga tushirish axborot markazlari ma’lumotlar berib to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatishlari, maxsus fondlar orqali maoliyaviy jihatdan ko‘mak ko‘rsatishlari,zarur hollarda binolar bilan ta’minlashga yordai berish
2. oilaviy tadbirkorlik bilan shug‘ullanuvchi fuqorolar oxirgi mlmiy innovatsion taxnologiyalardan foydalana olish imkoniyatlariga ega bo‘lishlari
3. bugungi kunda oilaviy tadbirkorlikni ro‘yxatga olish ancha soddalashtirilgan bu jarayonni yanada takomillashtirish;
4. oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari tashqi iqtisodiy faoliyatini qo‘llabquvvatlash, shu jumladan, xorijiy mamlakatlar bilan savdo, ilmiy-texnikaviy, ishlab chiqarish aloqalarini rivojlantirishga ko‘maklashish;
5. oilaviy korxonalar uchun kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini tashkil etish buning uchun oliy ta’lim,o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida “Oila iqtisodiyoti“,"Oilaviy tadbirkorlik asoslari fanlarini o‘quv rejalariga kiritish lozim bo‘ladi Bu ishlarning amalga oshirilishi natijasida odamlarni o‘zini o‘zi ish bilan ta’minlash imkoniyatlari ochiladi va aholi bandligi ta’minlanadi

Р.Ж.Курбанова – Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти, PhD
С.Ш.Хакимов- Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти 1 курс магистранти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг мақсади бозор хатарларини камайтириш, корхонанинг барқарорлигини ошириш ва самарадорлик кўрсаткичларини яхшилашдир. Бунинг учун янги, илгари тақдим етилмаган савдо бозорларига кириш, юқори қўшимча қийматга ега маҳсулотлар турини кўпайтириш, унинг рентабеллигини ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Калитли сўзлар:диверсификация, ишлаб чиқариш жараёни, капитал, хавф-хатар

Аннотация: целью диверсификации производства является снижение рыночных рисков, повышение стабильности предприятия и улучшение показателей эффективности. Для этого указывается, что необходимо выходить на новые, ранее не представленные рынки торговли, увеличивать ассортимент продукции с высокой добавленной стоимостью, повышать ее рентабельность.

Ключевые слова:диверсификация, производственный процесс, капитал, риск

Annotation: the purpose of production diversification is to reduce market risks, increase the stability of the enterprise and improve performance indicators. To do this, it is indicated that it is necessary to enter new, previously unrepresented trade markets, increase the range of products with high added value, and increase its profitability.

Keywords:diversification, production process, capital, risk

Диверсификация-бу инвестиция фаолияти турларини кенгайтириш ёки кенгайтириш билан боғлиқ бўлган компания фаолиятини стратегик режалаштириш турларидан биридир.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг қуйидаги сабаблари ёритиб берилган: маълум вақт давомида молиявий аҳволни барқарорлаштиришга имкон берадиган риск даражасини камайтиришга келтиришнинг энг яхши усулини тахмин қилишга келтирилган.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш стратегик ўсиши ажралиб туради: бозорга кириб бориш, бозорни ривожлантириш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, чунки ушбу стратегиялар мавжуд маҳсулот ассортименти учун техник, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишни ўз ичига олади ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш асосан янги кўникмалар, янги ускуналар ва янги жиҳозларни талаб қилади

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- диверсификация мақсадларини шакллантириш;
- ички имкониятларнинг тавсифи;
- ташқи муҳитга баҳо бериш; ташқи муҳитга баҳо бериш.
- "маҳсулот-бозор" нисбатини аниқлаш;

Қоида тариқасида, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадлари қуйидагилар иборат:

- савдо ҳажмини ошириш;
- харажатларни камайтириш;
- контрагентларга қарамликни камайтириш
- бизнес хавфини камайтириш;
- маҳсулот мажмуасини ўзгартириш;
- маҳсулот мажмуасини ўзгартириш;
- барқарорликни ошириш.

Мавжуд ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мезони танланган стратегиянинг ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи кўрсаткич, узоқ муддатли барқарорликни оширувчи кўрсаткич ҳисобланади ва танланган давр учун корхона томонидан қабул қилинган дисконтланган ялпи қўшилган қийматни ошириш орқали аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун стандарт кўрсаткичлардан фойдаланишни мақбул деб ҳисоблаймиз: жорий ликвидлик; умумий тўлов қобилияти; капитализация нисбати; капитал қайтиш, жорий мажбуриятлар айланмаси нисбати; имкон диверсификация ҳолда алоҳида иқтисодий мустақил корхоналар барқарорлигини баҳолаш ва диверсификация шароитида корхонанинг иқтисодий барқарорлигини миқдорий баҳолаш учун давом қилиш компаниянинг ўз маблағлари, коэффициенти белгилаб беради.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга тизимли ёндашув уни аниқ белгиланган мақсадга эга бўлган мураккаб стратегияга эга бўлган корхона сифатида кўриб чиқишни ўз ичига

олади. Диверсификация жараёнини оптималлаштириш, узоқ муддатли истиқболда компания ривожланишининг мақбул моделини ишлаб чиқиш муаммоси ягона мақбуллик мезони ва чекловлар тизимини ўз ичига олган мажбурий деб ҳисобланиши керак. Ишлаб чиқариш диверсификациясининг иқтисодий самарадорлиги мезони ялпи дисконтланган қўшилган қиймат кўрсаткичи бўлиб, диверсификациянинг ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишига қўшган ҳиссасини акс эттиради.

Диверсификацияланган компаниянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: узоқ муддатли истиқболда кўпроқ фойда олиш, барқарор ривожланиш учун асос яратиш, маълум бир бозор улушига еришиш, тадбиркорлик субъектининг оқилона хулқ-атвори, узоқ муддатли омон қолиш, ижтимоий ва екологик жавобгарлик. Диверсификация жараёни инвестиция қилиш ёки омон қолиш воситаси эмас, балки корхонанинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли стратегиясидир.

Н.К.Баҳодиров-Фарғона политехника институти мустақил тадқиқотчиси

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Аннотатция: Ушбу мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятини ривожлантиришда хукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда тўқимачилик саноати корхоналарининг ахамияти хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик ва тикувчилик, тўқимачилик саноати, экспорт фаолияти, глобаллашув шароити, хусусий сектор, талаб ва таклиф.

Annotation: This article discusses the measures taken by the government to develop the activities of textile enterprises and the role of textile enterprises in the development of our national economy.

Keywords: textile and clothing, textile industry, export activity, conditions of globalization, private sector, demand and supply.

Аннотация: В данной статье рассматриваются меры, принимаемые государством по развитию деятельности текстильных предприятий и роль текстильных предприятий в развитии нашей национальной экономики.

Ключевые слова: текстиль и одежда, текстильная промышленность, экспортная деятельность, условия глобализации, частный сектор, спрос и предложение.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва тикувчилик соҳаси йилдан-йилга ўсиб, экспорт салоҳияти ошиб бораётган керак бўлса, ишлаб чиқариш саноатининг таркибида (2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 13.6 % тўқимачилик 13.7 %) биринчи ўринда турган тармоқ ҳисобланади. Албатта, бу омиллар узоқ муддатда Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноати учун фойдалидир. Ушбу соҳани ривожланишининг яна бир хусусияти республикада хом-ашёнинг мавжудлиги ва ишчи кучи салоҳиятининг етарлигида деб қараш мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида бутун дунёда COVID-19 пандемияси таъсирида мамлакатимизда

амалга оширилган карантин натижасида ҳам касаначилик асосида ушбу соҳа фаолиятини тўхтамаганлигини келтириш мумкин.

Албатта, кутилмаганда юзага келган COVID-19 пандемияси сабаб чакана савдо тармоқларини деярли икки-уч ойга ёпилиши, ўз навбатида ҳам ишлаб чиқарувчиларга, ҳам ишчиларга катта таъсир кўрсатади. Бу эса, хом ашё ва пул ресурсларининг етишмаслиги туфайли тўқимачилик саноатида катта бўшлиқни пайдо бўлишига олиб келди. Мавжуд вазиятни енгиб ўтиш ва мавжуд вазиятдан чиқиш учун тўқимачилик соҳасида хусусий ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар учун ҳукуматимиз томонидан бир қанча рағбат ва имтиёзлар жорий қилинди.

Жумладан: сўнгги йилларда республикада енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” , республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор «кластер модели»ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширишни таъминлаш учун “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, коронавирус пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришдаги салбий таъсирини юмшатиш мақсадида: тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг унумдорлиги, молиявий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифларни ҳамда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати рақобатбардошлигини таъминлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хом ашёлари, материаллари, тайёр маҳсулотлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ходимларини ташиш ва логистика масалаларини тезкор ҳал этиш учун “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларни қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирги глобаллашув шароитида тўқимачилик ва тикувчилак соҳасида аҳолининг кўплаб қисми бандлигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, фавқулотда ҳолатлар ички ва халқаро бозордаги чекланган талаб туфайли бандликка таъсир кўрсатиши аниқланди. Бундан ташқари, кутилмаган ҳолларда шароитнинг

ўзгариши мамлакатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаган ҳолда, тадқиқотда шартномавий, маошли меҳнат кўпроқ таъсир қилиши, ишдан бўшатиш, тартибсизликлар, харид қобилиятининг пасайишига олиб келиши таъкидланади. Бундай пайтларда ҳам давлат, ҳам хусусий сектор иқтисодий ҳамда ижтимоий инқирозга йўл қўймаслик учун Дунё бўйлаб тўқимачилик ва тикувчилик компаниялари яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим.

Бу борада мисли кўрилмаган талаб ва таклиф зарбаси даврини енгиб ўтиш учун тўқимачилик ва тикувчилик саноатини кўпайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ўз навбатида ушбу соҳани ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлган аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга қаратилган муаммони бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналарининг самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ушбу соҳанинг мазмун-моҳияти ва иқтисодиётдаги аҳамиятини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

M.N.Farmonova - Termiz davlat universiteti Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar) ta’lim yo’nalishi 1-bosqich magistri

SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHNING XUDUDIY SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: Mintaqaning sanoat salohiyati mintaqaviy raqobatbardoshlikni shakllantirishning asosi hisoblanadi. Mamlakatimiz hududlar aro sanoat salohiyatini o'rganishning dolzarbligi, milliy iqtisodiyotning yaxlit tizim sifatida har qanday ma'muriy -xo'jalik sub'ektining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqish kerakligini anglatadi. Asosiy maqsad - hududlararo munosabatlarni aniqlash, buning oqibatida sanoat kompleksi va umuman davlatning ishlab chiqarishning optimal nisbatlarini shakllantirish va bu davlat sanoat siyosatining ifodasidir. Maqolada sanoat korxonalarini rivojlantirishning xududiy siyosatini takomillashtirish buyicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so’zlar: Sanoat salohiyati, bozor infratuzilma, transport infratuzilmasi, kooperatsiya, rentabellik.

Аннотация: Промышленный потенциал региона является основой формирования региональной конкурентоспособности. Актуальность изучения межрегионального промышленного потенциала нашей страны означает, что национальная экономика как целостная система должна основываться на специфике любого административно-хозяйственного субъекта. Основная цель - определение межрегиональных связей, в результате которых формируются оптимальные соотношения производства в промышленном комплексе и государстве в целом, и это является выражением промышленной политики государства. В статье даны рекомендации по совершенствованию региональной политики развития промышленных предприятий.

Ключевые слова: Промышленный потенциал, рыночная инфраструктура, транспортная инфраструктура, кооперация, рентабельность.

Annotation: The industrial potential of the region is the basis for the formation of regional competitiveness. The urgency of studying the interregional industrial potential of our country means

that the national economy as a whole system must be based on the specifics of any administrative and economic entity. The main goal is to define interregional relations, resulting in the formation of optimal ratios of production in the industrial complex and the state as a whole, and this is an expression of the state's industrial policy. The article provides recommendations for improving the regional policy for the development of industrial enterprises.

Keywords: Industrial potential, market infrastructure, transport infrastructure, cooperation, profitability.

Hozirgi vaziyatga asosan asosiy vositalarning texnologik holati pastligi, ilmiy - tadqiqot ishlanmalarini bajaruvchi korxonalarning kamligi, malakali ishchilar sonining kamligi va ko'plab sanoat korxonalarining salbiy moliyaviy natijalari sabab bo'ladi. Maqolaning xulosasiga ko'ra, mintaqaning sanoat salohiyatini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan muammolarni hal qilish uchun zamonaviy iqtisodiy sharoitga mos keladigan muvozanatli sanoat siyosatini shakllantirish zarur.Ta'kidlash joizki, sanoat salohiyatini mintaqaviy darajada o'rganish keng tarqalmagan. Biroq, mintaqaning sanoat salohiyatini rivojlantirish muammosi ko'rib chiqilgan bir qator asarlarni ajratib ko'rsatish mumkin.

Bu borada Bakanach O.V. va Gaus K.V. Mintaqaning sanoat salohiyati deganda, hududiy korxonalarning raqobatbardosh mahsulotlar yaratish va ishlab chiqarish, ularni bozorda ilgari surish, foydali sotish va xizmat ko'rsatish darajasini ta'minlash qobiliyati tushuniladi[24]. Mualliflarning ta'kidlashicha, sanoat salohiyatini rivojlantirishning eng muhim yo'nalishi - uni yangilash, texnologik modernizatsiya qilish, texnologik jihatdan eng ilg'or bo'lgan tarmoqlarni jadal rivojlantirish. Mintaqaviy iqtisodiyot uchun, ularning fikricha, mahalliy sanoatning rivojlanishi birinchi o'rinda turadi, bu ish o'rinlari yaratish, ichki talabni qondirish va hududni kompleks rivojlanishiga hissa qo'shishda muhim rol o'ynaydi.

– Bugungi o'zgaruvchan sharoitda iqtisodiyot barqarorligini ta'minlashning eng samarali yo'li bu – ichki imkoniyatlarni ishga solish, import bo'layotgan ayrim mahsulotlarni o'zimizda ishlab chiqarish va sanoatni yanada rivojlantirish. Bu milliy iqtisodiyotimizning ustuvor yo'nalishi bo'lishi kerak, – dedi Shavkat Mirziyoyev 2022 yil 11-mart kuni “Sanoat kooperatsiyasi va mahalliylashtirishni yanada kengaytirish masalalari” bo'yicha videoselektor yig'ilishida. [25]

2021yil boshidan iyul oyigacha respublikada 11 ming 117ta yangi sanoat korxonalari tashkil etildi. Shulardan 1 ming 233tasi Farg‘ona viloyatida, 1 ming 109 tasi (10 foiz) Samarqand viloyatida, 959 tasi (8,6 foiz) Qashqadaryo viloyatida, 967tasi (8,7 foiz) Namangan viloyatida, 1 ming 186 tasi (10,7 foiz) Toshkent shahrida faoliyat yuritadi. Bugungi kunda shahar va tumanlar kesimida faoliyat ko‘rsatayotgan eng ko‘p sanoat korxonalari joylashgan hududlar o‘ntaligida Andijon, Namangan, Samarqand viloyatlari va Toshkent shahri hissasiga to‘g‘ri keladi. 2021 yilning 1 iyul holatiga ko‘ra, respublikada faoliyat ko‘rsatayotgan eng kam sanoat korxonalari joylashgan hududlar o‘ntaligiga Sirdaryo, Jizzax, Qoraqalpog‘iston va Surxondaryo viloyatidagi tumanlar ko‘rsatilgan. 2021 yilning yanvar-iyun oylarida

[24] Bakanach O.V., Gaus K.V. A typology of regions of the Russian Federation by the level of development of industrial potential // Problemy sovershenstvovaniya organizatsii proizvodstva i upravleniya promyshlennymi predpriyatiyami: mejvuzovskiy sbornik nauchnykh trudov. 2012.

[25] https://www.uzavtoyul.uz/uz/post/sanoat-kooperatsiyasi-va-mahalliylashtirish-milliy-iqtisodiyotning-ustuvor-yonalishi-12-03-22.html

O‘zbekiston korxonalari tomonidan 200,1 trln so‘mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarildi va 2020 yilning mos davriga nisbatan 8,5 foizga o‘sish kuzatildi.Davlat statistika qo‘mitasiga ko‘ra, jami sanoat ishlab chiqarish fizik hajmi ortishining asosiy omili: - tog‘-kon sanoati va ochiq konlarda ishlash 7,5 foiz; ,ishlab chiqaradigan (qayta ishlash) sanoatning 8,6 foizga; ,elektr, gaz, bug‘ bilan ta'minlash va havoni konditsiyalashning 12,1 foizga; , suv bilan ta'minlash, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarni yig‘ish va utilizatsiya qilish 3,5 foizga o‘sishi bo‘lib xizmat qildi.

Respublika sanoat ishlab chiqarishi hajmi tarkibida eng ko‘p ulush Toshkent shahri, Toshkent, Navoiy, Andijon va Farg‘ona viloyatlari hissasiga to‘g‘ri keldi. Eng past ulush esa Surxondaryo hamda Jizzax viloyatlarida qayd etildi. (1- rasm) Navoiy viloyatida sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish aholi jon boshiga 34 mln 493 ming so‘mdan to‘g‘ri kelib, respublikadagi eng baland ko‘rsatkich bo‘ldi. Ushbu hajm Toshkent viloyatida kishi boshiga 12 mln 278 ming so‘mdan, Toshkent shahrida 13 mln 488 ming so‘mdan to‘g‘ri keldi. Manbada mazkur hududlarda yirik sanoat korxonalari joylashgani sababli ko‘rsatkichlar yuqori ekani keltirilgan.



1 rasm. Respublika hududida sanoat ishlab chiqarishi hajmi 2020 yil hisobida.

2021-Yil boshidan iyul oyigacha respublika bo‘yicha aholi jon boshiga iste'mol mahsulotlari ishlab chiqarilishi 1 mln 852 ming so‘m bo‘lgani holda, Toshkent shahrida 5 mln 254 ming 500 so‘mni, Andijon viloyatida 3 mln 418 ming 800 so‘mni, Toshkent viloyatida 2 mln 449 ming 600 so‘mni va Sirdaryo viloyatida 2 mln 27 ming 700 so‘mni tashkil etdi.[26]

Mamlakatimizda 2019 yilda jami 331 trln so‘mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan bo‘lib, qayta ishlash sanoatining ulushi 80,0 foizni (264,4 trln so‘m) tashkil qilgan.Shundan, respublika sanoatida chuqur qayta ishlash orqali qo‘shilgan qiymat yaratish darajasi tog‘-kon va qazib olish sanoatida **(**69,8% yoki 30,1 trln so‘m) hamda ishlab chiqarish sanoatida (37,9% yoki 100,1 trln so‘m) yuqori bo‘lgan. Respublikada qayta ishlash imkoniyati mavjud bo‘lgan xom ashyo mahsulotlari eksporti tarkibida paxta ip kalavasi (748,4, mln doll**),** mis va undan yasalgan buyumlar (570,1 mln doll), ipak va sintetik iplar (234,9 mln doll), yassi

[26]https://kun.uz/uz/news/2021/07/22/ozbekistonda-yarim-yilda-200-trln-somlik-sanoat-mahsulotlari-ishlab-chiqarildi

temir prokatlari (229,6 mln doll) va paxta tolasi (146,7 mln doll) kabi mahsulotlarning ulushi yuqori bo‘lmoqda.

Jahon tajribasi resurslar va xom ashyo bilan bog‘liq ishlab chiqarishga sarflanadigan mablag‘ yoki mehnatning kapital birligiga nisbatan rentabelligi vaqt o‘tishi bilan kamayib borishini ko‘rsatadi. Ya'ni, xom ashyo yetkazib berishga ixtisoslashgan mamlakatlarda iqtisodiy o‘sish va ishlab chiqarish hajmini ko‘payishtirish uchun, avvalo, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratishga bo‘lgan xarajatlarning oshirilishi talab etiladi. Shuningdek, xom ashyo yetkazib berishga ixtisoslashgan mamlakatlar iqtisodiyoti tashqi bozorlarga yuqori darajada bog‘liq bo‘lib, tashqi bozorlarda yuzaga kelgan aks o‘zgarishlar mamlakat iqtisodiyotini zaiflashishiga olib keladi.

Muhtaram yurtboshimizning 2020 yil 29 yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga qilgan murojaatnomasida iqtisodiy o‘sishga raqobatbardosh sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish zanjirlarini tashkil qilish orqali erishilishi ko‘rsatib o‘tilgan.[27] Shundan kelib chiqib, raqobatbardosh sanoat zanjirlarini yaratishda, avvalo, sanoat drayverlari bo‘lgan tarmoqlarda tashqi bozorlarda raqobatbardosh bo‘lgan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish hajmlarini oshirib, ularni eksport qilish orqali yangi bozorlarga kirib borishimiz lozim.

Shuni ham takidlash lozimki, hududlarda sanoat va umumiy iqtisodiy o'sishiga erishish uchun yo'llar tarmog'ini rivojlantirishga, avtomobil yo'llarini qurishga, avtomobil yo'llarini zaxiralashga va mavjud avtomobil yo'llarini me'yorda saqlashga ko'proq e'tibor qaratish lozim. Infratuzilmaning rivojlanishi materiallar, ehtiyot qismlar va tayyor mahsulotlarni sotib olish, yetkazib berish, tashish va saqlash jarayonida moddiy oqimlarni yaxshiroq va samaraliroq boshqarishga yordam beradi, xarajatlarni optimallashtiradi va ishlab chiqarish jarayonini, sotish va tegishli xizmatlarni tartibga soladi. Hududlar iqtisodiyotida sanoat korxonalarining o’rnini oshirish uchun quyidagilarni amalga oshirish maqasadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarining, ishlab chiqarishni rivojlantirish va innovatsion rivojlanishga o'tish uchun sarmoya kiritish uchun rentabellik darajasini oshirish;

-bozor infratuzilmasini mukammallashtirish: chakana savdo tarmog'ining roli oshib borayotgani va kooperatsiya rivojlantirish;

- transport infratuzilmasini talab darajasiga olib kelish;
- moliyaviy beqarorlikka erishish;
- investitsiyalar oqimining yetarlicha oshirish;
- tabiiy va iqlim omillarining ta'sirini hisobga olish;
- sug'urtalash tizimini rivojlantirish;
- axborotni qo'llab -quvvatlash;

-malakali kadrlarni yetishtirish.

Hozirgi vaziyatga asosan asosiy vositalarning texnologik holati pastligi, ilmiy - tadqiqot ishlanmalarini bajaruvchi korxonalarning kamligi, malakali ishchilar sonining kamligi va ko'plab sanoat korxonalarining salbiy moliyaviy natijalari sabab

[27] https://mineconomy.uz/uz/info/3865

bo'ladi. Maqolaning xulosasiga ko'ra, mintaqaning sanoat salohiyatini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan muammolarni hal qilish uchun zamonaviy iqtisodiy sharoitga mos keladigan muvozanatli sanoat siyosatini shakllantirish zarur.

Д.Т.Узганбаева - Фаргона Политехника институти ўқитувчиси

РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИДА КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада реал сектор тармоқларида кластерларни ташкил этиш, уларнинг ҳусусиятлари, шакллантириш стратегиялари, кластернинг хусусияти ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш қобилияти ёритилган. Шунингдек, кластерларнинг асосий йўналишлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: кластер, инновация, салоҳият, саноат тармоғи, рақобатбардошлик, тайёр маҳсулот.

Аннотация: В данной статье описаны организация кластеров в реальном секторе, их особенности, стратегии формирования, способность кластера повышать конкурентоспособность региона. Также подробно освещены основные направления кластеров.

Ключевые слова: кластер, инновации, потенциал, отрасль, конкурентоспособность, готовый продукт.

Abstract: This article describes the organization of clusters in the real sector, their characteristics, formation strategies, the ability of the cluster to increase the competitiveness of the region. The main directions of the clusters are also covered in details.

Keywords: cluster, innovation, potential, industry, competitiveness, final product.

Республиканинг илмий-инновацион соҳадаги ҳозирги ҳолати хўжалик айланмасига илмий-техник фаолиятнинг натижаларини жалб қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари талабларига мос келмайди. Амалдаги ҳолат фан ва технологияларни ривожлантиришда янги устуворликларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Хорижий мамлакатларда кластерларни шакллантириш бўйича тўпланган тажрибалар ва уларнинг амалиёти қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

Биринчи йўналиш Италия модели (саноат округлари) ҳисобланиб, кичик корхоналарнинг экспортни кенгайтириш борасида кучли концентрациясига асосланган, бозорга чиқиш ва уни эгаллашда ўзаро расмий ёки норасмий хамжамият асосида фаолият юритувчи ички кластерлардир[28].

Иккинчи йўналиш саноат кластерлари ҳисобланиб, улар концентрик доиралар хосил қилувчи (марказлашган ташкилотлар) марказий бошқарув тизимига эга кластер шакли ҳисобланади. Бундай саноат кластерлари таркибида илмий лабораториялар, илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари фаолият юритади. Кластерларни бундай шакллантириш Япония, Жанубий Корея, Германия ва Франция тажрибаларида акс этган. Улар халқаро бозорлар учун ўта кучли ҳамкорлик ва юқори даражада шакллантирилган ички расмий алоқалар мавжуд.

[28] Becattini G. From Marshall's to the Italian "Industrial Districts". A Brief Critical Reconstruction // Complexity and Industrial Clusters: Dynamics and Models in Theory and Practice / eds. A.Q. Curzio, M. Fortis. Heidelberg: Physica-Verlag, 2002.

Инновацион фаолиятнинг сочилиб кетиши ва чизиқли боғланишнинг мавжуд эмаслиги кластерлар шаклланишининг бундай усулига хос бўлган жиҳат ҳисобланади. Ҳар бир кластер иштирокчиси тизимнинг бошқарув аппаратига занжирли алоқаси таъминланади ва бу ўзаро интеграцияни таъминлашга асосий калит ҳисобланади. Бундай кластерни ташкил этиш жараёнида кўпроқ молиявий манбаларга таяниш эса унга давлатнинг аралашувини шарт қилиб қўйиши билан бирга асосий молиявий таъминотчи сифатида қатнашишини рағбатлантиради[29].

Кластерни шакллантиришнинг бундай усули давлатнинг кўмаги ва молиявий маблағнинг катталиги уни ташкил этишнинг кучсиз томони бўлса-да, халқаро бозорда мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаси ёки стратегияси сифатида қаралади.

Учинчи йўналиш саноатлаштириш даврига хос ҳисобланиб, бундай кластерлаш стратегияларидан Скандинавия, Швейцария ва АҚШда кенг қўлланилган. Кўпроқ учлик спирал[30] ҳосил қилувчи кластерлаш моделининг асосий йўналиши инновацияларни яратишга урғу беради, бунда яратилган инновацияларни кластер иштирокчиларига сочиб юбориш орқали рақобатбардошликни таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади.

Ўзбекистонда кластерларни шакллантириш енгил саноат салоҳиятини ошириш борасидаги қуйидаги асосий стратегик мақсадларга мувофиқ келади:

1. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 мартага оширишнинг белгиланиши.
2. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда кийимлар намуналарининг намойиш залини ташкил этиб, дизайн модалар маркази таркибига кирувчи тажриба ишлаб чиқариш цехини очиш ҳамда Франция, Германия, Италия дизайн ва мода марказлари тажрибасини ўрганиш зарурлиги.
3. Ички ва жаҳон бозорларида муносиб ўрин топиш учун мунтазам изланиш, инновацион маҳсулот турларини ўзлаштириш зарурлиги, бозор конъюнктурасини ўрганган ҳолда маҳсулот тайёрлашда дизайн масалаларига эътибор қаратиш, энг асосийси, жаҳон бозорида миллий бренд нуфузини ошириш масалалари.

Мазкур вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва амалиётда бажарилишини таъминлашнинг асосий йўналиши тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча тур маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлган

[29] Meier zu Köcker G. Clusters in Germany. An Empirical Based Insight View on Emergence, Financing, Management and Competitiveness of the Most Innovative Clusters in Germany. Berlin: Institute for Innovation and Technology, 2009.

[30] Модель «тройной спирали» как механизм инновационного развития региона / И.Ю. Пахомова // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия: Экономика. Информатика. – 2012 г. - №7-1 (126) / том 22

шароитда пайдо бўлувчи қамраб олиш самараси ҳам кластерларнинг устунлик томони ҳисобланади. Ушбу омил кўп функцияли хусусият билан тавсифланади. Фирмаларни кластерларга гуруҳлаштиришда қамраб олиш самараси сезиларли даражада кучаяди, чунки узатиш билан боғлиқ транзакция харажатларини камайтиришда турли корхоналар томонидан кўп функцияли омилдан фойдаланиш зарурати вужудга келади.

Кластерли ишлаб чиқариш тузилмаси маҳсулотни умумий стандартлаштириш асосида вужудга келадиган синергия самарасини келтиради. Шундай қилиб, кластернинг барча иштирокчилари миқёс, қамраб олиш ва синергия самараларининг умумий таъсири остида қўшимча рақобатли устунликларга эга бўлади. Уларнинг таъсир кўрсатиш механизми қуйидагича: кластер таркибига кирган фойда бермайдиган корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришни таъминловчи ихтисослашув ёрдамида қуйи рентабеллик чегарасидан ўтиши мумкин. Кластернинг инновацион йўналганлиги ишлаб чиқариш тузилмасининг самарасини ошириш ҳисобига тадқиқотларга умумий ҳаражатларни пасайтириш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқишга жорий этишга кўмаклашади, бу эса кластер иштирокчиларига узоқ пайт давомида инновацион фаолиятни турғун равишда амалга ошириш имконини беради.

Инновацион кластерда фойда барча алоқа йўналишлари бўйича тақсимланади:

- бошқа тармоқлардан келувчи янги ишлаб чиқарувчилар илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириб ва янги стратегияларни жорий этиш учун зарур воситалар билан таъминлаб, ўз ривожланишини тезлаштиради;
- кўп сонли рақобатчилар билан алоқаларга эга бўлган етказиб берувчи ёки истеъмолчилар канали бўйича ахборотлар эркин алмашинади ва янгиликлар тез тарқалади;
- кластер ичидаги ўзаро алоқалар, одатда юқори даражада кутилмаган алоқалар рақобат учун янги йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва тубдан янги имкониятларни келтиради;
- инсон ресурслари ва ғоялари янги комбинацияларни шакллантиради.

Шундай қилиб, инновацион ривожланиш муаммоларини тадқиқ этишда дастлабки босқичда фойдаланиладиган кластерли ёндашув вақт ўтган сайин янги кенг миқёсдаги масалаларни ечишда ҳам қўлланила бошлаган, хусусан:

- ✓ давлат, ҳудуд, тармоқнинг инновацион ривожланишини таҳлил қилишда;
- ✓ умумдавлат саноат сиёсатининг асоси сифатида;
- ✓ ҳудудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда;
- ✓ инновацион фаолиятни рағбатлантириш асоси сифатида;
- ✓ йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро муносабатлари асоси сифатида.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида замонавий илмий тасаввурларда асосий ташкилий бошқарув дастаги ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича мақсадли мажмуа дастурлари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кластернинг хусусияти ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш қобилияти ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда кластернинг еттита асосий тавсифлари мавжуд, улар асосида у ёки бу кластерли стратегия ётади:

- географик: фақат маҳаллий (масалан, боғдорчилик) кластердан фақат глобал (аэрокоинот кластери) кластергача иқтисодий фаол бўлган макондаги кластерларни тузиш;
- горизонтал: бир нечта тармоқ/секторлар янада йирик кластерга кириши мумкин (масалан мегакластерлар тизими);
- вертикал: кластерларда ишлаб чиқариш жараёнларининг ўхшаш босқичлари бўлиши мумкин. Бу ерда тармоқ иштирокчиларидан қайси бири кластерлар доирасида ташаббускор ва инновацияларни якуний ижро этувчиси ҳисобланганлиги муҳим ҳисобланади;
- латерал: кластерга миқёси самараси ҳисобига тежамкорликни таъминлаши мумкин бўлган турли секторлар бирлашади, бу эса янги комбинацияларга олиб келади (масалан, мультимедияли кластер);
- технологик: битта технологиядан фойдаланадиган тармоқларнинг йиғиндиси (масалан, биотехнологияли кластер);
- фокусли: битта марказ – корхона, илмий-тадқиқот институти ёки таълим муассасаси доирасида жамланган фирмалар кластери;
- сифатли: бу ерда фирмалар ҳақиқатдан ҳам ҳамкорлик қилаётганлиги, балки улар буни қай тарзда бажараётганлиги тўғрисида масала муҳим ҳисобланади. Бунда ҳар доим ҳам инновацияларни ривожлантиришни автоматик тарзда рағбатлантирмайди.
- Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, тармоқларда аксинча инновацион жараёнларни тўхтатиб, ҳимоя қилиш ҳаракатлари рағбатлантирилади. Етказиб берувчилар билан ўзаро алоқалари инновацион жараёнларни рағбатлантириши мумкин, аммо улар ҳаражатларни шерикларга ўтказиш ва молия соҳасида уларни сиқиш учун қўлланилиши мумкин. Охирги ҳолатда тармоқлар на турғун, на рағбатлантирувчи бўла олмайди.

Ш.Х.Халимов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада хизматлар соҳасида транспорт хизматларининг ўрни, ҳолати ва хизмат соҳасидаги улушини ошириш учун тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлари: иқтисодиёт, хизмат, сервис, бизнес, тадбиркор, бизнесмен, тадбиркорлик, инфратузилма, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат

Аннотация: Эта статья является приложением рекомендаций для рекомендации роли, статуса и доли транспортных услуг в сфере услуг.

Ключевые слова: экономика, сервис, услуга, бизнес, предприниматель, бизнесмен, предпринимательство, инфраструктура, торговля и общественное питание, транспорт, связь, бытовое обслуживание

Annotation: This article is an appendix of recommendations for recommending the role, status and share of transport services in the field of services.

Key words: economy, service, business, entrepreneur, businessman, entrepreneurship, infrastructure, trade and catering, transport, communication, household service

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан яхшилаш ва уни модернизациялашда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига тўлиқ ва аниқ жавоб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг самараси бугунги кунда мамлактимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноат ҳамда етакчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш замирида намоён бўлмоқда. Қолаверса, бу ислоҳотларни амалга ошириш замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, маърифатли ёш авлодни тарбиялаш, амалга ошириб келинаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим шартидир.

Ҳудди шундай бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам катта эътибор берилмоқда, купгина дастурлар ва қарорлар қабул қилинмоқда. Ушбу қабул қилинган дастурлар ва қарорлар натижасида соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кундан кунга ошиб бормоқда. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида транспорт хизматларининг ҳам ўрни катта.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб транспорт соҳасини ривожлантириш, аҳолига маданиятли ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиш ражасини юксалтириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигининг янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамизда автомобил саноати ривожланиши, транспорт воситалари кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Бугун республикамиз кўчаларида ҳар жиҳатдан кўркам, замонавий, қулай автоуловлар фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, транспорт воситаларида малакали ҳайдовчилар томонидан йўловчиларни ўз манзилига хотиржам етиб олиши таъминланмоқда.

Транспорт (лот.транспорто- ташийман) – ижтимоий моддий ишлаб чиқариш тармоғи, юкларни ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга элтишни, мамлакат, вилоят ва туманларни, корхоналарни, халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида , шунингдек мамлакат ичида айирбошлаш ва алоқани таъминлайди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт хизматларини тизимини бошқаришни такомиллаштириш мақсадларида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (1992-й.2 8-январ), “Ўзбекистон автомобил транспорти” давлат аксиадорлик корпарацияси (1993-й. 8-январ), “Ўзбекистон темир йўллари” давлат аксиадорлик компанияси (1994-й. 7-ноябр) ва бошқа идоралар ташкил етилди. Мамлакатимизда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги аксиадорлик, очиқтурдаги аксиадорлик, маъсулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Мамлакатимизда умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортларнинг барча тури – темирйўл, автомобил, авиация, шахарелектр транспорти (трамвай, метрополитен), дарё транспорти, қувир йўллари транспорти ривожланган ва ривожланмоқда.

Республикамизнинг Транспорт тизими темир йўл, автомобил йўллари, замонавий ускуналар билан жихозланган темир йўл вокзаллари, бекатлари, юк омборлари, пристанлар, ҳаво флотининг йирик аэропортлари ва б. Инфратузилма бўлимларини қамрайдиган халқ хўжалиги комплексларини ташкил етади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики транспорт соҳасини ривожлантиришга мамлакатимиз миқиёсида катта эътибор қаратилган екан. Автомобил йўлларнинг таъмирланиши ва узайтирилиши, аэрофлотимизга 2016-2020-йиллар ичида 4 та “дреам лайнеръни олиб келиниши, темир йўл тизимида “Афросиёб” замонавий тез юрар поэздининг машрутлари узайтирилиши, яангидан янги хизматларнинг таклиф етилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Шундай екан биз эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай янада янги ютуқларга эришишга ҳаракат қилишимиз лозим.

2020 йил январь-декабр ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 218 853,5 млрд. сўмни ташкил қилди, 2019 йилга нисбатан 2,3 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари молиявий хизматлар 25,6 фоиз ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 15,3 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2020 йилнинг январь декабр ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият трлари бўйича ҳажми[31]

Кўрсаткичлар	Ҳажми млрд. сўм	2019 йилга нисбатан ўсиш сръати, фоизда
Жами хизматлар		
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:	218853,5	102,3
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	12886,0	115,3
молиявий хизматлар	45817,3	125,6
транспорт хизмати	53772,5	91,6
шу жумладан автотранспорт хизматлари	29196,6	103,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	5878,5	86,5
савдо хизматлари	56553,9	101,7
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	6089,7	91,1
таълим соҳасидаги хизматлар	9073,0	107,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	3209,4	89,9
ижара ва прокат хизматлари	4172,1	98,9
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	3407,4	96,1
бошқа шахсий хизматлар	4983,3	92,1
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	4925,7	93,7
бошқа турдаги хизматлар	8084,7	98,3

Бир сўз билан айтганда, юртимиз иқтисодиётининг қон томирлари саналган транспорт инфратузилмасини замон талаблари даражасида ташкил қилиш, аҳолига бу борада юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш борасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш юритишни ўзларининг шарафли бурчи деб билиши, қувонарлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда транспорт хизматларини янада ривожлантириш бўйича қйидаги таклифларни келтириш мумкун:

- ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;
- йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

[31] www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат стстистикаси Қўмитаси

тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;

- автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;
- йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш белгиланди.

Б.Ш.Хусанов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проф.в.б.,и.ф.н.

Ш.Ж. Бегимкулов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ – 120 гуруҳ магистранти

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни макроиқтисодий барқарорлаштириш шароитида меҳнат бозорини такомиллаштириш, ишчи кучига амалда ҳақиқий талаб ва таклиф асосида бандликни таъминлашнинг иқтисодий муносабатлари тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, ишчи кучи, иқтисодий ўсиш, меҳнат бозори, ишсизлик.

Аннотация:В статье рассмотрены экономические отношения совершенствования рынка труда в условиях макроэкономической стабилизации экономики Республики Узбекистан, трудоустройства на практике на основе реального спроса и предложения рабочей силы.

Ключевые слова: занятость, рабочая сила, экономический рост, рынок труда, безработица.

Abstract: The article discusses the economic relations of improving the labor market in the context of macroeconomic stabilization of the economy of the Republic of Uzbekistan, employment in practice based on the real demand and supply of labor.

Key words: employment, labor force, economic growth, labor market, unemployment.

Иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнат бозори муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим таркибий бўғини бўлиб ҳисобланган ишчи кучи бозори маълум қонуниятлар асосида шаклланади ва амал қилади. Бу борада мамлакатимизда меҳнат бозорини шакллантириш жараёнида “Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги қонун[32] муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Мазкур қонун ҳужжатларида ишсизлик, иш билан бандлик шаклини танлаш ҳуқуқи, ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари эътироф этилди. Ҳозирги кунда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига шаҳдам қадамлар билан кўтарилиб бормоқда. Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётни тубдан янгиланишига замин ҳозирлади. Ушбу ўзгаришлар дастлаб меҳнат муносабатлари орқали намоён бўлиб, меҳнат бозорини

[32] Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни. (янги таҳрири) - Тошкент.: Шарқ, 1998 й.

шакллантириш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди. Келтириб ўтилган меъёрий ҳужжатлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда уларнинг бандлигини таъминлашнинг муҳим асосини ташкил этади. Аммо, келтириб ўтилган қонун ва кодексда белгиланган кафолатга қарамай 2017 йилда "Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлсада, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаби иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ".

Меҳнат бозори ҳам, барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бунда талаб, бўш иш ўринларини эгаллашга бўлган эҳтиёж, таклиф эса – банд қилинмаган ишчи кучининг мавжудлиги ёки иш ўрнини ўзгартириш истаги сифатида майдонга чиқади. Шу боис, давлат молия-кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатларида кичик корхоналарни ташкил қилишни рағбатлантириш, ўзгарувчан меҳнат тартибларини қўллаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга кўмаклашадиган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам назарда тутиш лозим. Бу борада меҳнат бозорларини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлилини ўтказиш талаб этилади:

Иқтисодий инқироз, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, мулкчилик муносабатларининг ривожланиши, давлатнинг пул-кредит ва молиявий сиёсати;

Меҳнат бозорига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар;

Мамлакатдаги демографик вазият, ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, миграция, аҳоли таркибининг жинс ва ёш гуруҳлари билан боғлиқ ҳолда ўзгариши;

Умумий бандликнинг хизматлар индустрияси томон ўзгариши;

аҳоли сони ўсиш суръатининг пасайиши;

энг фаол ёшдаги эркакларнинг ишчи кучи таркибидаги улуши камайиб бораётганлиги.

2021 йилда 1991 йилга маълумотларига кўра нисбатан 40-49 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3 баробар, 15-24 ёшдагилар эса 1,5 мартага ўсган бўлиб, бу ўз навбатида, республика бўйича 1991 йилда аҳолининг ўртача ёши 23,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 28,5 ёшни ташкил этмоқда, яъни республика аҳолисининг ўртача ёши 5,2 ёшга кексайганлигини кўриш мумкин. Бу борада янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда иш ўринларини яратишга эътиборни қаратиш лозим. Ушбу ҳолат эса келгусида корхоналар сонини кўпайиши билан улар фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқариши мумкин бўлиб, ҳозирги кунда аҳоли сонига нисбатан корхоналарни ташкил этилаётганлигида ушбу ҳолатга эътибор қаратишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш лозимлигини, келгусида уларнинг аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш имконияти мавжудлигидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу келтириб ўтилган ҳолат мамлакатимизда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этиб, танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Бу эса ҳозирги иқтисодиётни макроиқтисодий барқарорлаштириш шароитида меҳнат бозорини такомиллаштириш, иш билан бандликни бозор муносабатлари тизими доирасида ҳал этишни, яъни ишчи кучига амалда ҳақиқий талаб ва таклиф, иш билан бандликни тартибга солишнинг ва ишчи кучини самарали тақсимлашнинг янги механизмларини шакллантириш, ишчи кучи эркин ҳаракат қилишига шарт-шароитлар яратишни ҳамда меҳнат бозорида ишчи кучини самарали тақсимлаш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараёнлар шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Келтирилган вазифаларни амалга оширилиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Э.И.Абдурахимов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МИ-120 гуруҳ магистри

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ИШ ОЛИБ БОРИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Аннотация: Ушбу мақолада Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга ошириш буйича максадли вазифалар куриб чикилди.Келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга кенг йўл очилиши аникланди.

Калит сўзлар: Ижтимоий-иқтисодий,аҳоли, статистика , xizmatlar, резолюцияси.

Annotation: This article discusses the target tasks for the implementation of the process of population registration.

Keywords: Socio-economic, population, statistics, services, resolution.

Аннотация : В данной статье рассматриваются целевые задачи по реализации процесса переписи.

Ключевые слова: Социально-экономическое, население, статистика, услуги, разрешение.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сонли қарорига мувофиқ Республикамизда илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилиши белгиланган.

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар муайян вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

2015 йил 10 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан, ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда МДҲ мамлакатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланган.

Аҳолини рўйхатга олиш нима учун зарур? Бу тадбир республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ҳамда болалар саломатлигини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имкониятини янада кенгайтиради.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бирор марта бундай ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмади. Аҳолини рўйхатга олиш сўнгги бор 1989 йилда ўтказилган эди. Ҳолбуки, жаҳондаги кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш камида ҳар ўн йилда бир маротаба ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликдан сўнг республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири биринчи марта 2023 йилда бўлиб ўтади ва кейин ҳар 10 йилда амалга оширилади. Шу боис, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилиши белгиланди. Қарорда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ташкилий ва услубий тамойилларини, аҳолини рўйхатга олиш дастури ва саволномаларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги масъулиятини янада ошириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилган.

Айтиш лозимки, аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилди. Бунда аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш жараёни, рўйхатга олиш усуллари, дастури, саволномалари, услубий қўлланмалари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари амалий синовдан ўтказилди. Синов натижаларидан келиб чиқиб, аниқланадиган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Яшнобод туманида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ишларига кенг кўламда тайёргарлик кўрилиб, январь ойида 58 та маҳалла фуқаролар йиғинининг схематик хариталари ўрганилди.

2021 йил 1 мартга қадар аҳоли пунктларининг схематик режалари техник шартлар асосида тайёрланиши туман кадастр бўлими билан ҳамкорликда якунига етказилди. Шунингдек, аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли сони кўрсатилган ҳолда уйлар ва хонадонларнинг тўлиқ рўйхати тузиб чиқилди. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари юқори даражада ўтказилиши учун унга тайёргарлик кўриш, маълумотларни қайта ишлаш ва ҳужжатларни сақлаш учун Яшнобод туман ҳокимлиги томонидан вақтинчалик бинолар ажратилди.

Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузишдир.

Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Мухтасар айтганда, аҳолини рўйхатга олиш жараёнига чинакам пойдевор қўйилади, десак муболаға бўлмайди. Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш орқали, аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳволи, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари кабилар бўйича батафсил маълумот тўпланади. Мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўз навбатида, юртдошларимиз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилади. Аҳоли пунктлари инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва самарали жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда зарур. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга олиш натижасида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлили учун кенг қамровли ахборот манбаи яратилади.

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга ошиши келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга кенг йўл очади.

Ш.Н.Мирзаева – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

THE COMPOSITION OF THE INCOME OF SERVICE WORKERS AND WAYS OF ITS IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF EDUCATIONAL INSTITUTIONS)

Annotation: In this article, the composition of the income of service workers and ways of its improvement (on the example of educational institutions) is an economic relationship associated with the increase in employment in the sphere of service in the conditions of modernization of the economy, the object of which is the views and comments on subjects in the sphere of Service.

Keywords: Service, Employees, revenues, content, improvement, roads, economy (on the example of educational institutions), modernization, employment, increase, object, subjects.

The effective development of the economy today new jobs to increase the share of taxes paid by individual creating a wide range of opportunities for them to engage in entrepreneurial active sand opportunities to increase other sources of in come being created. After all, the President touched upon this issue and said, “2016 We have achieved rapid and sustainable development of our economy further increasing the income of the population, the living standards and quality of life of our people laid a solid foundation for growth.

Reforms in our country are the backbone of the economy industries, including the service sector. Based on the domestic potential of the service sector, improvement of development mechanisms remains relevant. Service its solution in the study of ways to increase employment in the field of broad casting there are a number of pending issues. A number of changes are also taking place in the field of education.

The structure of the income of service workers and ways to improve it for example, the development of theoretical and methodological recommendations and practical recommendations for the study of employment status and development trends in the service sector in the context of modernization of the economy.

Depending on the purpose of the topic, the following tasks identified:

- ✓ The essence of employment in the service sector and more reveal the theoretical foundations of development;
- ✓ Employment in the service sector and they justify ways to increase income;
- ✓ Foreign experience in employment in the service sector to study and introduce their positive aspects in the republic make recommendations;
- ✓ Factors affecting employment in the service sector identify and classify them;
- ✓ Development of ways to increase employment in the service sector. It is determined by the development of scientific, theoretical and practical recommendations for the development of the subject;
- ✓ The essence of employment in the service sector is revealed;

✓ Foreign experience in employment in the service sector to study and implement their positive aspects in the practice of the republic recommendations are given;
✓ Factors influencing the growth of employment in the service sector identified and based on the method of classifying them;
✓ Analysis of employment in the field of services
✓ and assessed the state of the employment structure in the Republic;
✓ Employment through the development of the service sector are as for improvement have been identified.

The structure of income of service personnel and ways to improve it (scientific proposals and practical recommendations developed on the example of educational institutions in assessing the role of the service sector in promoting employment, can identify and address specific problems in practice in this area and develop the industry.

The purpose of the topic is a study of the problems of changing the structure of employment completes the process, as well as the use of able-bodied people in it specific proposals have been developed to address the improvement tasks. From the scientific and practical recommendations of this dissertation Uzbekistan In the programs of socio-economic development of the Republic, as well in order to increase the efficiency of the economy, Labor and socialization of the population can be used in security departments. Also research results in higher education "Labor Economics and Sociology", "Labor market economy".

Uzbekistan's transition to a new market economy is unique conditions, folk traditions and customs is happening. It is based on world practice and economics the positive experiences of developed countries are also taken into account. When we say service, we must first understand the product of labor. This is the main definition of the product, to meet the specific needs of the people is In other words, service is the need of people and is an activity aimed at meeting the requirements. In our opinion, service of man, of business, of the state, and the benefit of those who are focused on meeting a particular need of society conscious activity related to the service process that does not result.

These are the ultimate goals of the reforms being carried out in the country first of all, to create decent living and working conditions for human beings. This and further development of the service sector. Today, the service sector plays an important role in the economy of our country takes over. It is an integral part of the national economy. The relationship is part of the overall system and the existing economy in society subject to the law. They are currently three in the international classification of networks divided into sectors:

- primary (agriculture, mining industry),
- secondary (processing industry)
- tertiary (services or social sphere).

The service sector is the provision of services to the national economy is the sum of the various networks involved. It has a social character: its services. In addition to the population, it also offers legal entities. Therefore, the activities of general secondary education institutions are necessary great attention should be paid to the provision of resources. It is well known that the focus on the quality of

education is not only social in the country well-being as well as economic development. More than 60% of Uzbekistan's population is children and a dole scents in an environment where they can be trained, educated and trained training remains a topical issue of the day.

Taking the path of radical change in the education system of the republic implementation of ongoing reforms and documents adopted in this regard the essence of which is comprehensively understood by the general public creating conditions - public administration, law enforcement agencies, education to be identified as the most urgent tasks of the staff of educational institutions shown. As you know, the reform of the education system began many years ago.

Given the new conditions of the transition period, it is fundamental in the field of education and the Education Act to implement reforms The "National Training Program" was adopted. By this time, Uzbekistan along with the achievements in the national education system, a number of challenges was also present. The main goals and objectives of the program are to solve these problems focused on Accordingly, the key areas of reform outlined in the National Training Program are:

- Improving pre-school and general education;
- Rational organization of secondary special vocational education;
- Improving education management and funding;
- Creating an effective system of training.

According to the law, all children who have reached school age in the country (disabled, children whose development is sluggish) in various educational institutions (disabled, special schools for children whose development is sluggish with the introduction) are obliged to receive education.

- On the way to implement the school education development program budget funds for targeted use, as well as legal and physical collection of sponsorship funds of individuals, foreign loans and grants;
- ***New ones instead*** of disruptive schools envisaged in the program construction, capital restoration, current and capital repair, schools training-laboratory equipment, computer equipment, school parties and equipment, financing of the volume of equipment with sports equipment;
- Strictly from the savings funds for the implementation of the program ensuring monitoring over targeted use. Accordingly, the formation of funds of the School Education Fund the sources and directions of expenditure were defined as:

Sources:

- Budget allocations envisaged in the state budget with a separate line;
- Projected local budgets on taxes and fees funds from attracting more than part of the proceeds;
- Grants and credits of international financial organizations and institutions;
- Legal entities with residents and non-residents of the Republic of Uzbekistan and sponsorship assistance of individuals;
- Received from the placement of temporarily empty funds of the fund revenues;
- Other receipts not prohibited by law. Spending trends:

- Schools failing in accordance with approved address lists capital repair, perfect reconstruction, instead of building new ones;
- Financing of modern educational-laboratory equipment and computer equipment of schools;
- Purchase of parties and school equipment;
- Equip schools with sports equipment.

The creation of a special state non-budget school education fund will strengthen the material and technical base of schools and allows expansion issues to be addressed in a centralized manner.

Also, improving public administration in the public education system, general, secondary and extracurricular activities of the Ministry of Public Education focus on the development of the system, the activities of education authorities in crease efficiency and accountability, advance the educational process through the effective introduction of pedagogical information and communication technologies public education by the Ministry of Public Education to ensure the quality of education implementation of a unified state policy aimed at developing the system, comprehensive development of general, secondary and extracurricular education, to further improve the knowledge and morals of students, as well as secondary schools and secondary special vocational education an 11-year average by ensuring interoperability between institutions

Implement a system of organizational and methodological measures for the introduction of education tasks such as.

Э.Шавқиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.
А.П.Ҳазратов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси

АЛОҚА ТАРМОҒИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ – БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Аннотация: Мақолада алоқа тармоғи – бозор инфратузилмаси таркибидаги ўрни кўрсатилган. Унда алоқа тармоғига ишлаб чиқариш ва социал инфратузилма сифатида қаралади. Шунингдек, тармоқнинг кенг қамровлилиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, алоқа, инфратузилма, социал, хизмат, самара.

Аннотация: В статье показана роль коммуникационной сети в структуре рыночной инфраструктуры. В нем коммуникационная сеть рассматривается как производственная и социальная инфраструктура. Это также показывает широкий охват сети.

Ключевые слова: экономика, связь, инфраструктура, общество, сервис, Самара.

Annotation: The article shows the role of the communication network in the structure of the market infrastructure. In it, the communication network is considered as an industrial and social infrastructure. It also shows the wide coverage of the network.

Keywords: economy, communication, infrastructure, society, service, Samara.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши муносабати билан мамлакатимизда бозор муносабатларининг самарали ривожланишини таъминловчи ва бозор инфратузилмаси деб аталадиган хўжалик юритувчи субъектлар жадал ривожлана бошлади.

Алоқа тармоғи – миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва асосий ишлаб чиқаришдан фарқ қиладиган инфратузилмага эга.

Инфратузилма, замонавий талқинда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкилий жиҳатдан алоҳида бўғинлари йиғиндисидир. Улар фаолиятининг якуний натижаси – моддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга (ишлаб чиқариш инфратузилмаси), ноишлаб чиқариш соҳасига ва аҳолига (социал) кўрсатиладиган хизматлардир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – алоқа хизматлари билан бир қаторда, энергия таъминоти, юк ташиш, моддий-техник таъминоти ва бошқаларни ўз ичига олади. Моҳиятан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси элементлари моддий ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмидир. Улар такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш ва айирбошлаш каби босқичларида иштирок этади. Яъни,асосий ишлаб чиқаришнинг муомала доирасида – маҳсулотни жўнатиш ва истеъмолчига етказиш, ахборот узатишни таъминлаш кабилар бўйича хизмат қилади.

Социал инфратузилма турли хил тармоқларни ўз ичига олади, улар функционал хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- аҳолининг моддий фаровонлигини ва бўш вақтини кўпайтиришни таъминлайдиган хизматлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар. Ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича уй-жой коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти ва алоқа;
- шахс камолоти, миллатнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, билим ва маънавий неъматларни оммалаштиришга хизмат қилувчи тармоқлар – таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, социал таъминот, маданият ва санъат.

Социал инфратузилманинг ушбу қисми матбуот, радиоэшиттириш ва телевидениени тарқатиш каби алоқа фаолияти соҳаларини ҳам ўз ичига олиши мумкин;

- асосан ишлаб чиқариш ва социал эҳтиёжларга хизмат қилувчи тармоқлар – фан ва илмий хизматлар, давлат бошқаруви ва суғурта, ахборотлаштириш муассасалари ва жамоат ташкилотлари.

Бозор инфратузилмасининг таркибий қисмлари мамлакатда товар ва пул муомаласини жадаллаштиришга, истеъмолчи талабини ҳисобга олган ҳолда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилмасини оптималлаштиришга, рақобатни ривожлантиришга ва пировард натижада "сотувчи бозоридан"дан "харидор бозори" га. ўтишга ёрдам беради.

Бозор инфратузилмаси биринчи навбатда банклар, товар-молия биржалари, суғурта компаниялари, аудиторлик, риэлтерлик, брокерлик, реклама ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхона (фирмалар)ни ўз ичига олади. Кўриниб турибдики, санаб ўтилган бозор институтларининг самарали ишлаши замонавий юқори сифатли алоқа воситаларисиз мумкин эмас, шунинг учун алоқа воситалари кўпинча бозор инфратузилмаси элементи сифатида қаралади.

Инфратузилма тармоқларининг ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг умумий ҳолатига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳажми, тузилиши ва жойлашишига, хизмат кўрсатилаётган ҳудуднинг катталигига, аҳоли сони ва зичлигига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам инфратузилма тармоқлари, жумладан, алоқа тармоқлари учун хизмат кўрсатаётган тармоқлар ривожланиш даражаси билан уларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти ҳолати ўртасидаги маълум мутаносибликнинг сақланиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари тегишли инфратузилмаларга эга. Айни пайтда, инфратузилмалар мамлакатнинг барча корхоналари, тармоқлари, минтақалари билан кўп томонлама муносабатларда бўлишлилиги билан ажралиб туради. Улар хизматларини истеъмол қилишда умумийлик кузатилади. Табиатан, инфратузилмалар кенг қамровлилик хусусияти билан ажралиб туради.

Инфратузилма хизматларидан фойдаланишнинг кенг қамроқлилиги, унинг тармоқ тузилишини белгилайди. Бу хусусият инфратузилманинг ишлаб чиқариш фондлари таркибида тузилмалар ва узатиш қурилмаларининг салмоқли улуши билан боғлиқ бўлиб, бу моддий-техника базасининг юқори капитал сиғимига, уни яратиш ва фойдаланишнинг узоқ муддатларига олиб келади.

Бундай объектив мавжуд вазият ишлаб чиқариш инфратузилмасининг энергетика, транспорт, алоқа каби муҳим тармоқлари фаолиятининг кўплаб соҳалари монополист сифатида қаралиб, рақобатни яратиш техник жиҳатдан имконсиз ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигига олиб келди.

Бинобарин, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши керакки, инфратузилма хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнининг барча иштирокчилари, шунингдек, бутун жамият манфаатлари энг юқори даражада кузатилиши керак.

Ишлаб чиқариш ва социал инфратузилманинг кўпгина тармоқлари унинг турли таркибий қисмлари томонидан бажариладиган бир хил турдаги функцияларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, бу уларнинг ўзаро ўрин алмашинишини ва бир-бирини тўлдиришини олдиндан белгилаб беради.

Масалан, ҳужжатли хабар – почта алоқаси, электр почта, телеграф, телефакс орқали узатилиши мумкин бўлганлиги сабабли, улар маълум даражада бир-бирининг ўрнини босиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда, хабарнинг бир шаклига бўлган эҳтиёж бошқасига бўлган талабни камайтиради ва тармоқнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилади.

Шаҳарлараро ва маҳаллий телефон алоқалари бир-бирини тўлдиради, чунки фойдаланувчилар учун маҳаллий телефоннинг мавжудлиги, уларнинг шаҳарлараро алоқа каналларига кириш имкониятини оширади ва керакли абонент билан автоматик уланиш имкониятини беради. Бу шаҳарлараро телефон станциясининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда ва ушбу алоқа тармоғидаги ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилайди.

Кўриб чиқилаётган хусусиятлар, тармоқнинг айрим тузилмаларини ривожлантириш нисбатларини таъминлаш ва алоқа турларини кенгайтириш – хизматларга жорий ва келгусида бўладиган талабларни аниқлаш маркетинг тадқиқотлари асосида бўлишини, тармоқ ичидаги тузилмаларни оптималлаштириш ва келгуси ривожланишни таъминлаш учун ишлаб чиқариш қувватларининг оптимал захираларини яратишни белгилайди.

Инфратузилманинг муҳим хусусиятларидан бири – фаолияти самараси ушбу тармоқдан ташқарида, яъни хизматларни истеъмол қилувчиларда ҳам бўлишидадир. Бу эса алоқа ва бошқа инфратузилма тармоқларини замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи сифатида тавсифлайди, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш устувор давлат вазифаси бўлиши керак.

Алоқанинг инфратузилмавий хусусияти унинг 20-аср охиридаги технологик ва ахборот инқилоблари маҳсули бўлган Глобал ахборот инфратузилмасидаги алоҳида ўрнини ҳам белгилайди.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида алоқа, нафақат, тобора ортиб бораётган ахборот оқимларини узатиш воситасига айланмоқда, балки телекоммуникация[33] воситаларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар: электралоқалар, ахборот технологиялари ва бир қатор почта хизматларининг ўзаро кириб бориши ва ички умумийлигига асосланган сифат жиҳатидан янги тармоқ тузилмасига айланиб бормоқда. Бу жараён "конвергенция" (яқинлашув, қўшилиш) деб номланади ва у иқтисодиётда янги тармоқнинг – ахборот-коммуникация (инфокоммуникация)лар тармоғининг шаклланишини белгилаб берди.

Конвергенция алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг барча жиҳатларини, жумладан, хизматлар, тармоқлар, ускуналар, технологиялар ва эксплуатацияни қамраб олади.

Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида гибрид, конвергент маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шарт-шароит яратилмоқда. Бунда, нафақат, уларнинг таркибий элементларининг хусусиятлари, балки "синергетик самара"[34] деб аталадиган хусусият намоён бўлади ва ҳар бир алоҳида хизматнинг имкониятлари ортади. Натижада анъанавий хизматларнинг истеъмол хусусиятлари сезиларли даражада кенгаяди ва уларнинг тубдан янги турлари пайдо бўлади.

Шундай қилиб, маҳаллий рақамли биржалар анъанавий хизматдан ташқари, қўнғироқларни бошқа рақамга йўналтириш, хабарларни ёзиб олиш, кирувчи қўнғироқларни тақиқлаш ва бошқалар каби қўшимча хизматларни тақдим этади.

Тармоқ иерархиясининг турли даражаларида интеллектуал платформаларни жойлаштириш – операторларга, нафақат, маълум асосий ва

---

33 Телекоммуникация (теле... ва коммуникация) — сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва бошқв турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари

34 Синергия тушунчаси (юнон тилида) – ҳамжиҳатлик, биргаликдаги фаолият, кооперативлик, биргаликда ишлаш деган маъноларни англатади. Бунда яхлитлик ўз қисмлари йиғиндисидан катта бўлиб, бу синергетик қонуннинг моҳиятини англатади (1+1=3). Яъни, тизим элементларининг алоҳида фаолияти натижасидан уларнинг биргаликда, ҳамжиҳатликда ишлаши самараси юқори бўлади.

ёрдамчи хусусиятларга эга (масалан, бепул қўнғироқ, конференция қўнғироғи, телевидение, виртуал хусусий тармоқлар ва бошқалар) стандартлаштирилган янги хизматлар тўпламини тақдим этиш имконини, балки фойдаланувчилар томонидан муайян қўшимча хизматларни бошқариш имкониятини ҳам беради.

Конвергенцияга асосланган хизматларнинг “кучини” оширишга мисол сифатида мултимедиа коммуникацияларини келтириш мумкин, бунда алоқа сеанси вақтида ахборотни узатиш учун овоз, видео, график ва товушдан фойдаланиш мумкин.

Янги турдаги хизматлар ва иловаларни, жумладан, корпоратив ахборот тизимлари, электр банкинг, электр тижорат ва бошқаларни тақдим этувчи интернет тармоқларининг ривожланиши IP-телефони (Internet Phone) деб номланувчи анъанавий телефон хизматларини кўрсатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш имконини ҳам беради. IP-телефони хизматларининг ўзига хос хусусияти анъанавий телефонга нисбатан ўтказиш қобилиятини тежаш ҳисобига нисбатан арзонлигидир.

Кўчмас (стационар) ва мобил тармоқларнинг конвергенцияси ягона тармоқда кенг кўламли анъанавий ва янги хизматларни тақдим этиш имконини беради, бу эса уни фойдаланувчилар учун айниқса жозибадор қилади. Бундай конвергенция операторларга хизматларнинг кенгайтирилган кўламини шакллантириш, янги абонентларни жалб қилиш ва қўшимча даромад олиш ҳисобига рақобатбардош устунликларни беради. Шу билан бирга, кўчмас ва мобил тармоқларнинг конвергенцияси бажариладиган ишларни бирлаштириш ҳисобига умумий харажатларининг камайишига, хизматларнинг фаоллашувига, ходимлар меҳнатидан самаралироқ фойдаланишга олиб келади.

Бундан ташқари, “синергетик самара" туфайли ускуналарга ва дастурий таъминотга, масалан, биллинг (ҳисоб-китоблар)га[35], интеллектуал платформага ва ҳоказоларга инвестицияларни тежашга эришиш мумкин.

Шундай қилиб, АКТнинг жорий этилиши, тармоқлар, жараёнлар ва хизматларнинг конвергенсияси телекоммуникация бозори салоҳиятини сезиларли даражада кенгайтиради, янги хизматлар ва иловаларга барқарор ўсиб бораётган талабни келтириб чиқаради, оператор компанияларнинг даромадлари ва фойдасини оширишни таъминлайди.

Янги технологияларнинг ахборот-коммуникация (инфокоммуникация)лар иқтисодиётига таъсирининг ўзига хос хусусияти ҳам узатиш ресурслари, яъни телекоммуникациялар бирлиги нархининг доимий пасайиши ҳисобланади. Бу эса алоқа хизматлари тарифларини ахборотни узатиш масофасига камроқ боғлиқ қилади.

Алоқа тармоғи хизматларига талабнинг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилаётган шароитда, замонавий технологиялар негизида бирлик харажатларни камайтирадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш – телекоммуникация соҳасининг инвестицион жозибадорлигини оширади ва

[35] “Биллинг тизими” сўз бирикмаси негизида “биллинг” сўзи, ушбу сўз негизида эса “билл” сўзи ётади. Ушбу сўзлар дунё халқлари лексиконига инглиз тилидан кириб келган. Инглизча, «bill» рус тилида «счет», «вексель», «банкнота» мазмунида таржима этилган. Ўзбек тилида уни «ҳисоб», «ҳисобкитоб» мазмунида таржима қилиш мумкин.

тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг имкон қадар қисқа вақт ичида қайтарилишини таъминлайди.

Алоқа хизматларининг кўриб чиқилган хусусиятлари, тармоқдаги иқтисодий муносабатларнинг шаклланишига бевосита таъсир қилади, уни ривожлантиришнинг техник, технологик ва ташкилий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда ҳисобга олинади.

Э.Шавқиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.
А.П.Ҳазратов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИ ШАРОИТИДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИНГ ОШИШИ

Аннотация: Мақолада иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши шароитида алоқа тармоғи мавқенинг ошиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Тармоқ хизматларига бўлган талабнинг ошиши, унинг юкланиш даражасининг ортиб боришига таъсир этиши ва бундай шароитда истеъмолчиларга сифатли ва белгиланган меъёрда хизмат кўрсати учун тармоқнинг тайёр бўлишлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, тармоқ, алоқа, моддий, номоддий, рақамлаштириш, рақобат.

Аннотация: в статье рассматривается повышение позиций сети связи в условиях цифровизации экономики и ее специфических особенностей. Увеличение спроса на сетевые услуги, его влияние на увеличение уровня нагрузки, и в таких условиях потребителям демонстрируется готовность сети к качественному и установленному стандарту предоставления услуг.

Ключевые слова: Экономика, Сеть, коммуникация, материальное, нематериальное, цифровизация, конкуренция.

Annotation: The article discusses the increasing position of the communication network in the conditions of digitalization of the economy and its specific features. The increase in demand for network services, its impact on the increase in the level of load, and in such conditions, consumers are shown the readiness of the network for a high-quality and established standard of service provision.

Keywords: Economy, Network, communication, tangible, intangible, digitalization, competition.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти тамойилларига мувофиқ, мамлакатимизда, унинг макроиқтисодиётини ташкил этувчи алоҳида фаолият юритувчи соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Тармоқ – маълум бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, ўзига хос технологияларга ва профессионал малакага эга ходимлар бўлган корхоналар йиғиндисидир.

Табиийки, у ёки бу тармоқнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти жамият (юридик ва жисмоний шахслар) эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулот, товар ва хизматларнинг айрим турларини яратиш билан боғлиқ.

Миллий иқтисодиёт тизимида алоқа тармоғи ўз ўрнига ва мавқега эга. У ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи: ҳар хил турдаги маълумотлар ва хабарларни узатишда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган тармоқдир. Шу сабабдан ҳам унга

номоддий хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи – жамият инфратузилмасининг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Алоқа тармоғининг муҳим хусусиятларидан бири, унинг таркибига кирувчи почта хизматларининг аксарият қисми моддий кўринишда бўлса, электр хизматлар номоддий кўринишда бўлади.

Электр алоқа хизматларини ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат объекти – ахборотдир. Алоқа ходимлари, меҳнат воситалари ёрдамида, унга таъсир ўтказишади. Бунинг натижасида у катта фазовий кенгликда ёйилади ва истеъмолчиларга етказилади. Айнан шу жараёнда алоқа ходимларининг меҳнати янги қийматни яратади.

Алоқа тармоғининг маҳсулоти – бу хизматлардир. Бу маҳсулотларни миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан қиёслаганда ўхшашликларни ҳамда фарқларни кўриш мумкин.

Электр алоқа хизматини истеъмол қилиш жараёни, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар)ларини истеъмол қилиш ҳолатига ўхшаш: истеъмол қилинган алоқа хизматининг ҳақи, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таннархига киритилади.

Электр алоқа хизматларидан аҳоли (шахсий истеъмол учун) фойдаланганда эса, хизмат нархи – уни истеъмол қилиш баробарида йўқолади.

Электр алоқа тармоғи маҳсулотининг бошқа тармоқлар маҳсулотларидан фарқ қиладиган асосий жиҳати – моддий кўринишга эга эмас. Аммо, у (телефон алоқалари, видео, телевидение ва радиоэшиттириш орқали) моддий неъмат ишлаб чиқараётган субъектлар фаолиятининг пировард натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Тармоқ маҳсулотининг моддий кўринишга эга бўлмаслиги сабабли, уни омборда сақлаб, кейинчалик сотувга чиқариш мумкин эмас.

Электр алоқанинг ўзига хос жиҳатларидан бири – тармоқнинг хизматлар билан доимо бир маромда (бир текис) юкланмаслигидадир. Бу истеъмол қилувчиларнинг (айниқса аҳолининг) кун ёки ой давомида алоқа хизматларидан бир текис фойдаланмаслиги билан боғлиқ.

Айрим кун ёки ойларда истеъмолчиларнинг алоқа корхоналари хизматларига бўлган эҳтиёжининг ошиши – тармоқнинг юкланиш даражасини оширади. Шу сабабдан, бундай ҳолатларда ҳам, истеъмолчиларга сифатли ва белгиланган меъёрда хизмат кўрсатиш учун тармоқ корхоналари тайёр бўлмоғи зарур. Бу эса, табиийки, уларнинг қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринларига эга бўлишларини зарурият қилиб қўяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, алоқа хизматларига хос бўлган хусусият – ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларининг ажралмаслиги, одамларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги ҳамда шахсий ҳаётидаги жараёнлар ритми (мунтазамлиги)нинг ўзгариб туриши алоқа тармоғининг юкланиш даражасининг нотекис бўлишлигига олиб келади.

Тармоқнинг юкланиш даражаси пасайганда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси ҳам пасаяди. Бу эса алоқа хизмати корхоналарининг кўплаб иқтисодий кўрсаткичларининг ёмонлашишига – меҳнат

унумдорлигининг пасайишига, хизматлар таннархнинг ошишига, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайишига олиб келади

Иқтисодиётнинг рақамлаштириши шароитида алоқа хизматларига талабнинг ортиб бориши муносабати билан алоқа соҳасида узоқ муддатли ривожланиш учун ишлаб чиқариш қувватлари захираларининг яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда алоқа тармоғи субъектлари истеъмолчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари захираларини яратиш, алоқа операторлари иш ҳажмларини оптималлаштиришга, камроқ харажатлар билан кўпроқ натижаларга эришишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга интилишлари лозим.

Бунинг учун алоқа корхоналари – хизматларнинг нотекис юкланиши, улар фаолияти самарадорлигига таъсирини камайтириш борасида қуйидаги ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур бўлади:

- асбоб-ускуналар ва коммуникация тармоқларини лойиҳалашда ва ходимлар сонини ҳисоблашда, уларни иш жойларига тўғри жойлаштиришда нотекис юкни ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш сифатининг илмий асосланган меъёр ва стандартларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ходимларининг сменалари ва таътилларининг оптимал жадвалларини тузиш;
- иш куни тартибини мувофиқлаштириш;
- мослашувчан тариф сиёсатини юритиш ва бошқалар.

Электр алоқа хизматлари меҳнат объекти сифатида – алоқанинг ишлаб чиқариш жараёни фақат фазовий ҳаракатда бўлади. Бунда меҳнат объекти моддий ўзгаришлар (механик, кимёвий ва бошқалар)га дучор бўлмайди. Чунки, ҳар қандай ўзгаришлар ахборотнинг бузилишига, истеъмол хусусиятларининг ва истеъмол қийматининг йўқолишиг олиб келади ва истеъмолчига зарар етказилади.

Шунинг учун ҳам ахборот (хабар)ларни узатишнинг ишончлилиги, уларни қайта ишлаб чиқаришнинг тўғрилиги ва ахборотни узатиш жараёнида унинг истеъмол хусусиятларини белгиловчи барча сифат ва миқдорий ўлчамлари алоҳида аҳамиятга эга. Бунга эса, яъни алоқа хизматларининг сифат кўрсаткичларига қатъий риоя этилишига, алоқа тармоқларида фақат сертификатланган ускуналардан фойдаланиш, ахборотни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилаоладиган замонавий тизимларни қўллаш, унинг барча босқичларида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг илғор технологиялари ва усулларини жорий этиш орқалигина эришиш мумкин.

Электр алоқанинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ахборот узатиш жараёни доимо икки томонлама бўлади – ахборотни жўнатувчи ва уни қабул қилувчи ўртасида.

Иқтисодиётни рақамлаштириш мамлакатнинг аҳоли яшайдиган турли манзилларида абонентлар ўртасида маълумот узатиш заруриятининг ортиб бориши сабабли, ишончли ва кенг кўламли алоқа тармоғининг яратилишини талаб қилади.

Алоқа тармоғи – алоқа линиялари ва каналлари орқали ўзаро боғланган, ягона технологик жараёнда ўзаро алоқада бўлиб, ахборот узатишни таъминлайдиган операторлар, уларнинг филиаллари, таркибий бўлинмалари ва шахсий ёки жамоавий фойдаланиш учун мулжалланган алоқа шахобчалари йиғиндисидир.

Шуни қайд этиш лозимки, алоҳида бўлган алоқа оператори ҳар доим ҳам ягона хизмат кўрсатувчи провайдер бўлавермайди, у технологик занжирнинг маълум бир босқичларида (чиқиш, транзит, кириш) муайян ишлаб чиқариш функцияларини бажаради. Алоқа занжирида, унга кириш ва чиқиш манзиллари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида (истеъмолчиларни ўзаро боғлайдиган) алоҳида турли операторлар иш юритишади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб алоқа компаниялари фаолият юритишмоқда. Уларнинг истеъмолчиларга сифатли алоқа хизматларини кўрсатиш учун мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган операторларга, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган барча алоқа техник воситалари бўйича, уларни ташкил этиш ва эксплуатация қилиш қоидаларига ягона талабларни қўйилади. Иқтисодий нуқтаи назардан, бу хусусият телекоммуникация бозорида оралиқ истеъмол хизматларининг: ўзаро уланиш хизматлари ва трафикни узатиш каби махсус хизматларини юзага келтирди.

Алоқа тармоғининг ушбу хусусияти, алоқа хизматларини ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи барча операторларнинг, ҳалол рақобат тамойилларига амал қилган ва тижорат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик асосида умумий натижаларга эришиш учун махсус иқтисодий механизмдан фойдаланиш зарурлигини белгилаб беради.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва алоқа хизматларига бўлган талабнинг кун сайин ортиб бориши, тармоқда фаолият юритаётган субъектлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу ижобий ҳолат. Бу, биринчи навбатда, алоқа хизматларидан фойдаланувчиларга кенгроқ қўлайлик яратса, иккинчидан, алоқа корхоналари ўртасидаги рақобатнинг кучайишига, алалоқибат – истемолчиларга тақдим этилаётган хизматлар туринг кўпайишига ҳамда улар сифатининг яхшиланишига олиб келади.

III ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ”

Қ.Ж.Мирзаев - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кафедраси мудири, и.ф.д., профессор
М.Э.Аҳтамова - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил-тадқиқотчи

РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ЭКОТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Мақолада экотуризм самарадорлигини ошириш, саёҳлар оқимини кўпайтириш, миллий экотуризм маҳсулотини яратиш бўйича жахон тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш асосида мамлакатимизда туризмни барқарор ривожлантириш зарурлиги ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: экотуризм, экозона, миллий парк, табиат қўриқхоналари, туризм оқими.

Аннотация. В статье отражена необходимость устойчивого развития туризма в стране на основе повышения эффективности экотуризма, увеличения потока туристов, более полного и эффективного использования огромного туристского потенциала регионов с использованием мирового опыта создания национального экопродукта в туризме.

Ключевые слова: экотуризм, экозона, национальный парк, заповедники, туристический поток.

Annotation. The article reflects the need for sustainable development of tourism in the country based on improving the efficiency of ecotourism, increasing the flow of tourists, more fully and efficiently using the huge tourism potential of the regions using world experience in creating a national eco-product in tourism.

Key words: ecotourism, ecozone, national park, nature reserves, tourist flow.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиянинг учинчи устувор йўналишида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифаси белгиланди. Мазкур вазифанинг бажарилиши мамлакатимизда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, бунда экологик туризм самарадорлигини оширишга асосланиб, туристлар оқимини кўпайтириб ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотини яратиш бўйича мукаммал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда дам олиш хизмати иқтисодиётнинг йирик ва мустақил тармоғи бўлиб, унда банд аҳолининг 10-15% иштирок этади. Айни пайтда Ўзбекистонда 500 дан ортиқ туристик ташкилот ва фирмалар фаолият юритмоқда. Шу

туфайли экологик туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирда дунёдаги 124 та давлатда 2600 та қўриқланадиган табиий «майдончалар» бор. Бу қўриқхоналарнинг умумий майдони - 4 млн. км , ёки қуруқликнинг 3% ини эгаллайди. Бу борада жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, экотуризм ривожланган мамлакатлар, яъни Скандинавия ярим ороли, Канада, Коста-Рика, Кения, Танзания, Кариб денгизи ва Океания дунёда ўзининг табиий иқлим салоҳиятидан чет эллик сайёҳларни жалб қилишда ҳам, ички туризм оқимини кўпайтиришда янги имкониятларни очиб бериб келмоқда. Бироқ, табиий салоҳиятга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас - уни асраб-авайлаш ва барқарор ривожланиш учун бир қатор қўшимча саъй-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу борада жаҳон амалиётига кўра, қуйидаги йўналишларда соҳани ривожлантириш Ўзбекистон Республикасида экотуризм тараққий этишда янги имкониятларни белгилаб беради. Жумладан:

1) экологик туризмнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш (маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда);

2) бизнес ва тадбиркорликнинг ривожлантиришга асосланган экологик туризм соҳасида қулай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

3) экотуристлар эҳтиёжини максимал даражада қондиришни таъминлайдиган замон талабига мос кадрларни шакллантириш;

4) миллий ва халқаро экологик қонунчилик талабларига мос келадиган экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш;

5) потенциал экотуристлар орасида табиатни асраш ва экотуризм объекти жойлашган маҳаллий аҳолининг урф-одатларини хурмат қилиш зарурлиги ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш;

6) экотуризмни табиат мужизалари билан уйғулашган зиёрат туризми билан биргалакда ривожланишига алоҳида устивор бериш ва бошқалардан иборат.

Экотуризмни ривожлантириш юқорида баён қилинган йўналишлар ва чора-тадбирларга риоя қилишнинг ёрқин намунаси сифатида, Канада каби ривожланган мамлакатнинг тажрибасини қайд этиш лозим. Ушбу давлатнинг кўп қисми Арктика яқинида жойлашган бўлиб, Арктикада туризмни ривожлантиришга асос яратади, маҳаллий флора ва фаунанинг ноёб вакилларини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Арктика экозонаси экстремал табиий-иқлим шароитлари, минерал ва хом- ашё ва бошқа табиий ресурсларнинг ҳар хил ва муҳим захираларининг мавжудлиги, Арктика минтақалари аҳолисида маҳаллий аҳолининг юқори улуши, иқтисодий ва ижтимоий объектларнинг концентрацияси билан ажралиб туради. Канада миллий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёҳлик соҳаси давлат даромадидан 73,4 миллиард доллардан кўпроқ даромад келган. Бу ЯИМдаги қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг умумий улушидан олинган даромадлар билан тенгдир.

Экотуристларни энг асосий дам олиш ва табиатга саёҳат қилиш жойларидан бири ҳисобланган миллий парклар - бутун табиат мажмуаси инсонларнинг дам олиши учун хизмат қилади. Ов қилиш, дарахтларни кесиш ва

ўсимликларни пайҳон қилиш қатъиян ман қилинади. Экотуристлар учун ўта жозибали бўлган бугунги кунда очиқ турдаги туризм фаолияти йўлга қўйилган мамлакатларда 86 та миллий парк бор.

Табиат қўриқхоналари экологик туризмнинг энг катта, энг мақбул ресурси ва объекти ҳисобланади. Лекин, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда бу салоҳиятдан ҳанузгача етарлича фойдалангани йўқ. Аммо таъкидлаш жоизки ҳозиргача табиат қўриқхоналаридан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш йўллари ёки усуллари бўйича бу борадаги жаҳоннинг етакчи давлатларида ҳам тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

S.A.Iskhakova - Supervisor, PhD, assistant professor of Samarkand Institute of Economics and Service
J.I.Mamarizoev – gr. ik-220 of Samarkand Institute of Economics and Service

CREATING A BARRIER-FREE ENVIRONMENT IN HOTELS

Abstract: Based on the relevance of the issue discussed, this article provides guidelines for creating a barrier-free environment in the hotel, which will provide opportunities for people with disabilities to participate in the world of tourism.

Keywords: disabled person, barrier-free environment, accessible environment, hotel.

Аннотация: Исходя из актуальности обсуждаемого вопроса, в данной статье приведены методические рекомендации по созданию без барьерной среды в гостинице, которая обеспечит возможности участия людей с ограниченными возможностями в мире туризма.

Ключевые слова: инвалид, без барьерная среда, доступная среда, гостиница.

Аннотация: Муҳокама қилинаётган масаланинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақолада ногиронлиги бўлган одамларнинг туризм оламида иштирок этиши учун имкониятлар яратилишига хизмат қилувчи, меҳмонхонада тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича услубий кўрсатмалар берилган.

Калит сўзлар: ногирон, тўсиқсиз муҳит, қулай муҳит, меҳмонхона.

One of the factors determining the level of civility of society is its attitude toward people with disabilities. According to the World Health Organization, there are currently more than one billion people with disabilities in the world, representing about 15% of the world's population. The number of people with disabilities continues to increase due to an aging population and the global increase in chronic diseases. National patterns of disability are influenced by health conditions, as well as environmental and other factors, such as traffic accidents, natural disasters, conflicts, nutrition, drug addiction, etc.

At present, the world community recognizes the need for increased attention and care for those persons who are unable to provide for themselves due to objective reasons. The task of modern society is to ensure that people with disabilities have the same rights and responsibilities as other members of society. In all countries of the world there are still obstacles that prevent persons with disabilities from exercising their rights and freedoms fully and complicate their participation in public life. The position of disabled persons in society observed today is the existence of physical, economic and social barriers to the integration of disabled persons into society. This

once again confirms the urgency of the problems of ensuring the rights of disabled people. In this connection, it is the duty of society to take the necessary measures to remove barriers by providing equal opportunities, thanks to which various social systems of society, such as services, labor activity, information and transportation, will become accessible to persons with disabilities. Over the past 10 years, there has been a dynamic growth in this segment of the tourism market. People with disabilities increasingly want to travel, explore new countries and cities, although even abroad this area of tourism is not fully mastered to this day.

Based on the relevance of the issue discussed, this article provides guidelines for creating a barrier-free environment in the hotel, which will provide opportunities for people with disabilities to participate in the world of tourism. We want to give examples of barrier-free hotel grounds.

Development of the territory begins with parking. It is important to provide extended parking space for wheelchair users, but the main condition - the possibility of unimpeded exit in a wheelchair: no thresholds, curbs on the way. Entrance zone hotel, of course, should be equipped with a ramp (width 1-1,1 m, the angle of inclination of not more than 30-35 degrees). It is extremely important to provide the ability to elevator, but it is still necessary to place rooms for the disabled on the lowest floor, because in case of power failure or breakdown of the elevator will have to carry the guest on his hands. There should be free access to the room door (no obstacles on the way, widened doorways). Special railings and handrails should be installed throughout the entire travel area.

How to equip a room. In a room designed for guests with disabilities, it is necessary to provide complete absence of thresholds. All doorways must be at least 0.9 m wide. Doors are equipped with a magnetic stopper that allows them to be fixed in the open state. The area of the room exceeds the area of the usual "standard" - 28 square meters. The door peephole and chain should be located at the level of 1.2 m. But we must pay attention to the fact that people with disabilities, alas, do not often travel. So it is necessary to take care that the rooms designed for them in their absence were not idle, that they were comfortable and cozy for all guests: for example, the same peephole should be mounted and at a standard level.

It is very important to pay attention to the safety of the rooms: equip the corners of the room with protective panels (removable and replaceable), so that the stroller does not rip them off. If the room has a special place to store outdoor chair and at the same time the guest is given a special wheelchair to move around the body, it is easier for both the guest and the service staff.

It is better to set the TV on a rotating panel. The desk should be curved, so you can drive up in a wheelchair. Socket outlets and switches should be located at a height of 1-1.2 m. Closets should be equipped in a special way: place a coat rack at 1.1-1.2 m, for example a hinged one. As an alternative - a floor rack on wheels for a suit. Closet door, preferably of the "closet" type.

The room should also have additional pillows and "doormats" on the sofas and chairs. An extra blanket should be placed no higher than 1.2 m. Ideally, when rooms are equipped with special equipment for the transition from wheelchair to bed (photo), to which bedside handrails are designed.

Telephone in the room for people with disabilities should be portable. For the bathroom to be comfortable. To make a guest with disabilities feel comfortable in the bathroom, you must first of all consider the size of the room - it will have to unfold a wheelchair. The bathroom should have special handrails to facilitate the transition to the bathtub and to the toilet seat. The toilet bowl should be higher than usual. The sink, on the contrary, is designed lower than usual, it is better if it is curved in the center. The shower is mounted at a level of 0.9-1 m from the bottom of the bathtub. Mirrors, hair dryer, soap dispensers and shampoos are placed at the level of the sitting person.

It is extremely important to equip the bathroom with a call button for the maid. It should be noted that patience - this quality is most useful to the staff working with the disabled guest. In addition, staff should be specially trained to work with this category of guests.

So that the guest does not feel disadvantaged. Availability of rooms for guests with disabilities is not the only condition for a comfortable stay of such a guest in the hotel. In order not to make him/her feel uninhibited, it is necessary to provide an opportunity to move around the most significant areas of the hotel - restaurant, business, entertainment, etc. If the hotel is still unable to provide wheelchair access to the store or business center, you still need to find a way to provide them with all the necessary services.

Based on the study, it was concluded that when creating an accessible environment in hotels, attention should be paid to the requirements of regulatory documents, the needs of different categories of people with disabilities, safety issues arising in the service of "special" guests. It is also recommended that hotels adhere to the principles of universal design and provide staff training to adequately serve people with disabilities.

A.Yu.Talibova-– Samarqand iqtisodiyot va servis instituti o‘qituvchisi
R.S.Amriddinova- Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, i.f.n.

EKSKURSIYA XIZMATLARIGA BO'LGAN IJTIMOIY-MADANIY VA IQTISODIY EHTIYOJLARNING NAMOYON BO'LISHI VA QONDIRISHNING ASOSIY SHAKLLARI

Annotatsiya: Ushbu maqola ekskursiya xizmatlariga bo'lgan ijtimoiy-madaniy va iqtisodiy ehtiyojlarning namoyon bo'lishi va ushbu ehtiyojlarning qondirish shakllariga bag‘ishlangan.

Аннотация: Данная статья посвящена проявлению социокультурных и экономических потребностей в экскурсионном обслуживании и формам удовлетворения этих потребностей.

Abstract: This article is devoted to the manifestation of socio-cultural and economic needs for excursion services and the forms of satisfaction of these needs.

Kalit so‘zlar: ekskursiya xizmatlari, ehtiyoj, madaniy ehtiyoj, ekskursiya xizmatlari sifati, ichki va tashqi ma’lumot manbalari.

Ключевые слова: экскурсионное обслуживание, потребность, культурная потребность, качество экскурсионного обслуживания, внутренние и внешние источники данных.

Keywords: excursion services, need, cultural need, quality of excursion services, internal and external data sources.

Ilmiy-texnika inqilobi va odamlar farovonligining o'sishi sharoitida ehtiyojlarning o'sishi qonuniga muvofiq, ularning ehtiyojlari tez sur'atlar bilan yaxshilanmoqda. Bunday holda, quyi darajadagi ehtiyojlar tezda qondiriladi, yuqori darajadagi (ijtimoiy, madaniy, intellektual) talablar esa cheksizdir. Turistik va ekskursiya xizmatlari yuqori darajadagi ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan.

Jamiyatda “turizmdagi ijtimoiy-madaniy faoliyat” kabi tushuncha shakllangan. Shu bilan birga, ekskursiya faoliyati, jumladan, ekskursiya, sayohat, piyoda yurish, sayr qilishdan iborat bo‘lib, sanatoriy-kurort davolash, dam olish va turizmning ajralmas qismi hisoblanadi. Umuman olganda, bu fuqarolar madaniyatining muhim tarkibiy qismi bo'lib, sayohatlar va ekskursiyalar orqali jahon madaniy merosining eng yaxshi namunalari bilan tanishishni nazarda tutadi.

Xizmat funktsiyasini saqlab va takomillashtirgan holda ekskursiya xizmati o‘z mazmunini o'zgartirib, ijtimoiy, maishiy, diniy, kasbiy va siyosiy faoliyat bilan chambarchas bog'liqdir. Bu shaxsning shakllanishi va rivojlanishining shartlaridan biri bo‘lib, ko'p avlod xalqlarining madaniy faoliyati va tabiatning yaratilishi bilan aloqadordir.

Inson o'zining ijtimoiy-madaniy ehtiyojlarini atrofimizdagi dunyoni bilishda qondiradi, bu foydali faoliyat yoki bo'sh vaqtdan qiziqarli foydalanish hisoblanadi.

Madaniy ehtiyojlarni qondirishda odamlarning xulq-atvoriga ijtimoiy-madaniy ta'sirning turli jihatlari ma'lum. Ba'zi ekspertlar ijtimoiy-madaniy faoliyatni shaxsning kasb tanlash erkinligini amalga oshirish, qadriyatlarga yo'naltirilganlik, boshqalari esa shaxsni ijtimoiylashtirish, ekskursiya agentliklari, turistik korxonalar, kurortlar xodimlarining kasbiy mahoratini oshirish, ta'lim samaradorligini oshirish bilan bog'lashadi.

Ekskursiyalar, sayohatlar, kruizlar, turizm ijtimoiy-madaniy faoliyat sifatida sayyohlar va ekskursantlarga mamlakatimiz va jahon xalqlarining madaniy faoliyati merosi bilan tanishish, ularning ijtimoiy, madaniy va intellektual ehtiyojlarini qondirish imkonini beradi.

Ushbu sohadagi ijtimoiy-madaniy faoliyatni shaxsni ijtimoiylashtirish, odamlarni ijtimoiy tarbiyalash va ta'lim berishning umumiy tizimining mustaqil quyi tizimi sifatida ko'rish mumkin. Ekskursiyalar, sayohatlar, turistik tadbirlar orqali ijtimoiy (ommaviy) ta'lim - bu odamlarning ijtimoiy hayotga qo'shilishida zarur bo'lgan yordamning yo'naltirilgan va maqsadga muvofiq tizimi. Odamlarni ijtimoiy tarbiyalashning o'ziga xos maqsadlari tuzilmasida o'zaro ta'sirning ikki tomonini uyg'unlashtirish vazifasi birinchi o'ringa qo'yiladi – ya’ni muammolarni hal qilish manfaatlarida ekskursiyalarning tarbiyaviy ta'siri hamda muayyan shaxsni ijtimoiylashtirish mexanizmi.

Ijtimoiy-madaniy faoliyatning mohiyatini tushunish uchun "ijtimoiy-madaniy muhit" tushunchasi fundamental ahamiyatga ega bo'lib, u nafaqat professional madaniyat va san'at xodimlariga, balki yurtimiz va jahon xalqlarining madaniy merosi bilan tanishishda shaxsning intellektual rivojlanishiga xizmat qiladigan faoliyatdir.

Xizmat sifatini sub'ektiv idrok etish. Iste’molchi turistik va ekskursiya xizmatlarini sotib olish to‘g‘risida o‘z ehtiyojiga ko‘ra, ularning sifati, mazmuni,

yangiligi, modasi, reklama ta’siri, tejamkorligi, shuningdek ishonchliligiga e’tibor qaratgan holda qaror qabul qiladi.

Iste'molchilar odatiy eski tovarlarni emas, balki esda qolarli taassurot qoldiradigan va hayrat uyg'otishga qodir bo'lgan yuqori sifatli, yangi xizmatlarni xohlaydi. Shuning uchun turizm va ekskursiya tashkilotlari iste’molchilar xizmatlarni sotib olishdan oldin va keyin ulardan nimani kutishlarini, shuningdek, xizmat ko‘rsatish jarayonida ularning xizmatlarni idrok etishlarini va ular ko‘rsatilgandan keyin xizmatlardan qoniqish darajasini bilishlari kerak.

Turistga yoki ekskursantga (keyingi o'rinlarda ekskursiyachi deb yuritiladi) xizmat ko'rsatishning yakuniy natijasi uning unga ko'rsatilayotgan xizmatlar haqidagi sub'ektiv taassurotlari (idroklari), Robert A.Braymer tomonidan ijobiy yoki salbiy hissiy kayfiyat sifatida belgilagan xotiralaridir, xizmat ko'rsatish jarayonidan kelib chiqadigan munosabatlar natijasida xotirada qoladi. Ekskursant, aslida, unga ko'rsatilgan xizmatning psixologik va fiziologik ta'sirini eslay oladi.

Turistga yoki ekskursantga xizmat ko'rsatishning yakuniy natijasi unga ko'rsatilayotgan xizmatlar to'g'risidagi sub'ektiv taassurotlari (idroklari), xotiralaridir. Robert A.Brymer bu jarayonni xizmat jarayonidan kelib chiqadigan munosabatlar natijasida xotirada qoladigan ijobiy yoki salbiy hissiy holat sifatida belgilaydi. Ekskursant aslida, unga ko'rsatilgan xizmatning psixologik va fiziologik ta'sirini eslay oladi.

Ekskursant ekskursiya xizmatlarini sotib olishdan oldin tashkilot tomonidan taqdim etiladigan xizmatlarning mumkin bo'lgan sifati haqida ma'lum umidlarga ega bo‘ladi. Ushbu taxminlar reklama xabarlaridan olingan ma'lumotlar, tashkilot imidjiga asoslangan, hamkasblar va do'stlarning fikr-mulohazalari asosida shakllantirilgan bo‘ladi.

Biz sinfiy jamiyatda yashayapmiz, unda ijtimoiy qatlamlar o'rtasida obro'-e'tibor, ijtimoiy doira, madaniy xususiyatlar va moda odatlari jihatidan sezilarli farqlar mavjud. Nemis sotsiologi G. Simmel fikricha, modaning jozibadorligi uning a’zolaridan bir-biriga taqlid qilishni talab qiladigan ijtimoiy doira tomonidan qo‘llab-quvvatlanishidadir.

Jamiyatning quyi qatlamlari vakillari jamiyatning badavlat qatlamlarining moda odatlariga taqlid qila boshlaydilar, jumladan, modaga mos ravishda kiyinish, ko'ngil ochish, nufuzli kurortlarda dam olish, madaniy va estetik jihatdan mashhur joylarga tashrif buyurish va sh.k.

Moda yoshlarga alohida ta'sir ko'rsatadi, shu bilan birga zamonaviy moda odatlariga muvofiq o'z ehtiyojlarini qondirishga harakat qilayotgan jamiyatning boshqa qatlamlarini e'tiborsiz qoldirmaydi. Ammo modaga moyillik insonning xarakteriga, uning individualligi va mustaqilligiga bog'liq. Shuning uchun, moda tendentsiyalariga murojaat qilib, o'z didingizni rivojlantirish va o‘zligingizni saqlab qolish muhimdir.

Reklamachilarning fikriga ko'ra, reklama iste'molchiga ochiq bo'lgan oddiy tushunchalar bilan ta’sir etadi, chunki iste'molchining reklamani idrok etishi uning individual xususiyatlariga va kayfiyatiga bog'liq bo'lib, u yaxshilanishi kerak. Yaxshi kayfiyat reklamaning ishonchliligini oshiradi, yomon kayfiyat esa, aksincha, uni

kamaytiradi. Faqat bu holatda, agar reklama iste'molchini tur mahsulotini sotib olishga undasa, maqsadga muvofiqdir.

Iste'molchilar ekskursiya xizmatlarining iqtisodiy samaradorligi va ishonchliligini sub'ektiv ravishda qabul qiladilar. Shu bilan birga, ekskursiya xizmatlarining iqtisodiy samaradorligi ularning sifati va narxining mutanosibligini idrok etish bilan baholanishi kerak. 1-jadvalga ko'ra, ekskursiya xizmati iste'molchisi uchun qiymatni idrok etish past va yuqori sifat bilan yaxshi bo'ladi, agarda xizmat arzon yoki o'rtacha narxda bo'lsa. Shu bilan birga, agar xizmat sifati a'lo bo'lsa, lekin narxi yuqori bo'lsa, uning qiymatini idrok etish salbiy bo'ladi.

Ekskursiya xizmatlarining ishonchliligi xodimlarning vaqti va kayfiyatidan qat'i nazar, ularni sifatli taqdim etish imkoniyati bilan belgilanadi. Iste'molchi tomonidan xizmatlarning ishonchliligini baholashning sub'ektivligi ko'p jihatdan xodimlarning xizmat iste'molchilarining shaxsiy munosabatlariga bog'liq bo'lib, ular professional, do'stona, iste'molchiga imkon qadar yordam ko'rsatishga qodir, har qanday savolga javob berishga tayyor bo'lishi kerak.

1-jadval

Ekskursiya xizmatining sifati va qiymatini iste’molchilar tomonidan idrok etilishi

Korxona	Qiymatni idrok etish	Xizmat	Qiymat
1	yaxshi	Ekskursiya	Arzon, texnik sifati past, funktsional sifati past, qulay
II	yomon	Ekskursiya	Qimmat, mukammal texnik sifat, mukammal funktsional sifat, noqulay
III	yaxshi	Ekskursiya	O'rtacha narx, yaxshi texnik sifat, yaxshi funktsional sifat, qulay

Ekskursiya xizmatlari sifati haqida ma'lumot darajasi. Ekskursiya xizmatlarining sifati negizida iste'molchilarning fikri turishi lozim. Ekskursiya korxonalari o'z faoliyatida o'zlarining bevosita iste'molchilari, raqobatchi tashkilotlarning iste'molchilari, shuningdek, ushbu tashkilot xodimlari bo'lgan ichki iste'molchilarning fikr va istaklarini hisobga olishlari kerak. Xizmat ko'rsatish jarayonidagi har qanday takomillashtirish ushbu mijozlar guruhlarining fikr va istaklarini o'rganishdan boshlanishi maqsadga muvofiqdir

Ekskursiya korxonasi o'zining kundalik faoliyati davomida tashqi va ichki iste'molchilarning fikrlari va kayfiyatidagi o'zgarishlarni asta-sekin yig'ishi, umumlashtirishi va tahlil qilishi, shuningdek, doimiy ravishda kuzatib borishi kerak. Bunday faoliyatni amalga oshirish uchun ekskursiya korxonalari qo'llaniladigan tahliliy usullar majmuasi bilan birga doimiy yangilanib turuvchi ma'lumotlar bazasiga ega bo'lishi zarur.

Ushbu ma'lumotlar bazasini tahlil qilish quyidagilarga imkon beradi:

• boshqaruvning barcha darajalarida ekskursiya firmasi faoliyatining kuchli va zaif tomonlarini aniqlash;

• iste’molchilarning didi va xohishidagi o‘zgarishlarni aniqlash;

• texnik xizmat ko'rsatish jarayonini sozlash uchun sharoit yaratish;

• sifatni yaxshilash borasida amalga oshirilgan ishlar natijasini monitoring qilish;

• xodimlarni rag‘batlantirishning samarali tizimi uchun asos yaratish;

• raqobatchilarga nisbatan sifatni yaxshilash masalasidagi korxona samaradorligini aniqlash.

Sifat borasida qaror qabul qilish uchun foydalaniladigan barcha ma'lumot manbalarini ichki va tashqiga bo'lish mumkin.

Ekskursiya korxonalari faoliyatini tashkil etishda tashqi ma'lumot manbalari bozor sharhlari va ommaviy ochiq matbuotning tahliliy materiallari, raqobatchilarning reklamalari tahlili, statistik ma'lumotlar, buyurtmali marketing tadqiqotlari yoki maxsus agentliklarning sharhlari, ekspert xulosalari, raqobatdosh korxonalarning statistik va moliyaviy hisobotlari materiallari, standartlar va boshqa me'yoriy hujjatlar ko‘rinishidagi ma'lumotlar bo'lishi mumkin.

Ichki ma'lumotlarning muhim manbalari ishlab chiqarish va sotish statistikasi bo'lib, ular eksskursiya xizmatlarini tayyorlashdagi muammolarni aniqlash uchun ishlatilishi mumkin; ularning narxi va sifatini tahlil qilish, mavjud iste'molchilar guruhlarini aniqlash; tashkilot faoliyatining oldingi davrlari uchun tadqiqotlari va hisobotlari, shu jumladan marketing muhitini doimiy o'rganish, yangi texnologiyalardan foydalanish, yangi ekskursiya xizmatlarini ishlab chiqarish bilan bog'liq biznes loyihalarni amalga oshirish bo'yicha ilgari tuzilgan hisobotlar; moliyaviy hisobotlar, shu jumladan balans, korxona faoliyatining asosiy ko'rsatkichlaridagi o'zgarishlarni dinamikada kuzatish imkonini beradigan daromadlar to'g'risidagi hisobot va ularga qo'shimchalar; xizmatlarni sertifikatlash jarayoni bilan bog'liq hujjatlar va sh.k.

Shu bilan birga, korxona xodimlaridan so'rovnoma o‘tkazish va intervyu natijalariga alohida e’tibor qaratmoq zarur. Ularga asoslanib, rahbariyat va oddiy xodimlar sifat sohasidagi amaldagi strategiyani qanchalik to'g'ri tasavvur qilishlari, uning faoliyatini yaxshilash va raqobatbardoshligini oshirish uchun korxonada qanday o'zgarishlar qilish lozimligi, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish uchun qanday choralar ko'rish kerakligini aniqlash mumkin. mijozlarning ko'rsatilayotgan xizmatlardan qoniqish darajasini aniqlab olishlari imkonini beradi.

Ekskursiya korxonasining raqobatbardoshligini baholash uchun sifat ko‘rsatkichlarini belgilashda amaldagi qonun hujjatlari, O‘zbekiston Respublikasi hukumatining farmoyishlari, davlat standartlari, jamoat tashkilotlari standartlari, sertifikatlashtirish qoidalari va boshqa me’yoriy hujjatlarga ham e’tibor qaratish lozim.

З.И.Абдуллаева - старший преподаватель Самаркандского института экономики и сервиса

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СТАТИСТИКИ ТУРИЗМА

Аннотация: В данной статье рассматривается история становления современной статистики туризма за рубежом и в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: статистика, туризм, потребность, стандарт, миссия, доход, зарубежные страны.

Annotatsiya: Ushbu maqolada xorijda va O‘zbekiston Respublikasida zamonaviy turizm statistikasining shakllanish tarixi muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: statistika, turizm, ehtiyoj, standart, missiya, daromad, xorijiy davlatlar.

Abstract: This article discusses the history of the formation of modern tourism statistics abroad and in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: statistics, tourism, need, standard, mission, income, foreign countries.

История становления современной статистики туризма неразрывно связана с развитием статистической науки в целом, а также с историей самого изучаемого явления - туризма. Исходя из выполняемых статистикой функций и методов их реализации в истории статистики принято выделять четыре периода: - 3000 г. до н.э. - середина XVII в., 1654-1746 гг., 1747-1899 гг., 1900 г. - настоящее время.

Регулярный учет туристских потоков в странах Европы начался с конца 20-х гг. XX в. В 1929 году Австрию посетили 2 млн. туристов, Швейцарию - 1,5 млн., Италию - свыше 1 млн.. Правда, официальная статистика туризма, получив мощный толчок к «самоопределению», еще окончательно не выделилась. Часто сбор и обработка статистических сведений о туристах осуществлялись в более общих целях – в интересах национальной безопасности, контроля над миграционными процессами и соблюдения налогового законодательства. В таких случаях собственно туристские цели отходили на задний план.

Туристы учитывались наряду с другими путешествующими лицами и не выделялись в качестве особой категории. Кроме того, статистический учет охватывал только иностранных туристов и не распространялся на внутренний туризм.

В XXI веке работы по созданию стройной системы статистики туризма продолжились. Необходимость в ней возрастала в связи с рядом новых обстоятельств, прежде всего раскрытием многогранной роли туризма в современном мире.

В настоящее время растет потребность в предоставлении единой последовательной и интегрированной информации о туризме, специальной системе «туристского» счетоводства. После изменения статуса ЮНВТО и преобразования ее в специализированное учреждение ООН на нее была возложена особая миссия - координировать деятельности всех учреждений и организаций в части сбора статистических данных о туризме.

Непосредственным толчком к совершенствованию статистики туризма в 2000 гг. послужило обновление основных международных стандартов в области национального счетоводства.

Туристская поездка является базовым понятием и единицей наблюдения в статистике туризма. Несмотря на существующие различия между понятиями посетителя и туристской поездки, они являются смежными и тесно связаны друг с другом. Более того, туристская поездка определяется через понятие посетителя.

Согласно Концепции туристской поездки, разработанной ЮНВТО, а также согласно IRTS-2008 (Международные рекомендации по статистике туризма), туристская поездка – это поездка, совершаемая посетителем. Туристская поездка подразумевает путешествие посетителя с момента его отъезда с постоянного места проживания до момента возвращения.

Для характеристики туристских поездок и их группировки ЮНВТО предложила ряд признаков:

- основная цель поездки;
- продолжительность поездки или посещения;
- место начала поездки и место назначения;
- виды используемых транспортных средств;
- виды размещения.

Резюмируя можно сказать, что туризм – явление сложное, многогранное, для анализа которого требуется качественная информация. Статистическое измерение туризма связано с определенными трудностями, проистекающими, в частности, из его межотраслевого характера.

В качестве дополнительных мер, которые позволять улучшить статистику туризма в Узбекистане и приблизить ее к международным стандартам можем назвать следующих нескольких направлений деятельности.

Первое. Совершенствование нормативно-правовой базы на государственном уровне. В первую очередь, необходимо четко определить обязательства частных и государственных предприятий по представлении статистических отчетов в Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.

Органы статистики имеют мало возможностей для того, чтобы применять штрафные санкции против предприятий и настаивать на их представлении в судебном порядке. Кроме того, обязанности предприятий, принадлежащих частным лицам или являющихся субъектами малого бизнеса, по представлению статистической информации еще менее значительны.

В этой связи целесообразно принятие законодательного акта в области статистики, в котором были бы четко прописаны эти вопросы.

Второе. Устранение различий в определении международных туристских терминов и понятий.

Пока еще в Республике отсутствует последовательное применение определений международных туристских стандартов и терминов, принятых ЮНВТО, в том числе: статистическая отчетность туристских услуг и вспомогательные счета туризма.

Наиболее сильное расхождение наблюдается в определении целей поездки. В Республике на пограничных пунктах используются следующие категории целей поездки: 1) служебная; 2) посещение родственников; 3) учеба; 4) лечение; 5) работа; 6) постоянное место жительство; 7) туристическая; 8) коммерция (бизнес).

Между тем в гостиницах и аналогичных средствах размещения проживающих классифицируют по другим группам целей, которые намного ближе соответствуют их перечню в международных рекомендациях: 1) досуг/отдых; 2) деловая и профессиональная; 3) лечение; 4) другие цели.

Третье. Более активное распространение статистики туризма. Эта деятельность должна преследовать как цели более активного использования информации в процессе планирования и маркетинга на предприятиях туристской индустрии, так и цели повышения заинтересованности в получении качественных данных.

Если отечественные предприятия сферы туризма будут своевременно получать обобщенные статистические отчеты, то повысится уровень их понимания и ответственности за представление точных исходных данных.

Четвертое. Усиление взаимодействия между государственными органами в сфере статистики и туризма. На сегодняшний день уровень взаимодействия и сотрудничества между государственными органами по статистике и туризму недостаточен, особенно на региональном уровне. Необходимо, чтобы и статистические службы, и туристские администрации понимали запросы и требования другой стороны и обеспечили регулярный взаимный обмен информацией.

Пятое. В целях централизации, анализа, учета и информации по туризму, необходимо активное внедрение информационно-коммуникационных технологий в данную сферу. Путем широкого использования возможностей современных программных продуктов создать базы информационных данных по туристам и туристским объектам Республики, с привлечением вновь созданных на базе Государственного комитета Республики Узбекистан по туризму подразделений – ГУП «Центр по диспетчеризации и обслуживанию туристов» на базе ГП «Центральное управление по диспетчеризации и обслуживанию туристов».

Международные аэропорты в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Ургенче, Нукусе являются воздушными воротами Узбекистана. В годы независимости наши исторические города Самарканд, Бухара, Хива, Термез признаны очагами древней цивилизации, внесшими достойный вклад в развитие мировой культуры. Они являются местом притяжения туристов. Также была заложена правовая база сферы, создана туристическая инфраструктура. Словом, в Узбекистане есть хороший потенциал для дальнейшего развития этой сферы.

Туризм всегда считался одной из отраслей, приносящих высокий доход. За последние годы доходы от туризма увеличились, и это является хорошей предпосылкой, чтобы подготовить туристическую отрасль нашей страны для более интенсивного развития.

В этом смысле изучение Комитетом по международным делам и межпарламентским связям исполнения законодательства о туризме в порядке контрольно-аналитической деятельности на примере наиболее туристических посещаемых регионов – Бухары, Самарканда и Хорезма явилось весьма актуальным. Ведется определенная работа по популяризации туристического и культурно-исторического потенциала Узбекистана, по организации публикаций в СМИ зарубежных стран с целью привлечения иностранных туристов.

В рамках деятельности Министерства иностранных дел, посольств и представительств за рубежом на регулярной основе проводятся презентации и брифинги, посвященные туристическому потенциалу Узбекистана.

Самаркандский институт экономики и сервиса, факультет международного туризма Ташкентского государственного экономического университета, филиал Сингапурского университета в Ташкенте, а также колледжи в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Ургенче осуществляют подготовку кадров для туристической отрасли и в сфере гостиничного хозяйства.

Ф.А.Бекназаров - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР

Аннотация: мақолада зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллари бўйича илмий-тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, туристик ресурслар, туризм турлари, зиёрат туризми, моддий-маданий мерос, туристик маҳсулот, туризм бозори, зиёрат турлари.

Аннотация: В статье представлены результаты исследования организационных, экономических и социальных факторов развития паломнического туризма.

Ключевые слова: туризм, туристские ресурсы, виды туризма, паломнический туризм, материально-культурное наследие, туристский продукт, рынок туризма, виды посещений.

Annotation: The article presents the results of a study of organizational, economic and social factors in the development of pilgrimage tourism.

Key words: tourism, tourist resources, types of tourism, pilgrimage tourism, material and cultural heritage, tourist product, tourism market, types of visits.

Дунёда туризм мамлакатлар иқтисодиётидаги барча тегишли инфратузилмаларнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда, замонавий туризм транспорт, овқатлантириш, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланади. Бу эса натижада туризмни иқтисодиётнинг юқори даромадли, стратегик тармоғига айлантиради.

Пандемиядан олдин, “2019 йилда дунёда 1,5 миллиард халқаро саёҳат амалга оширилган ва туризм жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 7%ини

таъминлаган. Аммо 2020 йилги пандемия асосидаги инқироз туфайли бутун туризм тармоғи том маънода ҳаракатсиз қотиб қолди. Жаҳон ялпи ички маҳсулоти пасайишининг 70%и туризмдаги йўқотишлар билан боғлиқ. Инқироз натижасида айнан туризм соҳаси энг кўп зарар кўрди. Бу нафақат соҳанинг ўзи, балки туризм тирикчилик манбаи бўлган ҳар бир киши учун оғир кечди”[36].

Тадқиқочи олимларнинг фикрича, хозирги кунда туризм соҳасининг тез суръатларда ўсиши, унинг бошқа тармоқ ва соҳаларга таъсири доирасининг кучайиши ҳамда бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Статистик ва таҳлилий маълумотларга кўра, туризм соҳаси иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳаларига ижобий таъсирини кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. “Туризм соҳаси маҳаллий аҳоли ёки хорижий фуқароларнинг ташриф буюрган мамлакат ёки минтақаларнинг тарихи, тарихий-архитектура объектларлари, урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, этнографияси билан танишиши, дам олиши ва даволаниши учун шароитлар яратиб беради ва шу орқали мамлакат ёки минтақа иқтисодиётига бевосита валюта оқимини олиб келади, маҳаллий аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга кўмаклашади”[37].

Дунё мамлакатлари каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш, туристик хизматлар сифати, самарадорлиги, ассортименти ва уларнинг экспорт хажмини ошириш замон талаби бўлиб қолмоқда. Кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаларига кўра туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда еттитагача янги иш ўрларининг яратилишига олиб келади. Шундай экан ушбу соҳада барқарор ўсиш суръатларига эришиш мамлакатимиз аҳолисининг иш билан бандлик даражасини оширишимиз имкониятини яратади.

Ўзбекистон - туризм соҳасида улкан салоҳият ва имкониятга эга мамлакат ҳисобланади. Шу туфайли, мамлакатимизда соҳа ривожи йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, Президентимизнинг 2016 йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4861-сонли ва 2018 йил 3-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5326-сон Фармонлари, 2018 йил 6-февралдаги “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3509-сон ва 2018 йил 7-февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”[38] ПҚ-3514-сон Қарорлари ҳамда “Ҳаракатлар стратегияси”[39]да ҳам соҳани ривожлантириш масаласининг қўйилганлиги

[36] https://news.un.org/ru/story/2022/01/1416522

[37] С.А.Абдухамидов. Минтақавий туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. С.: 2021 й.

[38] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2018 йилдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон Қарори.

[39] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

мамлакатимизда туризм соҳасини, унинг алоҳида турларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб ва бу орқали туризм соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди[40].

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы активизации системы стратегического управления инновационными процессами и более эффективной ее организации для обеспечения конкурентоспособности экономики в условиях углубления экономических реформ в Узбекистане.

Ключевые слова: Конкуренция, конкурентоспособность продукции, промышленные предприятия, менеджмент, инновации, инновационный менеджмент, инновационная деятельность.

Annotation: This article discusses the issues of activating the system of strategic management of innovation processes and its more effective organization to ensure the competitiveness of the economy in the context of deepening economic reforms in Uzbekistan.

Keywords: Competition, product competitiveness, industrial enterprises, management, innovation, innovation management, innovation activity

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётини таркибан янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса, аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарларининг ҳаётийлик даврини барқарор ўсиб боришини таъминловчи замонавий усулларни кенг кўламда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Натижада бозор ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши миллий корхоналарнинг иқтисодий тараққиётини моддий ресурслар асосида эмас, балки инновацион шаклда, рақобат муҳитини шакллантириш орқали амалга оширилишини заруратга айлантирмоқда.

Демак, ҳозирги кунда республикамиз саноат корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, рақобат муҳитини шакллантиришни давом эттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса, ҳозирги иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви ҳамда товарлар бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида янада долзарб масалага айланмоқда.

Замонавий ривожланиш ва унинг яқин келажакдаги истиқболининг ўзига хос хусусияти шундаки, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тобора зарурий воситага айланиб бормоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислоҳотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

Миллий корхоналарнинг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг рақобатбардошлик даражаси ва инновацион салоҳиятига бевосита боғлиқлиги, ҳозирда йирик корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда йирик давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар вужудга келди. Натижада мазкур корхоналар ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлди. Шу билан бирга нисбатан қисқа давр ичида, мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлган инновацион сиёсатни амалга ошириш механизмлари ишлаб

чиқилди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба конструкторлик ишлари ҳамда юқори технологик жараёнларни амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган турли шаклдаги корхоналар миллий иқтисодиётнинг истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажармоқда. Аммо корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимининг сустлиги корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш механизмларини самарали ташкил этишга, унга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва шу каби бошқа устувор вазифаларни ҳал этишни кечиктирмоқда.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, корхоналарда инновацион жараёнларнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш миллий иқтисодиётнинг рақобатчилик муҳитини вужудга келишини таъминлайди. Натижада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмуни нафақат бойитилади, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ҳамда ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратилади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам берилиб, корхона маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлиги ортади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ихтиёрий давлатда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ўша давлатда яратилган қулай ишбилармонлик ва бизнес муҳитига боғлиқ бўлади.

Фаолият юритаётган фирма, корхона, ташкилот ва корпорацияларнинг рақобатбардошлиги мамлакатнинг монополияга қарши кураш ва рақобат муҳитини яхшилаш тизимини самарали ишлашига боғлиқ. Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги хусусий мулкчиликнинг ривожланганлик даражаси, уни давлат томонидан кафолатлаш тизими ҳамда мамлакатнинг инновацион сиёсати ва кучли институционал муҳит даражасининг юқорилиги билан ҳам белгиланади.

Умуман олганда мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда қуйидаги асосий муаммоларга эътибор қаратиш лозим:

- биринчидан, мамлакатимиз бир қатор фундаментал фан соҳаларида катта салоҳиятга эга, аммо ушбу салоҳиятни ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ишга солиш механизми яратилмаган;

- иккинчидан, реал сектор корхоналарнинг инновацияларни қабул қилиш жараёнини паст даражада қолаётганлиги корхоналарда илғор технологияларга бўлган талабнинг сустлашишига олиб келмоқда;

- учинчидан, қулай ишбилармонлик ва бизнес муҳитини яратиш борасида камчиликларнинг мавжудлиги корхоналар рақобатбардошлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Келтирилган таҳлиллар ва олинган назарий билимларга таянган ҳолда корхонанинг инновацион мақсадлари, истиқболи ва узоқ муддатли инновацион стратегиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса ҳамда натижалари

мониторинги олиб борилса корхонанинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига олиб келади. Натижада корхонанинг инновацион муҳити шаклланади.

Хулоса қилиб айтганимизда корхоналарда инновацион фаолиятни амалга ошириш мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. Фикримизча, мамлакат ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион стратегияни шаклланишт механизми, унинг иқтисодий моҳияти ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўлларини ўрганиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш механизмларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради.

Б.О.Дусматов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD

ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун илмий асосланган прогнозларни ишлаб чиқиш зарурати. Шу билан бирга, давлат барча мулк шаклидаги мамлакат агросаноат мажмуаси корхоналарини инновацион ривожлантириш имкониятларини оширадиган зарур институционал муҳитни яратишга буйича илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: агросаноат корхоналари, инновацион хизмат, менежмент, инновация, инновацион бошқарув, инновацион фаолият.

Аннотация: В данной статье рассматривается необходимость разработки научно обоснованных прогнозов развития агропромышленного комплекса на основе эффективного использования инновационного потенциала национальной экономики. При этом даны научные рекомендации по созданию необходимой институциональной среды, которая повысит возможности инновационного развития предприятий агропромышленного комплекса страны во всех формах государственной собственности.

Ключевые слова: Агропромышленные предприятия, инновационные услуги, менеджмент, инновации, инновационный менеджмент, инновационная деятельность

Annotation: This article discusses the need to develop scientifically based forecasts for the development of the agro-industrial complex based on the effective use of the innovative potential of the national economy. At the same time, scientific recommendations were given on the creation of the necessary institutional environment, which will increase the possibilities for the innovative development of enterprises of the country's agro-industrial complex in all forms of state ownership.

Keywords: Agro-industrial enterprises, innovative services, management, innovations, innovative management, innovative activity

Ҳозирги жаҳон иқтисодий тизими чекланган ресурслар шароитида ҳосилдорликни мунтазам равишда ошириш зарурати билан ажралиб туради. Шунинг учун, ушбу тизимда унинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги муносабатлар ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мунтазам равишда қайта ташкил этилади. Бунга ҳар хил тармоқлар ва мамлакат

иқтисодиётининг турли тузилмавий босқичларида доимий инновациялар орқали эришилади.

Бундай шароитларда инновацион ривожланишсиз, асосий капитални тубдан янги, рақобатбардош асосда янгилашсиз мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш мумкин эмас. Шу сабабли, ишлаб чиқариш аппаратларини янгилаш масаласи иқтисодий сиёсат марказлашган тарзда ва асосан бюджет маблағлари ва вазирликларнинг маблағлари ва давлат маблағларидан фойдаланувчи сифатида фаолият юритаётган корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган эски ёндашувлар ёрдамида ҳал этилмайди. Эндиликда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга кўмак берувчи тадбиркорлик ва инновация жараёнлари каби янги соҳаларни шакллантириш ва ривожлантириш зарур.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун илмий асосланган прогнозларни ишлаб чиқиш зарурати аниқланди.

Минтақанинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлик даражасини таҳлил қилишнинг мақсади қуйидагиларни аниқлашни назарда тутади:

– минтақаларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлай олиш қобилияти, минтақа ҳукумат органларининг энг асосий масалани, яъни аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавсизлигини таъминлаш масаласи;

– алоҳида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида мавжуд рақобатли устунликларни ривожлантириш ва янгиларни яратиш учун зарур минтақавий омиллар билан таъминланганлик даражаси;

– минтақада янги юқори самарали рақобатбардош тармоқ ва агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ва уларни ташкил этиш имкониятлари.

Мазкур масаланинг миқёси ва мураккаблиги макондаги, тизимли, таркибий, таққослама, омилли таҳлил, индекс усули, корреляция-регрессион таҳлил, SWOT-таҳлил ва бошқаларни ўз ичига олган дастаклардан фойдаланишни талаб этади[51]. Минтақаларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларини таҳлил қилиш қуйидаги йўналишлар бўйича минтақанинг рақобатли устунликларни белгиловчи тармоқларнинг ўзига хос фаолият кўрсатиш шароитларини баҳолашни назарда тутади.

Ҳудудларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги бўйича таққослама баҳолаш учун (1-расмда) унинг энг муҳим тавсифлари келтирилган бўлиб, улар бўйича минтақада шаклланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш

[51] Джураева Р. «Приоритетные направления социально-экономического развития Республики Каракалпакстан на основе использования конкурентных преимуществ», Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: материалы V Форума экономистов/ Ташкент, 2013 с 380.

рақобатбардошлиги тузилмасини стратегик таҳлил қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.



1-расм. Минтақада шаклланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмасини стратегик таҳлил қилиш ва баҳолаш[52]

Шундай қилиб, минтақа агросаноат иқтисодиётида инновацион хизматларнинг такрор яратилиши ушбу хизматлар миқёси, ички таркиби ва муҳитининг турли-туманлигини акс эттиради, бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни таъминлаб беради.

[52] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

М.Э.Эрдонов Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатсаноат корхоналарини жадал ривожлантириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим стратегик вазифаси, мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришнинг асосий бўғини, аҳолини иш билан таьминлаш ва унинг даромадлари манбаи, миллий фаровонликни таьминлашнинг асосий йўллари ёритилган.

Калит сузлар: субьект, самарадорли, оптимал, тармоқлар, иқтисодий ресурслар, тараққиёт.

Аннотация: В данной статье выделена важная стратегическая задача устойчивого экономического развития, основное звено формирования валового внутреннего продукта страны, занятости и источников доходов, основные пути обеспечения национального благосостояния.

Ключевые слова: субъект, эффективный, оптимальный, сети, экономические ресурсы, развитие.

Annotation: This article highlights the important strategic task of sustainable economic development, the main link in the formation of the country's gross domestic product, employment and sources of income, the main ways to ensure national welfare.

Keywords: subject, efficient, optimal, networks, economic resources, development.

Маьлумки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субьектларининг, корхоналарнинг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Фақат турли мулкилик муносабатларига асосланган хўжалик орасидаги оптимал нисбатгина юқори самарадорли ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта имкон яратади. Айтиш мумкинки, иқтисодиёти барқарор ривожланган мамлакатларда бу масала этарли даражада ҳал этилган. Албатта ривожланган мамлакатларнинг бу ёьналишдаги тажрибасини тўғридан-тўғри, ҳеч бир ўзгаришсиз бошқа мамлакат иқтисодиётига жорий этиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакатда иқтисодиёт таркибини мулкчилик шакллари бўйича тузиш ўзига хос омилларни ҳисобга олишни тақоза этади.

Биринчидан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этишда мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳисобга олинади; иккинчидан, мамлакатнинг иқтисодий ресурслар (моддий ва меҳнат ресурслари) билан қанчалик таьминланганлик даражасига боғлиқ; учинчидан, тармоқлар таркибининг хусусиятлари, экспорт-импорт операцияларининг ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, мамлакатда ҳар хил даврда корхоналар таркибининг оптимал нисбати турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга, яьни кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш жараёни, кўпгина мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқли ўлароқ, босқичма–босқич ва давлат томонидан тартибга солиш асосида амалга оширилмоқда, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришга алоҳида эьтибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кўплаб ривожланган мамлакатлар юксак тараққиёт даражасига фан ва техника соҳасидаги энг сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламда жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожланиш босқичларини ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти ХВИ асрдан бошлаб иқтисодчи олимлар диққат марказида бўлиб келган. Қуйидаги Тадбиркорлик ва инновация тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини ва корхоналарини келтирамиз. Тадбиркорлик ва инновация фаолияти назариясига катта ҳисса қўшган австриялик иқтисодчи олим И.Шумпетер "тадбиркорлик - ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янги комбинатсияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таьминлайдиган киши", - деб таьрифлайди. Р.Хизрич тадбиркорликни инновация тушунчаси билан боғлаган ҳолда: "тадбиркорлик – қийматга эга бўлган янги нарсани яратиш жараёни бўлиб, тадбиркор эса бунда таваккалчиликни зиммасига олувчи кишидир", - деб талқин қилган. П.Друкер "тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ҳар бир имкониятдан максимал фойдаланувчи шахс", - деб тушунтиради. У инновацияларнинг айнан иқтисодий асосини таькидлаб, "тадбиркорлар инновация ёрдамида янги хизматлар ёки бизнес турини амалга оширади", - деган ғояни илгари суради.

Бунинг учун саноат корхоналари фан ва техникада эришилган сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эьтибор қаратишлари лозим.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва рақобат муҳити кучайиб бориши, бозор коньюктураси ва истемолчилар эҳтиёжлари тез ўзгариши жараёнлари ҳар бир хўжалик юритувчи субьектдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқаришни ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса саноат корхоналарнинг инновацион фаолиятини
ривожлантириш ва самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Саноат корхоналари инновацион фаолияти энг аввало, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеьмол ва сифат кўрсаткичларини доимий равишда ошириб боришни назарда тутади. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан униг бошқарув тизими самарадорлигига боғлиқ. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий – техник, интелектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самаралироқ фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Мукаммал рақобат жамият учун жуда кучли стимул бўлиб, ишлаб чиқариш ҳаражатларини минимумлаштиришга ва иш ҳақини унинг меьёрий унумдорлигига максимал яқинлаштиради.

Саноат корхоналари ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосидир. Саноат корхоналарини жадал ривожлантириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим стратегик вазифаси, мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришнинг асосий бўғини, аҳолини иш билан таьминлаш ва унинг даромадлари манбаи, миллий фаровонликни таьминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Саноат корхоналари фаолиятини мукаммал модернизатсия ва замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш долзарб масалага айланмоқда. Жаҳон иқтисодиётида инновациянинг ўрни ортиб бораётганлиги жараёнида саноат корхоналари корхоналари фаолиятида уни қўлламасдан туриб, илмийлик ва янгилик даражаси юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар яратишлари мумкин эмас.

Бозор иқтисодиётида саноат корхоналарининг инновацион фаолияти рақобат кураши учун самарали восита ҳисобланиб, янги истеьмолчиларнинг пайдо бўлишига, маҳсулотлар таннархини камайишига, инвеститсияларнинг кириб келишига, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар рейтингининг ошишига, ички ва ташқи янги бозорларни очишга ва эгаллаб олишга олиб келади. Ҳар қандай корхонанинг фаолияти юқори сифатли ва кам харажат талаб этадиган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилмаса, у ҳолда қанчалик муваффақиятли ривожланмасин, маьлум вақтдан кейин рақобатбардошлигининг сусайиши, бозордаги мавқеининг кучсизланиши ва оладиган фойдасининг ҳажми камайиши муқаррардир. Саноат корхоналари ижодий ва аниқ мақсад сари интиладиган кишилар учун ўз талент ва тажрибасини, инновацион ғояларини тўлиқ рўёбга чиқиши учун инкон берадиган соҳадир. Тарихдан маьлумки, айнан саноат корхоналарида вужудга келган инновацион ғоялар бугунги кунда дунёга машҳур йирик “Форд” автомобилъ компаниялари ва бошқаларнинг яратилишига асос бўлган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, айнан саноат корхоналарининг янги иш ўринларини яратишда, йирик корхоналар учун айрим зарурий ва бутловчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, янги товар ва хизматлар турларини оширишда, товарларни ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги роли йил сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида Хитойда юзага келиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси ошишининг олдини олиш мақсадида саноат корхоналарининг ривожланишига катта эьтибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда саноат корхоналарининг фаолияти юксак инновацион технологиялар асосида ташкил этилганлиги сабабли ҳам экспортга чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг асосий қисми айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу мамлакатда юксак

иқтисодий натижаларга эришишнинг асосий сабабларидан бири саноат корхоналарининг ривожланишига доир инновация сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигидир. Технологияларни узатиш соҳасида ҳуқуқий таъминлашнинг юқори даражада ташкил этилганлиги, янги технологияларни ўзлаштириш билан шуғулланадиган саноат корхоналарисубьектларини фойда солиғидан озод этиш ҳамда уларга имтиёзли кредит ва молиявий ёрдам бериш тизими илмий-техникавий потентсиалдан самарали фойдаланишни ва инновацион фаолиятдан юқори фойда олинишини таъминлади.

V ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАНК – МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”

Z.Sh.Haydarov - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, i.f.n
Sh.X.Raxmonov - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti magistranti

TIJORAT BANKLARINING INVESTITSION OPERATSIYALARINI BOSHQARISH: PORTFELINI SIFATI, MUAMMOLARI VA YECHIMLARI.

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqola tijorat banklarning investitsion operatsiyalarini boshqarish jarayonida investitsiya potrfelini sifati muammolari va echimlari bo`yicha takliflar va tavsiyalar berilgan.

**Kalit so`zla**r: investitsiya operatsiyalari, investitsiya sifatini tavsiflovchi ko`rsatgichlar, risk darajasini xalqaro bank me`yorlari, investitsiya portfelini diversifikatsiyasi.

Аннотация: В данной научной статье представлены предложения и рекомендации по качеству показателей, характеризующих инвестиции в управлении инвестиционными операциями коммерческих банков.

Ключевые слова: инвестиционные операции, показатели качества инвестиций, уровень риска, международные банковские стандарты, диверсификация инвестиционного портфеля.

Abstract: This scientific article presents proposals and recommendations on the quality of indicators characterizing investments in the management of investment operations of commercial banks.

Key words: investment operations, investment quality indicators, risk level, international banking standards, investment portfolio diversification.

Tijorat banki investor sifatida qimmatli qog‘ozlarni sotib oladi.Bank qimmatli qog‘ozlarni ikki maqsadda sotib oladi: likvidliligini ta‘minlash maqsadida; daromad olish maqsadida.

1-jadval ma`lumotidan ko`rinadiki, O`zbekiston bank aktivlarini umumiy hajmida qimmatli qog`ozlarda qilingan investitsiyalar 2021 yil 1 yanvar holatida 2,6% tashkil etgan, 2022 yilning 1 yanvar holatida umumiy hajmda 4,4% tashkil etdi. 2021 yil 2020 yilga nisbattan qimmatbaxo qog`ozlarga qilgan investitsiya o`sishi 2,1 marta tashkil etdi, ya`ni bankni aktivlar tarkibida eng yuqori o`sishga ega bo`lgan aktiv hisoblanadi. Ushbu holat O`zbekistonda tijorat banklarni qimmatbaxo qog`ozlarga qilingan investitsiya rivojlanishi endi o`z mavqiyiga va xalqaro andozalarga qarab asta - sekinlik bilan rivojlanish tendensiyaga ega bo`lmoqda. Bu esa o`z navbatida ushbu o`sib borayotgan tendensiya investitsiyalar portfelini boshqarish jarayonida sifatli ko`rsatgichlarini o`rganishga sabab bo`lmoqda.

O`zbekiston tijorat banklarining aktivlarini tarkibi					
Ko`rsatgichlar soni	01.01.2021 й.		01.01.2022 й.		2022-2021 y. O`sishi, foizda
	Mlrd, so`m	Ulushi, foizda	Mlrd, so`m	Ulushi, foizda	
Kassadagi naqd pul va boshqa to`lov hujjatlari	9 735	2,7%	10 686	2,4%	109,8%
Markaziy bankdagi mablag`lar	18 851	5,1%	31 515	7,1%	167,2%
Boshqa banklardagi mablag`lar-rezident	13 146	3,6%	13 302	3,0%	101,2%
Boshqa banklardagi mablag`lar-norezident	21 701	5,9%	25 074	5,6%	115,5%
Investitsiyalar va boshqa qimmatli qog`ozlar	9 448	2,6%	19 634	4,4%	207,8%
Mijozlarning moliyaviy instrumentlar bo`yicha majburiyatlari	1 576	0,4%	1 251	0,3%	72,4%
Kredit qo`yilmalari, (sof)	213	73,8%	382	71,1%	117,4%
Asosiy vositalar,(sof)	8 314	2,3%	11 032	2,5%	132,7%
Aktivlar bo`yicha hisoblangan foizlar	7 882	2,2%	9 387	2,1%	119,1%
Bankning boshqa xususiy mulklari	1 131	0,3%	1 339	0,3%	118,4%
Boshqa aktivlar	4 125	1,1%	5 320	1,2%	129,0%
Jami aktivlar	**366 121**	**100%**	**444 922**	**100%**	**121,5%**

1-jadval[53]

Tijorat banklarining investitsion operatsiyalarini boshqarish bir qator prinsiplarga tayanadi. Ana shunday muhim prinsiplardan biri bank investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish prinsipi hisoblanadi.

Korporativ qimmatli qog‘ozlar bilan amalga oshiriladigan operatsiyalari yuqori riskli bo‘lganligi sababli tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar portfelini diversifikatsiyalashga katta e‘tibor beradilar.

Tijorat banklari investitsion operatsiyalarini risk darajalari va daromadliligi o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlash prinsipi ham asosiy prinsiplardan biri hisoblanadi.

Qimmatli qog‘ozlarni investitsion jozibadorligi banklarni investitsion operatsiyalarini rivojlantirishda muhim o‘rin tutadi. Shu sababli, banklarni investitsiya portfelini daromadliligi va risk darajalari o‘rtasidagi mutanosiblikni

[53] cbu.uz ma`lumotlari

ta‘minlashda sotib olinadigan qimmatli qog‘ozlarni investitsion jozibadorligiga alohida e‘tibor qaratiladi.

Tijorat banklarini investitsiya portfelini sifatini baholashda xalqaro bank amaliyotida bir nechta ko‘rsatkichlardan foydalaniladi. Ulardan asosiylari sifatida quyidagilarni ko‘rsatish mumkin.

1. Bir emitentning qimmatli qog‘ozlariga qilinadigan investitsiyalarni maksimal miqdori. Tijorat banki tomonidan bir emitentning qimmatli qog‘ozlariga qilinadigan investitsiyalar summasi, bank birinchi darajali kapitalini 15 foizidan oshib ketmasligi kerak.

2. Oldi-sotdiga mo‘ljallangan qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalarni maksimal miqdori. Tijorat banki tomonidan oldi-sotdi uchun mo‘ljallangan qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalarni jami summasi bank birinchi darajali kapitalini 25 foizidan oshib ketmasligi kerak.

3. Barcha emitentlarni qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalarning maksimal miqdori. Tijorat banki tomonidan barcha emitentlarni qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalar summasi bank birinchi darajali kapitalini 50 foizidan oshib ketmasligi kerak.

4. Bank investitsiya portfelining daromadlilik darajasi. IPD = (P1 – P0) : P0 Bu yerda: IPD – investitsiya portfelining daromadlilik darajasi; P1 – investitsiya portfelining so‘nggi qiymati; P0 – investitsiya portfelining boshlang‘ich qiymati.

5. Investitsiya portfelining diversifikatsiya darajasi. Bir emitentning qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalarni investitsiya portfelidagi ulushi 7 foizdan oshib ketmasligi kerak.

6. Yuqori likvidli qimmatli qog‘ozlarni investitsiya portfelidagi salmog‘ini o‘zgarishi. Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklarini yuqori likvidli qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalari, bir tomondan, ularni joriy likvidliligini ta‘minlash imkonini bersa, ikkinchi tomondan, Markaziy bankning ochiq bozor operatsiyalari hajmini oshirish imkonini beradi.

Yuqori likvidli qimmatli qog‘ozlar sifatida, odatda, Hukumat tomonidan muomalaga chiqarilgan qimmatli qog‘ozlar, Markaziy bankini qimmatli qog‘ozlari va to‘lovi, Hukumat tomonidan kafolatlangan qimmatli qog‘ozlar kiradi.

Tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori likvidli aktivlar qatoriga kiritish mantiqan to‘g‘ri emas. Chunki tijorat qimmatli qog‘ozlari aniq moddiy kafolatga ega emas, ayniqsa, respublikamiz sharoitida ko‘plab korxonalarni qimmatli qog‘ozlari bo‘yicha to‘lovsizlik muammosi mavjud. Ana shu fikr tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori livkidli aktivlar tarkibidan chiqarib tashlash zarur deb hisoblaymiz.

Davlat qimmatli qog’ozlaridan ochiq bozor obyektlari sifaida foydalanish bilan bir vaqtning o’zida xalqaro reyting agentliklarining (Standart &Poortm, Moods, Fitch Reytings) yuqori kredit reytingiga ega bo’lgan (kamida VV reyting bahoga) tijorat banklari va korxonalarining qimmatli qog’ozlari (deozit sertifikatlari, jamg’arma sertifkatlari, obligasiyalari) hisobidan Markaziy bankning ochiq bozor operasiyalarini yo’lga qo’yish lozim.

Buning uchun zarur shart-sharoitlarni ham yaratish lozim. Masalan, tijorat banklarida, Markaziy bankga, pul-kredit organi sifatida, ishonch bo’lishi lozim.

Bundan tashqari, inflyasiya va milliy valyutaning qadrsizlanishi ta’sirida qimmatli qog’ozlarning real qiymati pasaymasligi kerak.

Mamlakatimizda uzatma tijorat veksellari, ya‘ni trattalar muomalasini mavjud emasligi Markaziy bankka diskont kreditlari berish imkonini bermaydi. Ushbu holat uzatma tijorat veksellarni O`zbekistonda joriy etishni taqqoza etadi.

Mamlakat Markaziy bankida lombard kreditlarining mavjud emasligi uni qayta moliyalash siyosatini samaradorligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi va mazkur kreditlarni berilmayotganini sababi Hukumatni qimmatli qog‘ozlarini emissiya qilishni kam miqdorda chiqarilgaligidadir. Chunki, Markaziy bank faqat hukumat qimmatli qog‘ozlarini o‘zining lombard kreditlari uchun garov obyekti sifatida tan oladi. Ushbu holat tijorat banklari investitsion operatsiyalarini daromadliligiga va ularni joriy likvidliligiga nisbatan salbiy ta‘sirni yuzaga keltiradi.

Respublikamiz tijorat banklarini investitsiya portfelida xorijiy valyutalarda emissiya qilingan qimmatli qog‘ozlar mavjud TIF Milliy bankida, Sanoat qurilishi bankida Ipoteka bankida. Bu esa, respublikamiz tijorat banklarini investitsiya portfelini moliyaviy risklarga ta‘sirchanligini pasayadi. Bunda inflyatsiya va devalvatsiya ta‘sirida banklarni qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalarini real qiymatini pasayish xavfi yuzaga kelmaydi.

Tijorat banklarini investitsion operatsiyalarini sifatli boshqarishda bir qator investitsion xalqaro amaliyotida mavjud menejment usullaridan foydalaniladi. Ana shunday usullardan biri bo‘lib, investitsion operatsiyalarni passiv boshqarish usuli hisoblanadi.

Investitsion operatsiyalarni passiv boshqarishda bank menedjerlari qimmatli qog‘ozlarni sotib olish to‘g‘risidagi qarorlarni ularning risk va daromad darajalarini baholashni umumqabul qilingan metodlari asosida qabul qiladilar. Bunday shakllantirilgan portfellarni bozor portfelini o‘ziga xos bo‘lgan surrogati sifatida qarash mumkin (index funds).

Passiv menedjerlar dastlab shakllantirilgan qimmatli qog‘ozlar portfelini samaradorligida yuqori bo‘lgan samaradorlikni ta‘minlashga intilmaydilar.

Investitsion operatsiyalarni passiv boshqarishni tayanch asoslari bo‘lib, quyidagilar hisoblanadi: mijozni hohishi; risksiz stavkani darajasi; riskni prognozi; daromadlilikni prognozi.

Banklarni qimmatli qog‘ozlar portfelini aktiv boshqarishda quyidagi ko‘rinishni oladi (2-jadval).

Ikkinchi ustunda portfelni aktiv boshqarish uchun qimmatli qog‘ozlarni haqiqatdagi salmog‘i ko‘rsatilgan. Uchinchi ustunda o‘rtacha bozor portfeli sifatida olingan dastlabki portfeldagi qimmatli qog‘ozlarni ulushi ko‘rsatilgan. Aktiv pozisiya qimmatli qog‘ozlarni haqiqatdagi portfeldagi ulushi bilan dastlabki portfeldagi ulushi o‘rtasidagi farq sifatida aniqlanadi va investisiya qilish to`g`risida qaror qabul qilindi.

2-jadval

Tijorat bankini aktiv usulda boshqarilayotgan qimmatli qog‘ozlar portfelini shakli

Qimmatli qog‘ozni nomi	Haqiqatdagi qimmatli qog‘ozlar portfelidagi ulushi	Bozor portfelidagi ulushi	Aktiv pozisiya
1	2	3	4
S1	0,30	0,45	- 0,15
S2	0,20	0,25	- 0,05
S3	0,50	0,30	0,20
Jami	1,00	1,00	0,00

Tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori likvidli aktivlar qatoriga kiritish mantiqan to‘g‘ri emas. Chunki tijorat qimmatli qog‘ozlari aniq moddiy kafolatga ega emas, ayniqsa, respublikamiz sharoitida ko‘plab korxonalarni qimmatli qog‘ozlari bo‘yicha to‘lovsizlik muammosi mavjud. Ana shu fikr va mulohazalardan kelib chiqqan holda tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori livkidli aktivlar tarkibidan chiqarib tashlash zarur deb hisoblaymiz.

Tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori likvidli aktivlar qatoriga kiritish mantiqan to‘g‘ri emas. Chunki tijorat qimmatli qog‘ozlari aniq moddiy kafolatga ega emas, ayniqsa, respublikamiz sharoitida ko‘plab korxonalarni qimmatli qog‘ozlari bo‘yicha to‘lovsizlik muammosi mavjud. Ana shu fikr tijorat qimmatli qog‘ozlariga qilingan bank investitsiyalarini yuqori livkidli aktivlar tarkibidan chiqarib tashlash zarur deb hisoblaymiz.

Mamlakatimizda uzatma tijorat veksellari, ya‘ni trattalar muomalasini mavjud emasligi Markaziy bankka diskont kreditlari berish imkonini bermaydi.Ushbu holat uzatma tijorat veksellarni O`zbekistonda joriy etishni taqqoza etadi.

Mamlakat Markaziy bankida lombard kreditlarining mavjud emasligi uni qayta moliyalash siyosatini samaradorligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi va mazkur kreditlarni berilmayotganini sababi Hukumatni qimmatli qog‘ozlarini emissiya qilishni kam miqdorda chiqarilganligidadir. Chunki, Markaziy bank faqat hukumat qimmatli qog‘ozlarini o‘zining lombard kreditlari uchun garov obyekti sifatida tan oladi. Ushbu holat tijorat banklari investitsion operatsiyalarini daromadliligiga va ularni joriy likvidliligiga nisbatan salbiy ta‘sirni yuzaga keltiradi.

Davlat qimmatli qog’ozlaridan ochiq bozor obyektlari sifaida foydalanish bilan bir vaqtning o’zida xalqaro reyting agentliklarining (Standart &Poortm, Moods, Fitch Reytings) yuqori kredit reytingiga ega bo’lgan (kamida VV reyting bahoga) tijorat banklari va korxonalarining qimmatli qog’ozlari (deozit sertifikatlari, jamg’arma sertifkatlari, obligasiyalari) hisobidan Markaziy bankning ochiq bozor operasiyalarini yo’lga qo’yish lozim.

Buning uchun zarur shart-sharoitlarni ham yaratish lozim. Masalan, tijorat banklarida, Markaziy bankga, pul-kredit organi sifatida, ishonch bo’lishi lozim. Bundan tashqari, inflyasiya va milliy valyutaning qadrsizlanishi ta’sirida qimmatli qog’ozlarning real qiymati pasaymasligi kerak.

Тураев А.А - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада солиқ тизими мамлакат иқтисодиёти ривожланишида модернизациянинг қанчалик таъсир этишини кўрсатиб беради.

Калит сўзлар. Солиқ, солиқ тизими, иқтисодиёт, модернизация, корхона, имтиёз, солиқ сиёсати.

Аннотация. В статье показано, как налоговая система влияет на развитие экономики страны через модернизацию.

Ключевые слова. Налоги, налоговая система, экономика, модернизация, предприятие, льготы, налоговая политика.

Annatation. This article shows how the tax system affects the development of the country's economy through modernization.

Keywords. Tax, tax system, economy, modernization, enterprise, privilege, tax policy.

Мамлакатимиз тараққиётини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилди[54]. Шу асосда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги 29 июндаги 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони қабул қилинди[55]. Ушбу концепциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ, Ҳаракатлар стратегияси ва унда кўзда тутилган, республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш яъни модернизациялаш, концепцияни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айни муддаоси бўлди десак муболаға бўлмайди.

Хозирги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш ётади.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади – мамлакат иқтисодиётини янгилаш, илм - фан ютуқларини тадбиқ қилишни талаб қиладиган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Иқтисодиётда солиқ муносабатларини такомиллаштириш модернизациялашнинг энг ёрқин кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу аввало, миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини беради. Шу боисдан ҳам солиқ муносабатларини оптималлаштириш ва бошқа

[54] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль

[55] Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида"[55]ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн

иқтисодий категориялар билан уйғунлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан биридир.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларига хизмат қиладиган солиқларни тартибга солиш масалалари энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт-импорт салоҳиятини тартибга солиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этишга хизмат қилади. Ваҳоланки, сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга молиявий муносабатларни тартибга солиш орқалигина эришилади.

Модернизация замонавий жамиятда инглиз тилидан “замонавийлаштириш” деган маънони англатади.

П.Штомпка модернизациянинг турли кўринишларини кўрсатиб ўтади:

- биринчидан, модернизация – жамият олдинга силжиётган бир пайтда прогрессив ижтимоий ўзгаришлар йиғиндисидир;

- иккинчидан, модернизация – етакчи ривожланган соҳа ёки мамлакатга етишиш учун қолоқ ёки орқада қолаётган жамиятларни етказишни назарда тутади.

- учинчидан, модернизация тушунчаси замонавий жамиятнинг маркази бўйлаб ҳаракат тушунилади[56].

Модернизация кенг маънода жамиятда янгиланиш ва ривожлантириш жараёнларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий модернизация меҳнат тақсимоти ўсиши, ишлаб чиқариш жиҳозлари самарадорлигининг ошиши, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришни ривожлантириш эвазига эришиладиган иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришни назарда тутади.

Модернизация товар-пул муносабатларини ривожлантириш, миллий ва трансмиллий бозорларни шакллантириш ва ривожлантириш, капитални айланишини таъминлашга мослашган иқтисодий шакл ва институтларни шакллантириш омилига айланди. Бунда мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан боғлашга хизмат қиладиган хорижий инвестициялар асосий рол ўйнайди.

Модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарамақарши ўлароқ «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор

[56] Sztompka, P. (2015). Modernization as social becoming: 10 theses on modernization. In global modernization review: New Discoveries and Theories Revisited (pp. 25-31).

топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Ҳукумат қарорлари билан алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни қисқартириш ва унинг ўрнига маълум тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли солиқ кредити тарзидаги имтиёзларни қўллаш зарур. Бунда биринчидан давлат бюджетига қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаб, ўз навбатида иқтисодиётдаги солиқ юкини пасайтириш имконини берса, иккинчи томондан соғлом рақобатни янада ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018-2020 йилларда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси давлат молиясининг қай даражада барқарорлигини кўрсатиб бера олди.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқларнинг ставкалари хам сезиларли даражада пасайтирилиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса солиқ тизимини модернизациялаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг янада ижобий томонга силжишига олиб келади деб айта оламиз.

Солиқ тизимини самарали такомиллаштиришда хозирги глобал иқтисодиётда кўпроқ маълумотларни алмашишда электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларнинг кўп вақтларини сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан бир қаторда уларнинг қўшимча харажатларини яъни маблағларини иқтисод қилишда жуда катта ёрмад бўлмоқда.

Ушбу автоматлаштирилган дастурлар ва усуллар орқали давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар интернетдаги “Шахсий кабинет”лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни хам онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлиб келишмоқда. Бу эса қўшимча иш ва оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий мақсади – бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, очиқлиги хамда тақдим этилган электрон маълумотларни қайта ишлаб жўнатиш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ маъмурчилигини модернизациялаш ва ислоҳ қилишда солиқ-бюджет муносабатларини оптималлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг мустақил даромад топишларига, солиқ текширувларининг самарадорлигини оширишга, солиқ тўловчилар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширувларнинг олдини олишга, фаолият юримаган хисобот даврлари учун ноўрин қўшимча солиқ

тўловларни мажбурий тарзда тўламасдан харажатларини янада камайтириш каби кўплаб имкониятларни яратиб бера олади деб ҳисоблаймиз.

Д.М.Маликова -Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

СУЩНОСТЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация: Мақолада иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти, тижорат банкларида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва зарурати, тижорат банклари иқтисодий хавфсизлигининг муаллиф томонидан шакллантирилган таърифи келтирилган.

Калит сўзлар: таҳдид, иқтисодий хавфсизлик, тижорат банки, молиявий барқарорлик

Аннотация: В статье представлена сущность понятия экономической безопасности, важность и необходимость обеспечения экономической безопасности в коммерческих банках, авторское определение экономической безопасности коммерческих банков.

Ключевые слова: угроза, экономическая безопасность, коммерческий банк, финансовая устойчивость

Abstract: The paper presents the essence of the concept of economic security, the importance and necessity of ensuring economic security in commercial banks, the author's definition of the economic security of commercial banks.

Keywords: threat, economic security, commercial bank, financial stability

В условиях цифровой экономики выдвигаются особые требования к банковской сфере, в особенности, к способности кредитных учреждений соответствовать условиям конкурентоспособности и устойчивости в различных кризисных ситуациях. Экономическая безопасность является одним из значимых компонентов стабильности и финансовой устойчивости банков, т.е. необходимость формирования системы финансовой безопасности коммерческого банка, защита финансовых ресурсов, информации, имущества банка в целях обеспечения стабильной работы банков становится все более актуальным.

"Финансовая стабильность и устойчивость банковского сектора является основополагающим условием успешной реализации намеченных реформ и укрепления доверия бизнеса и населения к национальной банковской системе. Стратегия реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы предусматривает обеспечение финансовой стабильности банковской системы"[57].

В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определено "принятие мер по созданию макропруденциальных буферов для обеспечения устойчивости банков к возможным финансовым потерям, т.е. обеспечение финансовой стабильности банковской системы"[58].

[57] Указ Президента Республики Узбекистан от 12 мая 2020 года №УП-5992 "О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы"

[58] Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

Вышепредставленные приоритетные задачи обуславливает разработку и реализацию новых механизмов, а также инструментов обеспечения экономической безопасности банковского сектора, которые позволят быстрому реагированию на появившиеся угрозы, предотвращая или сводя их негативное воздействие на деятельность коммерческих банков к минимуму. В связи с чем, первоочередной задачей, стоящей перед банковской системой, является обеспечение финансовой устойчивойсти коммерческих банков на основе повышения их экономической безопасности.

Экономическая и национальная безопасность государства напрямую зависят от стабильности ее банковского сектора.

Под экономической безопасностью коммерческого банка понимается экономическая защищенность банка от различных внешних и внутренних угроз, влияния деструктивных факторов, что позволяет банку сохранить и эффективно использовать весь потенциал.

Угрозы экономической безопасности банковских институтов разнообразны (табл. 1.).

Таблица 1.

Виды угроз экономической безопасности банков

Внутренние	Внешние
1. Угрозы, связанные с проведением рискованной кредитной политикой банка.	1.Угрозы, вызванные изменениями в экономической, политической и социальной сфер страны.
2. Угрозы, вызванные низким качеством менеджмента банка.	2.Угрозы, вызванные неблагоприятной рыночной конъюнктурой.
3. Угрозы, связанные с нарушением ликвидности деятельности кредитной организации.	3.Угрозы, связанные с криминализацией банковского сектора.
4. Угрозы, связанные с нарушением банковского законодательства	4.Угрозы, связанные с колебаниями на мировых рынках

Экономическая безопасность коммерческого банка – это состояние защищенности финансово-кредитного института от недобросовестной конкуренции, противоправной деятельности криминальных формирований и отдельных лиц, негативного влияния внешних и внутренних угроз, дестабилизирующих факторов, при котором обеспечивается устойчивая стабильность функционирования и развития организации, реализация основных коммерческих интересов и целей уставной деятельности, а именно оказание финансовых услуг юридическим и физическим лицам с целью получения прибыли.

Итак, экономическая безопасность коммерческого банка – это отсутствие угроз в деятельности банков. Так как, при возникновении угроз банки испытывают кризисное состояние и чем более продолжительными являются эти процессы, тем большей является вероятность финансовой

нестабильности банка, что в свою очередь по способствует отзыву у банков лицензий на осуществление банковской деятельности.

В заключение следует отметить, экономическая безопасность коммерческих банков – это состояние защищенности деятельности банка от различных внешних и внутренних угроз, обеспечение которой осуществляется в целях организации стабильного и эффективного функционирования коммерческого банка.

П.Ш.Усмонов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳақида сўз борганда албатта, ҳудудда йиғиладиган солиқ тушумлари муҳим ҳисобланади. Бунда ривожланган давлатлар илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ҳудудлар солиқ тушумларини баҳолашда солиқ потенциалидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини ҳисоблашда солиқ потенциалидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш борасида мустақил изланишларимиз натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: бюджет, бюджет даромадлари, солиқ, солиқли даромадлар, солиқ потенциали, репрезентатив солиқ тизими.

Аннотация: Говоря о доходах местных бюджетов, конечно, значительную роль играют сборы налоговых поступлений в регионе. Считается целесообразным широкое использование передового опыта развитых стран, то есть, использования налоговой потенциала для оценки налоговых поступлений регионов. В данной статье представлены результаты независимых исследований по поводу использования налогового потенциала в расчете доходной базы местных бюджетов в условиях Узбекистана.

Калит сўзлар: Хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ялпи ички маҳсулот, савдо, ривожлантириш истиқболи, аҳоли иш билан бандлиги.

Аннотация. В данной статье рассматривается процесс инновационного развития сферы услуг в сельской местности и проблемы, которые возникают в этом процессе и различные возникающие ситуации. В настоящее время стратегической целью не только развивающихся стран, но и развивающихся стран является уделять больше внимания оказанию услуг в сельской местности.

Ключевие слова: Услуги, малый бизнес, частное предпринимательство, валовой внутренний продукт, торговля, перспективы развития, занятость.

Annotation. This article discusses the process of innovative development of the service sector in rural areas and the problems that arise in this process and various emerging situations. At present, the strategic goal not only of developing countries, but also of developing countries, is to pay more attention to the provision of services in rural areas.

Keywords: Services, small business, private enterprise, gross domestic product, trade, development prospects, employment.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси – бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши ва қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш билан баҳоланмокда.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришни роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси туфайли энг катта қийинчиликларга тўқнаш келган соҳа бу — иқтисодиётнинг хизматлар сектори бўлганини таъкидлар экан, унинг мана шундай мураккаб бир даврда ҳам одамлар дардига дармон бўла олишини ўзининг ҳаётбахш фикрлари, ташаббуслари билан тўлиқ асослаб берди ва мутасадди вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўйди.

Дарҳақиқат, мазкур соҳа шунчалик кенг қамровлики, у кириб бормаган бирор бир жабҳа йўқ. Таълим, соғлиқни сақлаш, саёҳат, дам олиш, овқатланиш, инсонларнинг ўзаро мулоқоти ва ҳоказо. Буни узоқ давом эттириш мумкин. Шунингдек, нисбатан кам инвестиция эвазига иш ўринларини тез ярата олиш имконияти ҳам соҳанинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Яна бир аҳамиятли томони, аксарият иш ўринлари катта малака ва билим талаб қилмайди. Мана шу томонлама ҳам камбағал аҳоли қатлами мавжуд мамлакатлар учун ишсизлик ва кам даромадлилик муаммосини тезроқ бартараф этишда ушбу соҳани ривожлантириш катта имкониятлар эшигини очади.

Ҳозирги кунда юртимизда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 36,3 фоизга, соҳада банд бўлганлар сони эса 50,1 фоизга тенг. Шундан келиб чиқиб юртимизда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш орқали соҳанинг ЯИМдаги улушини кўпайтириш, иш билан бандлик муаммоларини бартараф этишдек вазифалар мавзунинг долзарблигини асослайди.

Чет элда қишлок жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш бўйича маълумотларнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта корхоналар жами корхоналарнинг 80 фоизини ташкил қилади. Масалан, 2019 йилда АҚШда уларнинг сони 25 000 мингтани ташкил этиб, тармоқлар бўйича улуши қуйидагича тақсимланган: қишлоқ хўжалигида - 81,9 фоиз, қурилишда – 82,2 фоиз, улгуржи савдода – 80,6 фоиз, хизматлар соҳасида – 75,6 фоизни ташкил этади. Японияда – 9000 мингтани, Италияда-4000 мингтани, Германияда – 3300 мингтани, Англияда – 2630 мингтани ва Францияда – 1980 мингтани ташкил этган.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилиниши натижасида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Жумладан, 2019 йилда савдо соҳасида 62354 та кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатишган бўлиб, жами иқтисодиёт тармоқларидаги улуши 30,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 64428 та кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатишиб уларнинг улуши 29,4 фоизга етган.

Самарқанд вилоятида 2019 йил маълумотлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар сони 2928 та (Самарқанд шаҳрида 852та)ни ташкил этган. Айтиб ўтиш лозимки, иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган соҳалар орасида хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши энг юқори бўлиши табиий ҳолдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий фаолиятлари савдо соҳасига тўғри келмоқда.

Энг юқори кўрсаткичларга эришган – Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш субъектларининг савдо соҳасидаги улушлари республика ўртача кўрсаткичларидан баланд.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш иқтисодиётимизни барқарор ўсишида, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлок жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришда, хусусан, савдо соҳасини ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди.

Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ва бир қанча муаммолар борлиги ҳам асосланди.

Мақолада улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди.

Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларига ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;

▪монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;

▪бевосита савдо билан шуғулланувчи қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиши;

▪амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаши;

▪қишлоқ жойларида савдо соҳаси билан шуғулланувчи хизмат кўрсатиш сохаси субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга кўмаклашиш каби тартибларни киритиши мумкин.

Қишлоқларда хизматларнинг истиқболли савдо-сотиқ, тиббий ва даволаш, спорт-соғломлаштириш, консальтинг, лизинг ва баҳолаш турлари нисбатан секин ривожланаётганлиги мазкур соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз: аҳолининг хизматлар кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва қониқиш соҳасидаги билим ва малакаларини янада ўстириш, маҳаллаларда касаначилик, ҳунармандчилик, нонвойчилик, қандолатчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа соҳаларни кенг ривожлантириш, меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, бандлик ва меҳнат муносабатлари тузилмаларининг ёрдами билан меҳнатга лаёқатли вақтинча иш бидан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини кенг ривожлантириш ҳисобига аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришиш.

Хулоса сифатида эътироф этиш лозимки, мамлакатда хизмат турларининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар ҳам худди моддий товарлар сингари нафлилик ва қиймат хусусиятига эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техникавий сиёсатни такомиллаштириш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида инновацион таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу хизматлар кўрсатиш аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши мазкур соҳанинг жадал ривожланишини таъминламоқда.

Имтиёзли кредитларнинг мақсадли йўналтирилиши фақатгина шаҳар жойларида эмас, балки қишлоқ ҳудудларида ҳам кичик тадбиркорликнинг бозор хизматлари ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг ошиб бориши, ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратишда, аҳолининг иш билан бандлигини

таъминлаш бўйича меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишда амалий аҳамият касб этмоқда.

Хизмат кўрсатиш субъектларини ривожлантиришга устувор даражада аҳамият қаратилаётганлиги мамлакатимиз учун ғоят истиқболли бўлиб, у давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳатлар ва стратегиялар изчиллигини таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда давлатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради. Ушбу тизим, энг аввало, иқтисодиётда эркинликни ҳис қилган тадбиркорлар учун хизматлар соҳасига ўз капиталини тикишга қаратилган позитив “сигналларни” бера бошлади. Бу, ўз навбатида, жойларда янги ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишга туртки беради. Ижобий натижалар эса узоқ куттирмайди, чунки соҳанинг хусусияти шундай — киритилган сармоя тез самара беради.

З.С.Артиков – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD
Д.А.Мияссаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МИ-120 гуруҳ магистри

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни ошириш, инвестицион салоҳиятни ошириш, инвестици киритиш лозим бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари, инвестициялашдан кейинги зарар ва даромаддаги йўқотишлар эҳтимоли, инвестицион рискларнинг таҳлили ва инвестицион жозибадорликни ошириш масалалари акс эттирилган ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, инвестиция, капитал, салоҳият, инвестицион фаолият, инвестицион риск, инвестицион жозибадорлик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы повышения инвестиционной привлекательности в сфере услуг, повышения инвестиционного потенциала, направлений услуг, подлежащих инвестированию, возможности постинвестиционных потерь и потерь доходов, анализа инвестиционных рисков и инвестиционной привлекательности, и делаются выводы.

Ключевые слова: сфера услуг, инвестиции, капитал, потенциал, инвестиционная активность, инвестиционный риск, инвестиционная привлекательность.

Annotation: This article addresses the issues of increasing investment attractiveness in the service sector, increasing investment potential, areas of services to be invested, the possibility of post-investment losses and income losses, investment risk analysis and investment attractiveness, and draws conclusions.

Key words: service sector, investment, capital, potential, investment activity, investment risk, investment attractiveness.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўлга киритилаётган ижобий натижалар, шунингдек иқтисодиётни модернизациялаш

асосида замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этаётганлигининг далили ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини диверсификациялаш ҳамда техник-технологик модернизациялаш жараёни, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланишига боғлиқдир, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўлга киритилаётган ижобий натижалар, шунингдек соҳа ва тармоқларни модернизациялаш орқали замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг жорий қилиниши, шу асосда миллий иқтисодиёт салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиб, сифатнинг тубдан яхшиланиб бориши иқтисодиётнинг янгича мазмун касб этаётганлигидан далолат беради.



1-расм. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқлари асосий капиталига киритилган инвестициялар[64], млрд. сўмда

2016 йилда республикамизда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 37 %ни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич соҳанининг ривожланиш даражасига мувофиқ мунтазам ўсиб бормоқда (1-расм).

[64] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 50 %ни ташкил этаётган хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши суръатларини инобатга олган ҳолда, ушбу соҳа асосий капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ва жами инвестициялар таркибидаги салмоғи мутаносиб эмас деб ҳисоблаймиз, ҳамда бу ҳолат ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг талаб даражаси-да эмаслигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, ҳудуд ёки бутун бир мамлакат инвестицион жозибадорлигини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида инвестицион салоҳият ва инвестицион рискнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Инвестицион салоҳият ҳудудда мавжуд ишлаб чиқариш омиллари ва капитал киритиш мумкин бўлган соҳалар мажмуи сифатида қаралади. Бу миқдорий хусусият бўлиб, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан етарлича таъминланганлигини (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, асосий фондлар, инфратузилма ва бошқалар), аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олиб, ҳудудга инвестиция киритишнинг мумкин бўлган ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ва хорижда амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиб чиқиб, бизнинг фикримизча, ҳудуд ва умуман мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини таъминловчи омилларга тўққизта хусусий салоҳиятларни киритиш мумкин. Улардан ҳар бири, ўз навбатида, бир гуруҳ кўрсаткичлар билан тавсифланади[65]:

– табиий-географик салоҳият (табиий ресурсларнинг асосий турлари бўйича ўртача салмоқ заҳиралари билан таъминланганлик);

– меҳнат ресурслари салоҳияти (меҳнат ресурслари ва уларнинг маълумоти (сифати) даражаси);

– ишлаб чиқариш салоҳияти (ҳудуд аҳолиси хўжалик фаолиятининг ялпи натижаси);

– инновацион салоҳият(ҳудудда илм-фан ривожланиши даражаси ва фан-техника тараққиёти натижаларининг жорий этилиши);

– институционал салоҳият (етакчи бозор иқтисодиёти институтларининг ривожланганлик даражаси);

– инфратуизма салоҳияти (ҳудуднинг иқтисодий-географик жойлашуви ва унинг инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги);

– молиявий салоҳият (солиқ базасининг ҳажми, ҳудуд корхоналарининг даромадлилиги ва аҳоли даромадлари);

– истеъмол салоҳияти (ҳудуд аҳолисининг ялпи харид қобилияти);

– туристик салоҳият (туристлар ва дам олувчилар томонидан ташриф буюриш мумкин бўлган объектлар, зиёратгоҳлар ва кўнгилочар жойлар ҳамда жойлашув масканларининг мавжудлиги);

[65] Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. 15-б.

Инвестицион риск бу инвестициялаш рискининг ўзгарувчан омиллари мажмуи сифатида қаралиши мумкин. Бошқача айтганда, бу сифат тавсифи (характеристикаси, хусусияти) бўлиб, у сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, экологик ва криминал вазиятларга боғлиқ ҳисобланади. Унинг миқдори инвестициялашдан кейинги зарарлар ва даромаддаги йўқотишлар эҳтимоли билан ифодаланади.

Асосан инвестицион рискларнинг қуйидаги турлари таҳлил қилинади:

– иқтисодий рисклар (ҳудуднинг иқтисодий ривожланишидаги тенденциялари);

– молиявий рисклар (маҳаллий бюджет ва корхоналар молияларининг мутаносиблик (мувофиқлик) даражаси);

– ижтимоий рисклар (ижтимоий барқарорлик даражаси);

– ҳуқуқий рисклар (мамлакатдаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланганлик даражаси, хусусан инвесторлар ҳуқуқлари ва инвестицион фаолият ҳимояси нуқтаи назаридан);

– экологик рисклар (атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси, хусусан радиацион ифлосланишни ҳам инобатга олган ҳолда);

– криминал риск (ҳудудда жиноиятчиликнинг даражаси, шу жумладан жиноятларнинг, хусусан иқтисодий жиноятларнинг оғирлик даражасини инобатга олган ҳолда);

– бошқарув рисклари (бюджетни бошқаришнинг сифати, мақсадли-дастурий ҳужжатларнинг мавжудлиги, бошқарув тизимини ривожланганлик даражаси).

Муайян ҳудуд инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича унинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда бенчмаркинг методикасидан таҳлилни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Муайян ҳудуд инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда бенчмаркинг етарлича фойдали ва қимматли воситага айланиши мумкин. Унинг ёрдамида бошқа ҳудудлар қайси йўналишларда яхшироқ ва муваффақиятлироқ ишларни амалга ошираётганини аниқлаш мумкин бўлади ва кейин уларнинг бу борадаги илғор тажрибасини ўз ҳудудингизга жорий этиш талаб этилади. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида бизни ҳудуд иқтисодиётининг рақобатдошлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш омиллари бенчмаркинги қизиқтиради ва уни бир неча босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида рақобатлашувчи муваффақиятли ҳудудларни танлаб олиш, бунда ҳудудларнинг нисбатан яқин жойлашганлиги тамойили ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ; 2) танлаб олинган ҳудудлар бўйича ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги омилларини танлаб олиш; 3) маълумотларни қидириш, жамлаш ва қайта ишлаш; 4) маълумотларни таҳлил қилиш ва танлаб олинган омиллар асосида ҳудуд рақобатдошлиги ва инвестицион жозибадорлиги радарини тузиш; 5) олинган маълумотлардан ўз кўрсаткичларингизни яхшилаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун фойдаланиш.

Бизнинг фикримизча, Самарқанд вилоят ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги тажрибаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишлари ва муваффақиятли деб баҳоланган жиҳатларни вилоятда жорий этиш учун тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб ва амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, яқин географик жойлашувга эга бўлган ҳудудларнинг алоҳида субъектлари ўртасида мустаҳкам кооперация алоқаларининг ўрнатилиши ва ривожланиши муҳим бўлиб, қайта ишлаш тармоғи корхоналари, юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқарувчи ва юқори технологик хизматлар кўрсатувчи корхоналарининг ташкил этилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, инвестицион жозибадорликнинг шаклланиши кўп жиҳатдан пухта ўйланган давлат инвестицион сиёсатига боғлиқ бўлиб, унинг бош мақсадлари сифатида қулай инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва истиқболли инновацион лойиҳаларни инвестициялашнинг янги шаклларини қидириб топиш кабилар қаралиши зурар.

Шу билан бирга, давлатнинг ушбу жараённи тартибга солиш борасидаги ҳаракатлари қулай инвестицион муҳитни яратиш ва давлатнинг ўз инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, самарадорлигини ошириш йўналишида амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Давлатнинг бу борадаги фаолияти яқин ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши керак, давлат аралашуви воситалари эса бир-бирини тўлдириши зарур. Бундан ташқари, инвестицион инфратузилмани юзага келтирмасдан ва инвесторлар қизиқишини ошириш учун давлат-тижорат кафолатларини тақдим этмасдан туриб инвесторларни муваффақиятли жалб қилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бу хулосалар мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ва ривожланишнинг янги босқичига чиқиш жараёнида айниқса долзарб ҳисобланади.

Ш.Н.Мирзаева – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

THE ROLE OF MEDICAL SERVICES IN ECONOMIC DEVELOPMENT

Annotation: This article will cover the ways of increasing the effectiveness of medical services in the conditions of the digital economy and its target tasks, about how much we can see the increase in the effectiveness of medical care after the transition of the state of Uzbekistan to the digital economy.

Keywords: Digital economy, conditions, medical, services, efficient, ways of increasing, strengthening the material and technical base, healthy lifestyle, healthy morality, support.

Nowadays, the digital economy and a number of things related to it effective technologies, including e-commerce and e-business is rapidly entering our lives. In the same way, the state and in order to further accelerate the development of society, the leadership of the republic made a number of important decisions.

For example, the Republic of Uzbekistan President January 25, 2020 The most important priorities for 2020 In his Address to the Oliy Majlis, he said the following about the development of the digital economy in the country: to continue the work we

have begun to shape and In order to raise it to a new, modern level, I am in our country by 2020 "The Year of Science, Enlightenment and the Development of the Digital Economy." I offer to give. " In addition, the Republic of Uzbekistan the President put forward the grand idea of finding ways to increase the efficiency of medical services in the digital economy and there by bringing medicine to the forefront.

Mankind is experiencing an important period associated with the change of economic sectors, the digitization, mobilization of this process, the introduction of artificial intellekt into the sphere. By 2022 year, the need for the development of a new economy will become more evident in a situation in which it is projected that almost a quarter of the world GDP will fall on the digital sector.

In order to further improve the living standards of the population, improve the quality and efficiency of the medical services provided in our country, there are literally processes of renewal and development. This, of course, is also related to the emergency and ambulance service activities of the health care system. After all, in every lecture and speech by our President Shavkat Mirziyoyev, in order to please our people at the meetings, it is noted with great care that first of all, it is extremely necessary to meet the demand for quality medical services.

The Ministry of economy jointly with the Ministry of Health held a press conference with the participation of media representatives. The conference focused on the recent reforms carried out in this area, in particular on further improvement of the Organization of emergency medical services and strengthening the material and technical base.

Organization of health care - health managementnew scientific-based optimal methods of work activity of various medical institutionsimproves the forms and methods, the quality of Medical Services, develops ways to solve economic and managerial problems and is a continuous branch of Public Health.Thus, the organization of Public Health and health -this is a science about the legislation of Public Health, the main ticket to it- this is a scientific justification of the state of Public Health, the state of Public Healthin order to raise the level and improve the quality of medical services providedit is the organization of effective management of health care system.Public health, like other sciences, knows the history of its development,rely on historical conceptions and research, making them present and futuremust know how to compare with the indicators.

Ambulance service is a highly specialized, high-tech emergency, fast and urgent medical service, the organization of emergency medical care system that meets international standards of efficiency, close cooperation with foreign organizations tasks such as installation.

Most importantly, as a result of large-scale measures taken to develop the industry, the emergency medical care system provides high-quality inpatient care to more than 600,000 patients a year, outpatient care to more than 1 million patients and more than 7 million calls. shown.

In addition, emergency dispatchers, the main link in the emergency medical service, have been retrained and the requirements for them have been increased. Now dispatchers will be retrained to improve their professional skills and competencies.

Because today's task of the dispatcher is not only to record the referral and deliver it to the appropriate specialist, but if necessary, he or she should be able to advise the applicant on first aid, which should be provided before the ambulance crews arrive.

One of the main directions of health care reform is medicalof the society associated with the organizational structure of the aid modelHealth to reduce direct and indirect lossesintensive development of the system and efficient use of available resourcesin order to develop new economic mechanisms. That, in turnrestructuring of medical care and new of medical carerequires a wide range of methods.Therefore, the transition to a general practitioner system is a new kindrequires the establishment of treatment and prevention facilities - rural andurban and rural residents to receive qualified medical care at the place of residence(neighborhood) medical points (QVP, SHVP) are being established. For the first time in the country, new types of medical services and generalThe practice physician system has been developed and implemented, including in rural medicinethrough points. This, in turn, will improve medical facilities in rural areasintegration and the elimination of inefficient medical facilities.

The reduction in the number of these institutions is multi-stage in rural areasassistance (FAP, QVA, KUK, RK, MRK) two-stage assistance (QVP, MRK)and access to the systemreduced. One of the main results of the reforms was the creation of public, private and other health care systems. Ongoing reforms and a long-term concept will ensure a gradual transition of the health care system to insurance medicine. Thus, the main tasks of the reforms of 1998-2005 were calculated as follows:

- Guaranteed level of primary health carequality assurance by the state;
- Emergency and urgent medical carestrengthening;
- The system of organization and placement of treatment and prevention facilitiesimprovement, gradual transition to the system of general practitioners;
- Creating a market for medical services and insurance medicine;
- Simplification of health management system, treatment and preventionincrease its efficiency by giving more independence to its institutions;non-governmental sector and private practice in the health care systemdevelopment;
- Increase the efficiency of budget expenditures for the provision of free medical services,health through the development of various forms of mixed and private fundingimproving the financial basis of storage;
- Creation of a regulatory framework for sector reform;
- Training, retraining and professional development of medical staffprocess improvement;
- Development of physical culture and prevention of public healthintegration of forms;
- Development of international cooperation and foreign investment in the industry andexpanding technology engagement.

Improving health care fundingservices are divided into free and paid servicescaught. Free medical services are paid for by the state budgetservices are funded by legal entities and individuals.The development of the health care market, in turn, will help medical institutionseffective management, treatment and prevention

of effective solutions to problemsin order to find not only professional knowledge, but also management and marketingraises the problem of training personnel with knowledge.It is shown to the population in solving the problems of the health care systemmethods and techniques of medical care.

Р.Ж.Курбанова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, PhD
Ш.И.Раджабова - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 1 курс магистранти

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация.Чакана савдо хизматлари бозоридаги барча фаолият инсон ва жамиятнинг турли хил савдо хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга ва аҳолига савдо хизматлари даражаси ва сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган инновацион ривожланиш натижаларига қаратилгандир.Чакана хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш тамойиллари ва турлари келтириб ўтилган.

Калитли сўзлар. Инновация, савдор, чакана савдо, тамойил

Аннотация. Вся деятельность на рынке розничных услуг направлена на удовлетворение потребностей людей и общества в различных коммерческих услугах и результатах инновационного развития, которые напрямую влияют на уровень и качество коммерческих услуг населению. Упомянуты принципы инновационного развития и виды рынка розничных услуг.

Ключевые слова. Инновации, торговля, розничная торговля, принцип.

Annotation. All activities in the retail services market are aimed at meeting the needs of people and society in various commercial services and the results of innovative development, which directly affect the level and quality of commercial services to the population.The principles of innovative development and types of retail services market are mentioned.

Keywords. Innovation, trade, retail.

Ҳозирги замонавий шароитда иқтисодий ривожланишнинг инновацион усулига ўтиш Ўзбекистон Республикасининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Буни бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўришимиз мумкин, "Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожланиши концепцияси”" алоҳида ўрин тутади, унинг якуний натижаси Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш устуворликларига эришиш ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий тизимнинг барча даражаларида (корхоналар, тармоқлар, ҳудудий субъектлар, мамлакатлар даражасида) инновацион ривожланиш сезиларли даражада унинг салоҳияти даражасига боғлиқ. Чакана савдо корхоналарининг юқори даражадаги инновацион салоҳияти саноатнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишининг кафолатидир. Янги шароитда чакана савдо хизматлари соҳасидаги инновацияларнинг асосий вазифаси товарларни сотиб олиш ва сотиш ва тарқатиш жараёнларини, савдо хизматларини ва умуман савдо фаолиятини амалга оширишнинг юқори сифатини таъминлашдир. Бинолар, чакана савдо майдони ва ускуналари, техник воситалар, ахборот-коммуникация

технологиялари, дастурий маҳсулотлардан янада самарали фойдаланишга имкон берадиган янги технологияларни жорий етиш, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва умуман чакана савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш жуда муҳимдир

Стандарт бўйича савдо хизматлари барча мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек савдо хизматларини кўрсатадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қўлланилади ва таснифи белгиланган. Ушбу стандартга мувофиқ чакана савдо хизматларига қуйидагилар киради: "товарларни сотиш; харидорларга харид қилиш ва ундан фойдаланишда ёрдам бериш; ахборот ва консалтинг хизматлари; мижозларга қулайлик яратиш; ва бошқа хизматлардан иборат.

Шу билан бирга, чакана савдо хизмат кўрсатишларини уч жиҳатдан ҳам кўриб чиқиш мумкин: 1) харидорга бевосита товар сотиб олиш чоғида таклиф етиладиган истеъмолчига хизмат кўрсатишлар; 2) ишлаб чиқариш корхоналарига, улгуржи корхоналарга, воситачилик ва тарқатиш шохобчаларига, бошқа мол етказиб берувчиларга хизмат кўрсатишлар; 3) ҳудуднинг ривожланишига ҳисса қўшадиган хизмат кўрсатишлардан иборатдир.

Савдода инновациялар-бу ташкилий-иқтисодий характердаги ва чакана савдо корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар кўринишидаги инновацияларни самарали қўллаш.

Чакана савдони инновацион ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- чакана савдо корхоналарининг янги ва замонавий турларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- чакана савдода янги технологияларни жорий этиш; озиқ-овқат чакана секторини универсаллаштириш;
- кўп турдаги маҳсулотларга эга бўлган аралаш чакана сотувчиларни ривожлантириш;
- чакана савдода янги технологияларни жорий этиш;
- озиқ-овқат чакана секторини универсаллаштириш;
- озиқ-овқат чакана савдо секторини ривожлантириш;
- чакана савдо корхоналари чакана савдо корхоналарида бенчмаркингдан фойдаланиш;
- савдо ва ишлаб чиқариш жараёни чакана сотувчиларининг ахборот таъминоти;
- янги маҳсулот ва хизматларни кўрсатиш учун кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш ва бошқалар.

Чакана савдода инновациянинг турлари

Т/р	Инновация турлари	Инновация турларининг таснифи
1	**Радикал**	Булар илгари кўринмайдиган хусусиятларга эга бўлган ёки таниқли, аммо ишлаш ёки нарх хусусиятларида сезиларли даражада яхшиланган маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматлар
2	**Босқичма - босқич**	Улар унча ахамиятли бўлмаган технологик эволюция ва истеъмолчи учун шароитларни босқичма-босқич яхшилаш билан ажралиб туради. Бу ерда чакана жойларда ўтиш учун макон босқичма-босқич ўсиш харид қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.
3	**Ижтимоий**	Жамиятни қайта ташкил этишда инсон ҳаёти соҳаларини янгилаш жараёни (педагогика, бошқарув тизими, хайрия, хизмат кўрсатиш, жараённи ташкил этиш**).**
4	**Техник**	Мавжуд маҳсулот, маҳсулот, ускуналар, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларни янги ёки самарали ишлаб чиқаришни олиш. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликлар технологик жиҳатдан боғлиқ эмас.
5	**Революцион**	Революцион янгиликлар маҳсулот-технологик имкониятларнинг эскиришига олиб келади, аммо бозорда маҳсулот алоқаларини йўқ қилмайди. Ушбу турдаги инновациялар анъанавий бозорларни революцион ўзгартириб боради
6	**Локал**	Инновациялар ўз қобиғи атрофида -савдо технологияларини ўзгартирмасдан савдо алоқаларини ўзгартиришади
7	**Архитектурали**	Бу мавжуд технологиялар ва маҳсулотларнинг эскиришига, шунингдек бозор-истеъмолчи муносабатларига олиб келадиган инновациялар

Юқоридан кўриниб турибдики, чакана савдода инновацияларнинг ҳар бир тури ўз йўналишига эга эканлигини кўрсатади. Масалан, радикал янгиликлар-бу ишлаш ёки нарх хусусиятларини сезиларли даражада яхшилаган маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизмат кўрсатишлардан иборатдир

VIII ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

Г.М.Шадиева - д.э.н., профессор Самаркандский институт экономики и сервиса
С.О.Яхёева – студент Самаркандский институт экономики и сервиса

DIGITAL ECONOMY, ITS FEATURES

Abstract: The article examines the reasons for the transition to the digital economy, its features, main components and development prospects. Currently, in many developed countries, digitalization has been introduced in all sectors of life, and this, therefore, will lead to an increase in productivity and, consequently, competitiveness.

Keywords: ICT, digital economy, Internet economy, digitalization**.**

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotga o'tish sabablari, xususiyatlari, asosiy tarkibiy qismlari va rivojlanish istiqbollari ko'rib chiqilgan. Hozirgi kunda ko'plab rivojlangan mamlakatlar raqamlashtirishni hayotning barcha sohalariga tadbiq etmoqdalar va shuning uchun bu samaradorlikning oshishiga, natijada raqobatbardoshlikka olib keladi.

Kalit so'zlar: AKT, raqamli iqtisodiyot, Internet-iqtisod, raqamlashtirish.

Аннотация: В статье рассматривается причины перехода к цифровой экономике, ее особенности, основные компоненты и перспективы развития. В настоящее время во многих развитых странах внедрили цифровизацию во все отрасли жизнедеятельности, а это, следовательно, приведет к увеличению производительности, а следовательно, и конкурентоспособности.

Ключевые слова: ИКТ, цифровая экономика, Интернет-экономика, цифровизация.

The main trend in the global economic development of the late XX – early XXI century is the transition from the industrial and post-industrial economy to the so-called digital economy, that is, an economy based on digital technologies or the use of information and communication technologies (hereinafter ICT). The development of the Internet and mobile communications are the "basic technologies of the digital economy".

The digital economy is not some new economy, but the next stage in the development of the existing one, and the digitalization of the entire economy is considered at the state level as a strategic direction for the development of society, ensuring economic growth and competitiveness.

In this regard, the developed countries of the world pay close attention to the harmonious development of the system-forming elements of the digital economy, the information society and the knowledge economy. The need to transition to an information economy has also developed in Uzbekistan, which, in particular, was reflected in the formation of a special strategy "Digital Uzbekistan - 2030" (approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, No. UP – 6079, dated October 5, 2020).

After the financial crisis of 2007-2008, which began in the United States and then spread to Europe and Asia, the world economy entered a new stage [1].

Traditional economic development was slowing down, while the digital economy, represented by new generation technologies such as mobile Internet, cloud computing, big data analytics and artificial intelligence (AI), began to develop actively. At a time when international digitalization and informatization are entering an era of more complete penetration into all spheres of human activity, based on innovation and information, the digital economy has really become a new engine of economic growth.

Thus, the digital economy includes a variety of economic activities, where the use of digital information and knowledge plays the role of a key factor of production and modern information networks become an important area of activity, and the effective use of ICT acts as an effective driving force for improving efficiency and optimizing the structure of the economy.

In 1985, when the first domain was registered and the world economy began to move to the "network". Since that time, the Internet economy has begun to expand its scale of services, customer base, geographical coverage, and transformed into a new type of business activity. In the conditions of mass use of information networks, the network economy has also appeared – it is a combination of the traditional economy with the use of information resources of networks and technologies. At the same time, the concept of electronic economy appeared, implying trade on the Internet, that is, the main production functions are concentrated in e-commerce.

Currently, the world is entering the era of the post-industrial digital economy, which is radically changing the situation:

• Information becomes the main resource, and this source does not run out of use;

• Retail space on the Internet is not limited;

• A company doesn't need to be big to compete successfully;

• The same physical resource can be used an infinite number of times to provide various services;

• The scale of operational activity is limited only by the size of the Internet;

• The client becomes a "deity".

The digital economy includes the following key components:

- technological infrastructure (hardware, software and communication networks);

- digital processes (processes that ensure successful business);

- e-commerce (sale of goods via the Internet);

It should be noted that in 2019, the total amount of electronic transactions in Uzbekistan amounted to $ 344.3 million, and the annual growth of the share of e-commerce in the country's GDP is estimated at 30%. Namely, the volume of trade via the Internet in 2019 amounted to 275.3 billion soums (the growth rate is 6.7 times), which is 0.11 percent of the total trade volume of the republic. These figures show that the phenomenon of e-commerce has very bright prospects .

Digital transformations are changing the face and structure of the economy, breaking the usual business models, leading to the expansion of markets and opportunities, becoming the most important engine of global economic growth. Today, 75% of professions require basic digital skills, and about 44% of companies

in the world have a digital development strategy. The very word "digitalization" implies the existence of a single information space for the continuous exchange of data between various fields of activity and structural units.

Currently, many developed countries have implemented digitalization in all sectors of life. In turn, the digitalization of the country's economy will lead to an increase in productivity and, consequently, competitiveness.

It should be noted that the formation of the digital economy has destroyed old industries and created completely new ones. The digital revolution or the benefits of this leap will become even more tangible if the spread of ICT is stimulated and directed by the state, and then coverage will be 100 percent.

A.A.Xodjimamedov - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi

RAQAMLI IQTISODIYOTNING TRANSFORMATSIYASI VA BANKLARDAGI TEXNOLOGIK INNOVATSIYALAR

Annotatsiya. Maqolada iqtisodiy munosabatlarning raqamli muhitga o'tish jarayonlari muhokama qilinadi. Olimlar tomonidan olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasi xulosasiga ko`ra, xizmat ko‘rsatish sohasida raqamli transformatsiya tezroq amalga oshadi. Korxonada raqamli transformatsiyaning samaradorligi faqat innovatsion texnologiyalarni doimiy joriy etish bilan mumkin ekanligidan kelib chiqqan holda, ushbu masalalar yechimi bo`yicha taklif va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so`zlar. raqamli iqtisodiyot, biznes uchun raqamli transformatsiya, foyda va xavflar, innovatsion texnologiyalar, katta ma’lumotlar tahlili.

Аннотация. В статье рассматривается процесс перехода экономических отношений в цифровую среду. Исследователи пришли к выводу, что цифровая трансформация сферы услуг ускоряется. Учитывая, что эффективность цифровой трансформации на предприятии возможна только при постоянном внедрении инновационных технологий, существуют предложения и рекомендации по решению этих вопросов.

Ключевые слова. цифровая экономика, цифровая трансформация бизнеса, преимущества и риски, инновационные технологии, анализ больших данных.

Abstract. The article discusses the process of transition of economic relations to the digital environment. The researchers concluded that the digital transformation of the service sector is accelerating. Considering that the effectiveness of digital transformation in an enterprise is possible only with the constant introduction of innovative technologies, there are suggestions and recommendations for solving these issues.

Key words. digital economy, digital transformation for business, benefits and risks, innovative technologies, big data analysis.

Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi, bank va mijozlar o'rtasidagi aloqaning o'sishi davrida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari(AKT)dan foydalangan holda turli xil ijtimoiy-iqtisodiy faoliyat turlarini elektron texnologiyalarga o'tkazish zaruratini taqozo etmoqda. Ayni vaqtda xalqaro amaliyotda “raqamli iqtisodiyot” atamasiga aniq bir tarif berilmagan. Ayrim manbalar tomonidan ushbu atamani tavsiflaganda, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning raqamli texnologiyalar yordamida iqtisodiyot bilan aloqasi kabi izohlarni uchratish mumkin.

Jaxon bankining tarifiga ko`ra raqamli iqtisodiyot bu – “Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi ortidan mehnat unumdorligi, korxonalarning raqobatbardoshligi oshib, ishlab chiqarish tannarxining kamayishi, yangi ish o‘rinlari yaratilishi, kambag`allik va ijtimoiy tengsizlikning qisqarishi kuzatilayotgan iqtisodiyot” deb tarif berilgan. O`zbekiston Respublikasidagi olimlarning fikriga ko`ra, "raqamli ma'lumotlar ishlab chiqarishda asosiy omil bo'lgan iqtisodiy faoliyat bo`lib, ushbu ma'lumotlarning katta hajmlarini qayta ishlash va ularni tahlil qilish natijalaridan boshqaruvning an'anaviy shakllariga nisbatan foydalanish har xil turdagi ishlab chiqarish, jihozlash, saqlash, sotish, tovarlar va xizmatlarni yetkazib berish samaradorligini sezilarli darajada oshirishi mumkin”. Raqamli iqtisodiyotning barcha ta’riflarida shunday umumiylik borki, bu – raqamli iqtisodiyot iqtisodiyotning fuqarolar bilimiga va axborot jamiyatining asosiy omili bo‘lgan nomoddiy ishlab chiqarishga ustuvor ahamiyat beriladigan bo‘limidir. Zamonaviy adabiyotlar tahliliga asosan, "raqamli transformatsiya", "raqamli iqtisodiyot", "biznes transformatsiyasi" ta'riflari va ularning o'xshashlari telekommunikatsiya sohasi vakillari raqobatlashishi kerak bo'lgan yangi bozor makonini tashkil qiladi. Aynan shu sabab rivojlangan davlatlar raqamli jamiyat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratmoqda. Respublikamizda esa, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentyabrdagi “2019-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasinin innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash” to`g`risidagi Farmoni qabul qilingan.

Mamlakatimiz uchun hozirgi iqtisodiy tizimni zamonaviy “raqamli”ga qayta qurish, ya’ni iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasini amalga oshirish juda muhim bo`lib hisoblanadi. Aks holda, jahondagi iqtisodiy keskinlikning kuchayishi, global inqirozlar ta'siri kuchayishi natijasida, mamlakatdagi iqtisodiy vaziyatga salbiy ta'sir qilib, yetakchi mamlakatlardan texnologik farqni yanada oshirishi mumkin.

Bugungi kunga kelib, raqamli transformatsiya global miqyosda ham, iqtisodiyotda ham, alohida korxonalar darajasida amalga oshirilib kelinmoqda. Ushbu jarayonni o'rganish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo`lib hisoblanadi, chunki kompaniyalar o'zlarining ichki texnologik jarayonlarida innovatsion texnologiyalarni qo'llaydilar va biznes modellarining raqamli transformatsiyasini amalga oshiradilar, raqobatbardoshlikni oshirish va bozorda yetakchilikni saqlab qolish uchun boshqaruv tuzilmasini optimallashtirmoqdalar. Dastlab, raqamli transformatsiya atamasi iqtisodchilar tomonidan XX-asrning oxirlarida, texnologiyalar oddiy jarayonlarni soddalashtirishni to'xtatgandan so'ng, biznes jarayonlari shakllarini o'zgartira boshlaganda qo'llanilgan. Endi raqamli transformatsiya biznesning barcha sohalari uchun eng optimal yechim sifatida qaralmoqda.

Turli faoliyatdadagi kompaniyalar an’anaviy biznes-jarayonlarni, imkon qadar tezroq raqamli raqamli biznes jarayoniga almashtirmoqda. Bugungi kunda raqamli transformatsiya tashkilot xohlagani uchun emas, balki bozorda raqobatbardoshlikni saqlab qolish zarurati tufayli sodir bo'lmoqda. Aynan bozor raqamli texnologiyalardan foydalanish va joriy etishga undaydi va bu jarayonga moslasha olmagan kompaniyalar bozor bozorda o`z o`rnini yo`qotishi mumkin. Rivojlanish vektorini qabul qiladigan va moslashishga tayyor bo'lgan kompaniyalar oxir-oqibat muvaffaqiyatga erishadilar. Raqamli transformatsiya ortidan ichki

jarayonlarda yaxshilanish sodir bo'ladi. Buning natijasida, yirik ma'lumotlar tahlili, bir mashinadan boshqa mashinaga o'zaro ta'sir va avtomatlashtirish, oddiy ish funktsiyalaridan tortib, butun kompaniyaning rivojlanish strategiyasigacha bo'lgan barcha biznes jarayonlarni tez, muvozanatli va aniq takomillashtirish imkonini beradi. Raqamli transformatsiyadagi qiyinchiliklar korporativ va tashkiliy qatlamlarda sodir bo'lishi mumkin. Quyi bo`gin xodimlari va kompaniya rahbariyati moslashuvchan va ko'proq xavf-xatarlardan saqlaydigan kichik biznesni boshqarish yondashuvini qo'llashlari lozim bo`ladi.

Umuman olganda, biznes va iqtisodiyot raqamli transformatsiya uchun quyidagi imkoniyatlarni berishi mumkin:

- tashkilotning asosiy faoliyatining ichki va tashqi muhitida ko'rsatkichlarni kengaytirish, raqamli boshqaruv modellarini izlash va joriy etish, uzoq muddatli raqobatbardoshlikni ta'minlash orqali raqamli biznes modellarini yaratishga hissa qo'shishi;
- biznesning operatsion modelini o'zgartirishga asoslangan samaradorlikni oshirish uchun vositalar to'plami: barcha biznes jarayonlar zanjirlarini raqamlashtirish va tashkilotning barcha bo'linmalarida axborot infratuzilmasi klasterini joriy etish, xodimlarning malaka darajasi va mavjud infratuzilmani samarali ishlatish, optimallashtirish. mavjud biznes jarayonlari va xarajatlarni kamaytirish;
- istiqbolli xodimlarni tayyorlash va yanada ilg'or texnologiyalarni joriy etish uchun shart-sharoitlarni tayyorlash orqali innovatsiyalar va kompaniyaning kelajakdagi rivojlanishi uchun asos.

Ammo shuni ham ta'kidlash kerakki, yangi texnologiyalarni joriy etish bilan bog'liq har qanday jarayon muayyan xavf-xatarlarni o'z ichiga oladi.

Raqamli transformatsiyani amalda qo`llayotgan kompaniyalar tomonidan qayd etilgan asosiy afzalliklar xarajatlarni kamaytirish, samaradorlikni oshirish va mahsulot sifatini yaxshilash bo‘lganini kuzatish mumkin. Ba'zi kompaniyalar o'zlarining raqobatbardoshligi va bozorda umumiy raqobatning o'sishini etirof etish kerak. Raqamli texnologiyalar allaqachon yirik ishtirokchilar o'rtasida bo'lingan bozorlarda yangi imkoniyatlarni ochishga yordam beryapti.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, raqamli transformatsiya ham, B2B (biznesdan biznesga) ham, B2C (biznesdan iste'molchiga) ham sektorlarda o'zaro aloqaning tarmoq shakllarini rivojlantirishga yordam beradi. Biznesni yuritishning odatiy shakllaridan farqli o'laroq, nomoddiy mahsulotlarning emas, xizmatlar harmining o'sishiga olib keladi. Shu sababli, raqamli transformatsiyani birinchi bo'lib boshlagan tashkilotlar yangi "raqamli" bozor bo'shliqlarida asosiy ustunlikka ega bo'ladilar.

F.B.Shakirova– Toshkent davlat texnika universiteti dostenti, PhD
S.B.Sattorova– Toshkent davlat texnika universiteti talabasi

IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISHDA TEMIR YO'L TRANSPORTI SOHASIDAGI DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARI.

Annotatsiya: Maqolada davlat va xususiy sektor o'rtasidagi munosabatlarning o'rganilib, mamlakatimizda innovatsion rivojlanishni ta'minlashda temir yo'l transportida davlat va xususiy sektor hamkorligini samarali tashkil etish hamda investitsiya loyihalarni davlat-xususiy sheriklik asosida amalga oshirish imkoniyatlari bo'yicha xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tayanch so'zlar: Davlat-xususiy sheriklik, investitsiya loyihalari, konsepsiya shartnomasi, infrastruktura.

Аннотация: В статье иследуются взаимоотношения государственного и частного секторов, сформулированы выводы, предложения и рекомндации по эффективной организации государственно-частного партнерства на железнодорожном транспорте, а также, реализации инвестиционных проектов на основе государственно-частного партнерства для обеспечения инновационного развития в нашей стране.

Ключевые слова: государственно-частного партнерство, инвестиционные проекты,концессионный договор, инфраструктура.

Abstract: The article examines the relationship between the public and private sectors, draws conclusions, proposals and recommendations on the effective organization of public-private partneship in realway transport and the implementation of investment projects on the basis of public-private partneship to ensure innovative development in our country.

Keywords: Public-private partneship, investment projects, concession agreement, infrastructure.

Bozor mexanizmi elementlarining faol ishlashi davlat va xususiy sektor o'rtasida yangi iqtisodiy munosabatlarni shakllantiradi. Bu iqtisodiy munosabatlarning rivojlangan davlatlar amaliyotidagi xususiyatlaridan biri - davlat va xususiy sektorning sherikchilik munosabatlaridan iborat. Jamoat xizmatlari va infrastrukturaga talabni oshishi natijasida bu sohadagi loyihalarni moliyalashtirish uchun davlat byudjetida mablag'larning chegaralanganligi sababli davlat yoki hukumat kafolati ostidagi hamda to'g'ridan to'g'ri chet el investitsiyalarini va xalqaro moliyaviy insitutlarni jalb qilish samarali yo'l hisoblanadi, lekin bu turdagi investitsiyalar o'z navbatida davlat tashqi qarzi hajmini oshishiga olib kelib

mamlakatning xalqaro hamkorlik faoliyatiga salbiy tasir ko'rsatishi muqarrar. Shu sababli katta hajmdagi mablag' talab qiladigan bunday loyihalarni davlat-xususiy sheriklik **(**keyingi o'rinlarda DXSh) asosida amalga oshirishga ehtiyoj tug'iladi.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan ma'lumki, yalpi ichki mahsulot tarkibida xizmatlar ulushining ortib borishi aholi farovonligi darajasi yuqori ekanligini ko'rsatadi. Shu nuqtai nazardan, transport xizmatlari ishlab chiqarish va ijtimoiy

infratuzilmaning yetakchi tarmoqlari sifatida ahamiyatlidir. Transport vositalari har qanday jamiyatning davlatchilik hududiy tuzilishining, ichki va tashqi bozorining shakllanishida hamda davlat iqtisodiyotining rivojlanishida shuningdek, temir yo'l transportining rivojlanishi mamlakatga katta hajmdagi turistlar oqimini jalb qilishda kuchli hal qiluvchi omil sifatida o'rin tutadi. So'nggi yillarda yurtimizda transport va

transport kommunikatsiyalari sohasini rivojlantirish, tashishlarning yuqori darajadagi xavfsizligini ta’minlash, respublikaning investitsiyaviy jozibadorligi va eksport salohiyatini oshirish, transport kommunikatsiyalarini strategik rivojlantirish va barqaror faoliyat ko’rsatishini ta’minlashga yo’naltirilgan keng ko’lamli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, DXShga alohida e’tibor qaratilmoqda. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev ta’kidlaganidek, “xalqaro tajribani o’rganib, raqobatni olib kirish mumkin bo’lgan monopoliya sohalariga xususiy sektor uchun yo’l ochish va shu orqali raqobat muhitini shakllantirish, shuningdek, investitsiya jalb etishning samarali vositalaridan biri bo’lgan DXSh mexanizmlarini transport, energetika, yo’l, kommunal, tibbiyot, ta’lim kabi sohalarga keng tadbiq etish kerak”.[66]

Davlat-xususiy sheriklik – bu kooperativ kelishuvning bir ko’rinishi bo’lib, bir loyiha doirasida ikki yoki undan ortiq davlat va xususiy sektor vakillarining strategik ahamiyatga ega bo’lgan investitsiya loyihalarini amalga oshirishdagi sheriklik munosabatlari deyishimiz mumkin. DXSh munosabatlarida davlatning ishtirok etishidan ko’zlangan asosiy maqsad – bu xususiy investitsiyalarni jalb etish, samaradorlikni oshirish va mavjud resurslardan yanada yaxshiroq foydalanish hamda tarmoqlarni rivojlantirishda davlat va xususiy sektorning baravar rolini belgilash, rag’batlantirish va sof raqobat muhitini yaratish orqali sohani isloh qilinishiga erishishdir.[67]

Har bir davlatda nafaqat DXSh asosida amalga oshiriladigan loyihalarni monitoring qilish maqsadida, balki bu yo’nalishni yanada rivojlantirish va

investorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish orqali ularda ishonch hissini oshirish maqsadida davlat organlari va qonun hujjatlari yaratilgan. Xususan,

1899 - yil tarixda ilk marta Angliyada DXShni rivojlantirish markazi hamda Milliy moliyalashtirishni rivojlantirish agentligi tashkil qilingan.[68] Agentlikning asosiy vazifasi etib, DXSh loyihalariga mablag’larni mobilizatsiya qilish va vazirlik hamda boshqa idoralarga maslahat berish belgilab qo’yilgan.

Yana bir rivojlangan mamlakatlardan Yaponiyada DXSh loyihalari 1999 - yilda qabul qilingan “Xususiy moliyalashtirish tashabbuslari to’g’risida”gi qonun asosida amalga oshiriladi. Bundan tashqari, Yaponiyada “DXShni rivojlantirish to’g’risida”gi qonuni yaratilgan bo’lib, uning asosiy maqsadi sifatida: xususiy sektorni moliyaviy mablag’larini hamda boshqaruv va texnologik imkoniyatlarini ijtimoiy infrastrukturani rivojlantirishga keng jalb qilish belgilab qo’yilgan.[69]

Shu bilan birga, Respublikamizda ham 2018 - yil 20 - oktyabrda O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi DXShni rivojlantirish agentligi tashkil qilingan. Agentlik davlat muassasasi maqomiga ega bo’lib, O’zbekiston Respublikasida DXSh sohasida yagona davlat siyosatini yuritish bo’yicha maxsus vakolatli davlat organ etib belgilangan. 2019 - yil 10 - mayda esa O’zbekiston Respublikasining “Davlat-xususiy sheriklik to’g’risida”gi O’RQ-537 sonli qonuni

qabul qilingan. Bundan tashqari, sohani yanada rivojlantirish maqsadida 2020 - yil 26 - aprelda Vazirlar Mahkamasining “DXSh loyihalarini amalga oshirish tartibini takomillashtirish to’g’risida”gi 259-sonli qarori ishlab chiqildi. O’zbekiston Respublikasi hududida DXSh loyihalari tegishli davlat organlari hamda agentlik bilan hamkorlikda ushbu qonun va qarorlar asosida amalga oshiriladi.[70]

O’zbekistonda temir yo’l transportini rivojlantirishda DXSh asosida investitsiya loyihalarini amalga oshirish mumkin bo’lgan quyidagi takliflar shakllantirildi:

1. Katta miqdordagi investitsiyalarni talab etuvchi loyihalar:

- yuqori tezlikdagi yo’lovchi tashishga mo’ljallangan magistral yo’llarni qurish;
- lokomotiv va vagon parkini yangilash, uni ekspluatatsiya qilish va unga texnik xizmat ko’rsatish;
- umumiy foydalanishdagi elektrlashtirilgan temir yo’l liniyalarini qurish.

2. Katta miqdordagi investitsiyalarni talab etmaydigan loyihalar:

- yuk maydonlari va terminallarni xususiy tadbirkorlarga DXSh asosida berish;
- vokzal xizmatlarini ko’rsatish jarayonini xususiy tadbirkorlarga autsorsing asosida berish;
- temir yo’l stantsiyalarida yuk ortish va tushirish faoliyati bilan shug’ulanuvchi tashkilot ishini tashkil etish;
- omborxona ishlariga refrejeratorli, xususiy tadbirkorlarni jalb qilish;
- asosiy faoliyat bilan bog’liq bo’lmagan ijtimoiy soha obyektlariga xususiy tadbirkorlarni jalb qilish.

Б.А.Искандаров– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тадкикотчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУРИЛИШ МАХСУЛОТЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА ПЕРСОНАЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришнинг назарий ҳамда қурилиш материалларининг инновацион ривожланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Қурилиш материаллари саноатининг асосий жаҳон тенденциялари тасвирланган, ички ҳақиқатлар тасвирланган. Мамлакат қурилиш материаллари саноати комплексини ривожлантиришга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: қурилиш материаллари, қурилиш материаллари саноати, инновация, иннавацион салоҳият, экспорт ва импорт имкониятлари, , инновацион ривожланиш.

Аннотация. Представлены результаты исследования теоретических и инновационных разработок управления строительными материалами предприятий промышленности строительных материалов в нашей стране, описаны основные мировые тенденции отрасли строительных материалов, описаны внутренние реалии. Разработаны предложения и рекомендации по развитию комплекса промышленности строительных материалов страны.

Ключевые слова: строительные материалы, промышленность строительных материалов, инновации, инновационный потенциал, экспортно-импортные возможности, инновационное развитие.

Abstract. The results of the study of the theoretical and innovative development of construction materials management of the enterprises of the construction materials industry in our country are presented. The main world trends of the construction materials industry are described, internal realities are described. Proposals and recommendations for the development of the country's building materials industry complex have been developed.

Keywords: building materials, building materials industry, innovation, innovation potential, export and import opportunities, innovative development.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қурилиш саноати фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаси сифатида қаралади ва миллий бойликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда инновацион салоҳиятни шакллантириш, қўллаш, унинг механизмларини жорий қилиш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари ҳозиргача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Замонавий шароитда янги технологияларни иқтисодий айланишга жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш учун иқтисодий тизим сифатида қурилиш материаллари саноати корхоналарни инновацион ривожлантириш методологиясини ишлаб чиқмасдан ва инновацияларни ҳар томонлама баҳолашнинг услубий асосларини шакллантирмай эришиб бўлмайди. Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш хусусиятларини баҳолаш асосида аниқланади. Шундай экан, инновацион салоҳиятдан самарасиз фойдаланиш
рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиш жараёнини секинлаштиради ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтиради.

Мамлакатимиз яшаш муҳитини яхшилаш, иқтисодий - ижтимоий муҳитни замон билан ҳамоҳанг бўлиши қурилиш саноатининг юқори технологияли ривожланиши билан узвий боғлиқ. Натижада ҳудудларни қулай яшаш ва муваффақиятли бизнеснинг тизимига айлантириш мумкин ҳисобланади. Қурилиш комплексининг инновацион ривожланиши яъни миллий, минтақавий, тармоқ ва корпоратив инновацион дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш давомида минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиши ва қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти ва маданиятини ривожлантириши учун иқтисодий ресурслардан максимал фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралда «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, республика давлат органлари ва корхоналарида инновацион фаолият бошқарувини замонавий усулларини илғор халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш ҳамда қурилиш материаллари саноати корхонаси раҳбарлари инновацион бошқарувининг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришларни амалга ошириш механизмларини ташкил этишнинг амалий эҳтиёжи борлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишнинг

ижтимоий-иқтисодий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни самарали бошқариш муаммоси иқтисодий иерархиянинг барча даражалари раҳбарлари учун, мулк шакли ва иқтисодий тартибга солишнинг давлат тизимидан қатъи назар, доимо долзарб бўлиб келган. Қурилиш материаллари саноати корхоналари ишлаб чиқариш жараёнида техника-технологиялардан ташқари ходимларнинг қобилияти, малакаси ва иш тажрибаси бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни самарали бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инновацион салоҳиятни бошқаришни ташкил этиш орқали истиқболли қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни бошқаришнинг янада самарали усулларини жорий этишни талаб қилади.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарнинг инновацион салоҳиятини шакллантиришнинг барча босқичлари инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, зарур маблағ миқдорини ҳисоблаш, инвесторларни жалб қилиш ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиш, зарур ресурслар билан ишлаш муддатларини аниқлаш имконини беради. Шундан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва тавсияларни беришимиз мумкин:

- қурилиш саноатида инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳани шакллантириш ва амалга оширишни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Натижада, корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қурилиш маҳсулотлари сифатини яхшилаш ҳамда рақобатбардошлигини юқори даражада ушлаб туриш имконини беради. Бу эса инновацион жараённинг яхлитлик, тизимлилик ва мураккаблик каби муҳим тамойиллари ишлашига ёрдам беради;

- қурилиш саноатида замонавий материалларни жорий этиш мақсадида инновацион жараённинг асосий босқичлари аниқ кетма-кетликда бажарилишининг ташкилий схемани яратиш, самарадорликни прогнозлаш ва ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, инновацион фаолият стратегиясини аниқлаш ҳамда якунийбосқичда инновацион қурилиш материаллари лойиҳасини ишлаб чиқиш керак ҳисобланади.

- мамлакатимиз қурилиш саноатини ривожлантиришда инновацион салоҳияти самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳанинг Дастури стратегиясини аниқлаш ҳамда ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишнинг манзилли стратегияларини ишлаб чиқиш лозим;

- корхонанинг инновацион салоҳиятини бошқариш стратегияси мураккаб ҳарактерга эга бўлиб, унда соҳа субъектларининг ва давлат бошқаруви манфаатлари инобатга олиниши лозим. Бунинг натижасида, қурилиш саноати инновацион салоҳияти бошқариш самарадорлигини оширишда қурилиш саноатининг янги захиралари, манбаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини таъминловчи механизмларини тўғри йўналтириш орқали тавсифланади.

Д. Б.Эгамкулов - СамИСИ “Иқтисодиёт” факултети 2-босқич талабаси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири реал сектор соҳасини ўрганиб чиқиш кўзда тутилади. Мақолада ушбу соҳадаги жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда соҳани рақамлаштириш масалалари, бундаги эришиладиган ютуқлар ва афзалликлар билан бирга салбий ҳолатларни олдини олган ҳолда унинг амалиётга жорий қилинишини илмий ўрганиб ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни беришдан иборат.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, реал сектор, краудфандинг, краудсорсинг, рақамлаштириш.

Аннотация: Данная статья предназначена для изучения одного из основных секторов экономики нашей страны в реальном секторе. Статья состоит в том, чтобы дать наши предложения и комментарии по вопросам цифровизации сферы, ее внедрения в практику, предотвращения негативных ситуаций наряду с достижениями и преимуществами в этой сфере, основанными на мировом опыте в этой области.

Ключевые слова: Цифровая экономика, реальный сектор, краудфандинг, краудсорсинг, оцифровка.

Abstract: This article is intended to study one of the main sectors of the economy of our country in the real sector. The article is to give our suggestions and comments on the digitalization of the sphere, its implementation in practice, prevention of negative situations, along with achievements and advantages in this area based on world experience in this field.

Keywords: Digital economy, the real sector, crowdfunding, crowdsourcing, digitization.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси иқтисодиётнинг реал сектори ривожига боғлиқдир. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини реал секторнинг ривожланиш даражаси ва рақобатбардошлиги белгилайди.

Иқтисодиётнинг реал сектори бу - иқтисодиётнинг материал-буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, номатериал бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳадир[71].

Реал сектор соҳаси ривожланишини ҳозирда рақамлаштириш ва рақамли технологияларнинг соҳада қанчалик кенг қўлланаётганлиги билан ифодаланади.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси нисбатан узоқ бўлмаган вақтда, 1995-йили Массачусец университети америкалик олими Николас Негропонте томонидан фанга киритилди[72]. Олим ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан ески иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, ижобий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.

Рақамли иқтисодиёт ҳозирги ахборотлашган жамиятнинг ҳосиласидир. Рақамли иқтисодиёт – бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги

[71] Iqtisodiyotning real sektori tushunchasi mazmuni va uning milliy iqtisodiyot rivojidagi ahamiyati. Iqtisodiyotning real sektori tarkibiy tuzilishi va shakllanishi / https://hozir.org/ozbekiston-respublikasi-oliy-va-orta-maxsus-talim-vazirligi-to-v157.html?page=2

[72] G`.M. Porsaev, B.Sh. Safarov, D.Q.Usmanova “ Raqamli iqtisodiyot asoslari”, - T.: 2020. 7-bet.

маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини таҳлил қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир[73].

Тадқиқотчилар, шунингдек рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг (интернет орқали кўп сонли одамлардан оз миқдордаги пулни жалб қилиш орқали лойиҳа ёки корхонани молиялаштириш амалиёти) ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир[74] дейишадилар.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, бозорни ўсиши, сотувчилар ўртасида рақобатбардош муҳитни ва янги инновациялар ривожланишини таъминлаб бериши мумкин. Бу орқали эса реал сектор ҳам ўз-ўзидан ривожланиб боради.

«Рақамли» давлатлар бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швецария ҳисобланишади. Рақамли иқтисодиёт ривожланган 10 та давлатлар қаторига АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея ва Гонконг каби мамлакатларни киритиш мумкин[75].

Рақамли технологиялар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлади.

Бунинг самараси ўлароқ бизнес хизматга белгиланган нархларни сезиларли даражада тушириши, макроиқтисодий йўналишда еса якка ишлаб чиқариш ва нотўлиқ бандлик кўрсаткичлари ўсиши мумкин. Шунингдек, краудфандинг ва краудсорсинг (натижага эришиш учун иштирокчилар ўртасидаги ишларни жалб қилиш ва тақсимлаш) каби йўналишлар ҳам ҳозир технологик махсулотларнинг бозорини яратиши ва уни қўллаб-қуда янги иқтисодий технологиялар сирасига киритилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция

---

[73] https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html

[74] Ilhom Sobirov, Raqamli iqtisodiyot – rivojlanish trendlari va xususiyatlari / https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari

[75] https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html

балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”[76].

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиздаги реал сектор соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида қуйидаги афзалликларга эришиш мумкин:

1. Рақамлаштириш натижасида реал секторнинг самарадорлиги юқори бўлади ва барқарор иқтисодий тараққиётга эришилади.

2. Реал иқтисодиёт тизими фаолиятини шаффоф эканлигини кузатиб бориш имконияти вужудга келади, яширин иқтисодиётга барҳам берилади, коррупцион ҳолатларнинг олди олинади.

J.M.Qurbanov-professor of Samarkand Institute of Economics and service
R.J.Kurbanova-Samarkand Institute of Economics and service, PhD
D.U.Hakimov- student of Samarkand Institute of Economics and service

REENGINEERING OF HUNTING, TRADE AND BEVERAGE DOCUMENTS IN THE DIGITAL ECONOMY.

Abstract: The article shows that regeneration should be introduced into the definition of the digital economy and electronic equipment should be used for the transition of enterprises to the digital economy.

Keywords: digital economy, regeneration, electronic technologies, digital platform, server, interface, POS system, fiscal registrar.

Аннотация:Мақолада ракамли иктисодиёт таърифидаги регенерациялашда хизмат кўрсатиш корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга ўтишида электрон техникадан амалий фойдаланиш кўрсатилган.

Калит сўзлар: рақамли иктисодиёт, регенерация, электрон техника, рақамли платформа, сервер, интерфейс, POS-система, фискал регистратор.

Аннотация: В статье приведена, что в определение цифровой экономики надо вводит регенерацию и для перехода предприятий на цифровой экономики исползовать электронную технику.

Ключевые слова: цифровая экономика, регенерация, электронные технологии, цифровая платформа, сервер, интерфейс, POS-система, фискальный регистратор.

As the president of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev said in his address to the Oliy Majlis:"...it is essential and imperative that we possess digital knowledge and modern information technology to achieve progress. This gives us the opportunity to go through the shortest path of Ascension....no matter how hard we try, when will we not get into this business today?! It will be too late tomorrow. Therefore, an active transition to the digital economy will be one of our top priorities for the next 5 years».

[76] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси

The definition of digital economy as "the activity of digital economy in the field of creation, distribution and use of digital technologies and related products and services, and in the field of digital technology, the information about the processes of activity in the enterprise is digitized or digitized in the process of generalization in it".To do this, it is desirable to use the existing electronic equipment in the enterprise. They are: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic firms are considered karashli, the information about them is presented in our work. Therefore, the topic of ways to transfer the encroachment, trade and warehouse document into the digital economy of the printing press is topical..

During the pandemic period of our research, we invited Samarkand City Obi – Rakhmat LLC ("star restaurant and shopping center") and other enterprises to establish a single server and to establish some external contacts with the help of it, using existing electronic techniques, in order to join the future local or networked digital platforms, digitize or digitize information about the processes in the At the Obi –Rakhmat LLC ("star restaurant and shopping center") of Samarkand City, a total of 2 POS-systems, 12 electronic cash registers, 8 electronic scales and 3 digital computers were connected to HPE ProLiant DL120 Gen9 server. Bunda, existing ve-15t electronic scales in the enterprise were connected using special cables with the ons-VG-4-5/16 V and RSH"N-1-5 plug to connect with the electronic cash register (fig.1).







POS-терминал BEETLEPOS- SAMSUNGER 4615RF

Picture.1. Connection of electronic scales with cash register, POS-terminal.

POS-systems, control-cash machine based on the fiscal registrar, operating only in the computer-Cash System, data from the communication network, the user enters the system. While they work mainly on magnetic card payment, they are also adapted to the speed Smart Card and PIN pad. Available ports in them are: 2xrj-11 2/6 port (for phone line and phone), 1xRJ-11 4/4 port to connect PIN PAD (RS-232), 1xRJ-45 port to RS-232; for akumlyator, modem 14400 bit/sec, Smart-Card receiver

and 32 bit prosessor, supplied with data protection RAM drive. POS-sistema BEETLEPOS-K with the connection of various peripheral equipment, it is also possible to connect the cash terminal with the local communication network to the place of work of the manager of the trading hall in the administration, and with the help of which, by monitoring the movement of goods, balance, Sales Control, daily earnings, other tasks. SAMSUNGER 4615RF– electronic control cash register machine at the enterprise is both multifunctional and can be used in a variety of industries (cash register, sector, kitchen, administration, etc.k.) equipped with a convenient interer for connecting and with RS-232 interface, the personal can access the computer or electronic scales. According to these electronic techniques, Profi-T, barcode-M: cashier, Frontol, Advanced store Retail programs are used. Obtained at the enterprise, the HPEP ro Liant DL120 Gen9 Serverixcham 1U chassis and Intel ® Xeon ® E5-2600v3 / v4 or E5-1600v3 / v4 prosessor for high performance efficiency, at a frequency of 2400 MHz, with a maximum capacity of 256 Gbytes. With the help of a single system in this created enterprise, the enterprise is working by launching many of the above-mentioned additional services. A similar single system was recommended to be created in the shopping center and kitchen of Urgut Fayz Ticaret LLC, Friday Fayz LLC, but since the capacity of these enterprises is small and the existing electronic equipment is low, the server computer was used instead of the larger-capacity personal computer. In addition to internal management and control at the enterprise, there was an opportunity to enter into an external connection, and a lot of additional services and other work are carried out. In general, the efficiency of the enterprise increased by mid – 14-17%.

On the basis of the above-mentioned methodology, it was recommended to move to the digital economy even in Samarkand City Centers. In addition, it was based on the fact that the hotels can be brought to the company "HRS" with the available electronic tools into a complete system using the software systems "Fidelio" and "Micros" (Figure 2). Edelweiss developed the Russian firm" Reksoft "with the standard of hotel automation kompleksi (ABT), (Figure 2.) it was recommended that the hotel be brought into a digital system of all departments and divisions (reception and accommodation of guests, booking through the international Internet network, warehouse, accounting, restaurant and bar, banquet service, technical department,

Sales and marketing, etc.).



Picture.2. Scheme of application of the automatic system in the hotel (ASU "Edelweiss").

With the help of the above, it was shown that in service enterprises: automatic management systems can dramatically increase the efficiency of enterprises (20 - 25%) with the protection of investments and effective management, planning and reducing losses, providing various new additional services, connecting to various digital platforms in general.

In Uzbekistan, it is possible to increase the efficiency of enterprises (20 -25%) if the service enterprises are transferred to the digital economy using the existing electronic equipment. To do this, it is necessary to create a server system, digital technology in the service enterprises, to create local -, network -, digital platforms on the scale of the Republic.

М У Н Д А Р И Ж А

I ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИДА БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ”…….....		**4**
Базарбаева Р.Ш.	К ВОПРОСУ ПРИМЕНИМОСТИ МЕТОДОЛОГИИ НЕОИНСТИТУЦИОНАЛИЗМА ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ…….	**4**
М.Т.Алимова	ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ МОНИТОРИНГИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ……	**11**
Б.О. Дусматов Ш.Х. Халимов	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ	**15**
Х.А. Улашев	ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОР СОҲАЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ……	**17**
Ш.А.Кулдашев	ТАЬЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЬЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТ УСТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ……..	**21**
Ш.А. Кулдашев	ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ **……**	**24**
А.Т. Мирсодиқов	ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА ЛОГИСТИКАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ…….	**28**
Ж.А.Ҳайдаров	ИННОВАЦИЯЛАР – ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА…….....	**32**
Б.О.Дусматов Н.М.Бурхонова	МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ОМИЛЛАРИ……..	**35**
Н.М.Бурхонова	ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТДОШЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ, ОМИЛЛАРИ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ……	**38**
II ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”……		**42**
Р.М.Раббанакулов З.С.Артиков	АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА САВДО СОҲАСИНИНГ ЎРНИ……..	**42**
Б.Ш.Хусанов Ш.Бегимкулов	БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ…….	**46**
Ж.М.Қурбонов Р.Ж.Курбанова Д.У.Ҳакимов	SAVDO KORXONALARINING INNOVASION FAOLIYATI UCHUN IQTISODIY DIAGNOSTIKA…….....	**49**
Г.М.Шадиева Ш.О.Кувандиков	НАРПАЙ ТУМАНИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ…….	**55**

Ж.М.Қурбонов Р.Ж.Курбанова Д.У.Ҳакимов	SAVDO FAOLIYATIDA INNOVASION JARAYONLARNING IQTISODIY TASHKILIY O'ZGARISHLARNI AMALGA OSHIRISH**…….**	**59**
З.С.Артиков К.А.Рахимқулова	КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАҚАРОРЛИГИ: ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ…….	**63**
Ж.М.Қурбонов Р.Ж.Курбанова Д.У.Ҳакимов	MINTAQALARNING INNOVATSIYANI QABUL QILISH DARAJASIGA KO'RA REYTING NATIJALARI TAHLILI……..	**67**
Б.О.Дусматов	РАЗВИТИЕ КЛАСТЕРОВ В СФЕРЕ АГРОПРОМЫШЛЕННЫХ КОМПЛЕКСОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНЕ……..	**75**
Ж.М.Қурбонов Р.Ж.Курбанова Д.У.Ҳакимов	O'ZBEKISTON MINTAQALARINI INNOVATSION RIVOJLANISH DARAJASI BO'YICHA BAHOLASH METODIKASI……	**78**
Ш.Х.Халимов	РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТАБИЛЬНОМ РАЗВИТИИ И МОДЕРНИЗАЦИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ……..	**84**
М.А.Абдувохидов	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РОЛИ…….	**87**
G.M. Shadieva Salimov A.F	OILAVIY TADBIRKORLIKNING AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISHDAGI ROLI**……...**	**89**
Р.Ж.Курбанова С.Ш.Хакимов	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ……..	**92**
Н.К.Баҳодиров	ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ……..	**94**
M.N.Farmonova	SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHNING XUDUDIY SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH……..	**96**
Д.Т.Узганбаева	РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИДА КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ……	**100**
Ш.Х.Халимов	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ……..	**103**
Б.Ш.Хусанов Ш.Ж. Бегимкулов	АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ……	**107**
Э.И.Абдурахимов	АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ИШ ОЛИБ БОРИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ……..	**109**
Ш.Н.Мирзаева	THE COMPOSITION OF THE INCOME OF SERVICE WORKERS AND WAYS OF ITS IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF EDUCATIONAL INSTITUTIONS)…….	**112**
Э.Шавқиев А.П.Ҳазратов	АЛОҚА ТАРМОҒИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ – БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ……	**115**
Э.Шавқиев А.П.Ҳазратов	ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИ ШАРОИТИДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИНГ ОШИШИ……	**120**

III ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ”……		**124**
Қ.Ж.Мирзаев М.Э.Аҳтамова	РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ЭКОТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ…….	**124**
S.A.Iskhakova J.I.Mamarizoev	CREATING A BARRIER-FREE ENVIRONMENT IN HOTELS……	**126**
A.Yu.Talibova R.S.Amriddinova	EKSKURSIYA XIZMATLARIGA BO'LGAN IJTIMOIY-MADANIY VA IQTISODIY EHTIYOJLARNING NAMOYON BO'LISHI VA QONDIRISHNING ASOSIY SHAKLLARI……...	**128**
З.И.Абдуллаева	ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СТАТИСТИКИ ТУРИЗМА……..	**133**
Ф.А.Бекназаров	ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР……...	**136**
Р. Б. Коссе	РЕАЛ СЕКТОРДА АҲОЛИНИНГ ФАРАВОНЛИГИ ЯШАШ ШАРОИТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТУРИЗМНИНГ АХАМИЯТИ……...	**140**
А.Б.Мирзаходжаев Ш.С.Шарифов	ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ И ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ ГОСТИНИЧНОГО ХОЗЯЙСТВА…	**143**
З.И.Абдуллаева	СТИНИЧНАЯ СФЕРА, КАК СОСТАВНАЯ И ОСНОВОПОЛАГАЮЩАЯ ЧАСТЬ ОТРАСЛИ ТУРИЗМА……	**146**
С. А. Абдухамидов	ТУРИЗМ СОҲАСИ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, БОШҚА СОҲАЛАР БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИР ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ……..	**148**
З.И.Абдуллаева	ОСОБЕННОСТИ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАК ОБЪЕКТ УПРАВЛЕНИЯ…….	**151**
IV ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”…….		**155**
Р.М. Гайбуллаев	ИСЛОМ МОЛИЯСИ МОДЕЛИ ВА УНИНГ АФЗАЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТИЗИМИГА ДУНЁ ИҚТИСОДЧИ ОЛИМЛАРИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҚАРАШЛАРИ……..	**155**
З.И.Усманова Д.Жураева	ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ……..	**157**
Саттарова З.И Тошпулатова Ш.	МЕҲМОНХОНАДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……	**160**
А.В. Федоркова О.Ю.Малинина	ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ КОНЦЕПЦИИ АНТИКРИЗИСНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ ПРЕДПРИЯТИЯ ПО ОКАЗАНИЮ ОХРАННЫХ УСЛУГ……..	**163**
А.П.Махмудова	СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ТУРИСТИЧЕСКИМ ПРЕДПРИЯТИЕМ……	**167**

N.J. Maxmudova	KORXONALARDA RISK BOSHQARISHNING KONTSEPTUAL YONDASHUVLARI……..	**169**
Sh.A.Musayeva D.I.Usmonova F.Sh.Usmanov	BEST FOREIGN EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF MARKETING STRATEGIES……	**171**
Б.О.Дусматов М.А.Абдувоҳидов	САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ……..	**175**
Б.О.Дусматов	ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЎРНИ……..	**178**
М.Э.Эрдонов	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ……...	**181**
V ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАНК – МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”……...		**185**
Z.Sh.Haydarov Sh.X.Raxmonov	TIJORAT BANKLARINING INVESTITSION OPERATSIYALARINI BOSHQARISH: PORTFELINI SIFATI, MUAMMOLARI VA YECHIMLARI……	**185**
Тураев А.А	СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ……..	**189**
Д.М.Маликова	СУЩНОСТЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ…….	**193**
П.Ш.Усмонов	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ…….	**195**
Б.Қ. Муродуллаев	ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ…….	**197**
Ш.Н.Мирзаева	FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS……	**200**
B.S.Egamberdiyev	O’ZBEKISTONDA QULAY INVESTITSIYA MUHITINI SHAKLLANTIRISHDA FOND BOZORINI ROLINI OSHIRISH……..	**204**
Ш.Н.Мирзаева	METHODS OF IMPLEMENTING INNOVATIVE FINANCING OF ENTERPRISES IN THE CONTEXT OF MODERNIZATION AND DIVERSIFICATION OF THE ECONOMY…….	**207**
VI ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИК ҲИСОБ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ”……		**211**
Янгибоев Б.Я	РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СТАТИСТИКАНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР…….	**211**
Р.Ж.Курбанова Ж.С.Самийдинов	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИННОВАЦИЯЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ……..	**214**

VII ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОРДА СЕРВИС ТИЗИМИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ”……..		**217**
М.М.Усмонов	К ПРОБЛЕМАМ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ СФЕРЫ УСЛУГ ДЛЯ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ…….	**217**
Раббимов Элбек Абдуллоевич	РЕКЛАМА СЕРВИСЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ……..	**219**
К.С. Саушева	ОСНОВНЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ И НАПРАВЛЕНИЯ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЭКОНОМИКИ СОВМЕСТНОГО ПОТРЕБЛЕНИЯ…….	**221**
М. Э.Эрдонов	ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР……...	**226**
F.F. Ulug’murodov	QISHLOQ JOYLARIDA MAISHIY XIZMATLARNING HOZIRGI HOLATI VA RIVOJLANTIRISHNING KONSEPTUAL YO’NALISHLARI…….	**228**
Ш.Н.Мирзаева И.А.Абдуазизов	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. ……..	**232**
З.С.Артиков Д.А.Мияссаров	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ…….	**236**
Ш.Н.Мирзаева	THE ROLE OF MEDICAL SERVICES IN ECONOMIC DEVELOPMENT……	**240**
Р.Ж.Курбанова Ш.И.Раджабова	ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ…….	**243**
VIII ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”..		**246**
Г.М.Шадиева С.О.Яхёева	DIGITAL ECONOMY, ITS FEATURES……..	**246**
A.A.Xodjimamedov	RAQAMLI IQTISODIYOTNING TRANSFORMATSIYASI VA BANKLARDAGI TEXNOLOGIK INNOVATSIYALAR …….	**248**
F.B.Shakirova S.B.Sattorova	IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISHDA TEMIR YO’L TRANSPORTI SOHASIDAGI DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARI……..	**251**
Б.А.Искандаров	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУРИЛИШ МАХСУЛОТЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА ПЕРСОНАЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ……	**253**
Д. Б.Эгамкулов	ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ…...	**256**
J.M.Qurbanov R.J.Kurbanova D.U.Hakimov	REENGINEERING OF HUNTING, TRADE AND BEVERAGE DOCUMENTS IN THE DIGITAL ECONOMY…….	**258**

“РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ»

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

© “FAN BULOG’I” нашриёти, Самарқанд – 2022 й.

ISBN: 978-9943-8124-6-8

Нашриёт лицензияси:
№ 4341-5160-642c-944b-ab74-5062-3969
Босишга рухсат этилди: 20.04.2022 й.
© “FAN BULOG’I” нашриёти. Самарқанд ш.
С. Бухорий кучаси, 1-11 уй.

2022 йил. Қоғоз бичими А5, 1/16
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 16,87
Буюртма № 082D, Адади 20 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
11.04.2022 й. LICENSE № 025316
REESTR № X-119112
Манзил: Шохрух кўчаси, 60-уй

